

481
1970/5

Ўзбек тили Ва адабиёти

БУ СОН

Туркий халқлар
маданиятининг буюк ёд-
горлиги —

«Қутадғу билиг»

достонининг

900 йиллиги,

Ўзбек халқ оғзаки

ижодининг

машҳур вакили —

Эргаш Жуманбулбул

ўғлининг

100 йиллиги,

Урта Осиёнинг

биринчи ва йирик

илмий маркази —

Тошкент давлат

университетининг

50 йиллигига

бағишланади.

С/б
№




1970



ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ



Ўн учинчи йил чиқиши

СЕНТЯБРЬ — ОКТЯБРЬ

5

1970



Ушбу сон = 1-15, 75-83 бетлар шўъ


ЎЗБЕКИСТОН ССР „ФАН“ НАШРИЁТИ



Бош муҳаррир —

ЎзССР ФА академиги К. Н. ЯШИН

Таҳрир ҳайъати: ЎзССР ФА академиклари: В. А. АБДУЛЛАЕВ, В. И. ЗОҲИДОВ, ЎзССР ФА мухбир аъзолари: И. О. СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ю. С. СУЛТОНОВ, Ш. Ш. ШОАБДУРАҲМОНОВ, фалсафа фанлари доктори Қ. Х. ХОНАЗАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), филология фанлари докторлари: Ф. А. АБДУЛЛАЕВ, Ҳ. И. ЕКУБОВ, Ҳ. Т. ЗАРИФОВ, С. И. ИБРОҲИМОВ, Ҳ. С. СУЛЛАЙМОНОВ, А. Ҳ. ҲАЙИТМЕТОВ, А. Ҳ. ҲОЖИЕВ, филология фанлари кандидати Н. Ф. КАРИМОВ (масъул секретарь).



На узбекском языке

УЗБЕКСКИЙ ЯЗЫК И ЛИТЕРАТУРА

Вып. 5

Наширёт муҳаррирлари Д. Мўминова, Н. Раҳимова
Техмуҳаррир Р. Рўзиева
Корректор Ҳ. Қурбонова

Р16062, Теришга берилди 4/Х-1970 й. Босишга рухсат
этилади 27/Х-1970 й. Формати 70x108^{1/16}—2,75 қогоз л.
7,7 босма л. Ҳисоб-наширёт л. 7,0.
Наширёт № 641. Тиражи 13880. Баҳоси 30 т.

ЎзССР „Фан“ нашриётининг босмаҳонаси, Тошкент, Черданцев кўчаси, 21. Заказ 195. Наширёт адреси: Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.

Адресимиз: Ташкент—ГСП,
Гоголь кўчаси, 70. „Ўзбек тили ва адабиёти“ редакцияси.
Телефон В 3-34-09, коммутатор В 9-90—71-75 орқали кўш 0-81.

Ф. АБДУЛЛАЕВ

ТУРКИЙ ТИЛЛАР ТАРИХИДА у/а МОСЛИГИ

Ёзув ёдгорликлари тилида бир қатор фонетик ҳодисалар қайд қилинганки, уларни синчиклаб ўрганиш умуман туркий тиллар тарихий грамматикаси ва фонетикасини яратишда жуда муҳим аҳамият касб этади. Шулардан бири ўзак ҳамда қўшимчаларда тор ва кенг унлилар мослиги проблемасидир. Бу масала туркологик адабиётларда мутлақо ўрганилмаган, деб айтиш ҳақиқатга хилоф бўлур эди, албатта. Айрим сўз ясовчи ва турловчилар составидаги унли товушларнинг ҳар хил бўлиши сабабларини тўғри идрок қилиш ва тушунтиришга бўлган ҳаракатлар бор, лекин афсуски, улар ҳали ижобий натижа берганича йўқ. Масала шундаки, у/а ва **-ы/-а/** ҳодисаси кенг планда эмас, яъни тилнинг бутун морфологик структураси кўламида эмас, балки тор доирада, масалан, феълларда ясовчи аффикс **-ы/а**, от ясовчи **чуқ/чақ**, **-лық/-лақ** ва ш. к. тарзида олиб ўрганилган. Масалани мураккаблаштирадиган яна бир нарса шундан иборатки, айрим туркий тиллар бўйича ҳам, ҳатто бир тил составида ҳозир жонли шевалараро ҳам у/а мослиги турлича намоён бўлади, жуда кўп параллел формалар учраб туради. Масалан: *қумлық* — *қумлақ*, *сачық/сачақ*, *арғамчық* — *арғамчақ/арғымчақ*, *йоқ* — *йақ* ва ш. к.; *ўзб. оқы*, туркм. *оқа-*, *ўзб. таши-*, туркм. *таша-*, *ўзб. қоры-*, туркм. *гора-*.

Мутахассислар (Рамстедт, Рясянен, Дени, Кононов, Баскаков, Ғуломов, Севортян ва бошқалар) сўз ясовчи айрим аффиксларни талқин этганларида у/а, ы/а мослиги ҳақида гапириб, баъзан иккинсини бир элемент сифатида қарайдилар, айрим ҳолларда эса бошқа-бошқа ясовчилар сифатида талқин қиладилар. Проф. Э. В. Севортян бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «-қын — қан, ық — ақ, қы — қа каби от ясовчилар ёки равишдош формасининг кўрсаткичи **а**, **-ы** аффиксларининг келиб чиқиши жиҳатдан бир бўлганлигини ҳисобга олиб, феъл ясовчи **-а**, **-ы** қўшимчаларини ҳам келиб чиқиши жиҳатдан бирлаштириш мумкин. Кейинчалик бу кўрсаткич иккига — кенг ва тор вариантли аффиксларга ажралгандир»¹. Бу фикр ёлғиз ясовчи аффиксларга нисбатан айрилган бўлса ҳам, умуман **-ы/-а**, **-у/-а** мослиги билан алоқадор бўлган барча ўғаришлар ҳақида анча ишонч билан гапириш имкониятини туғдиради. Ёзма ёдгорликлар тилида фақат **бур-**, ҳозирги тилда икки хил **бур-** ва **бура-** шакллариининг бўлиши ҳам (қиёсланг: **сор-** ва **сора-** шаклларида ҳам шундай, лекин биринчиси жонли тилда ишлатилмайди), озар. тилида *сорушмаг*, турк. тилида *сормак* «сўрамоқ».

Ёзув ёдгорликларида фақат сўз ясовчи аффикслар доирасида кенг **а/ā** билан бир қаторда худди шу функцияда тор унли билан қўлланади-

¹ Э. В. Севортян, Аффиксы глаголообразования в азербайджанском языке, М., 1962, стр. 230.

ган вариантлари ҳам жуда кўп учрайди: *тир-а, от-а, ат-а, тōш — а, туз — а* ва ш. к. билан бирга, тор унли билан келган: *бозу* (ҳозирги *бойа-*), *бошу* (ҳозирги *боша-*), *күри* (ҳозирги *күрā*) вариантлари ҳам учрайди; ҳозирги *отал-* (ўталмоқ) феъли Маҳмуд Кошғарий луғатида *от — ул* формасида берилган. «Қутадғу билиг» асарида қуйидагиларни ўқиймиз:

Сāvūч савчы бирлā қопурғыл² мāни ...
Улуғ кўндā кōр кит оларын йўзин ...
Т у р ў т к ā в, игидкāk, кāчўргāн идим ...
Сāvāрини āсāн тут, йағсын кōт ўр,
Сāvўнчин болу тут, сақынчин қопур ...

«Ҳиббатул-ҳақонқ» асаридаёқ *кōтўр* феъли худди ҳозирги ўзбек тилида-гидек, кōтар шаклида учрайди (қиёсланг: озар. тилида *гōтурмāk*).

Сирашким лаъли āташнаку хатти мушкбаридин,
Чяқарди дуди жаныч, от тўтўшкāн рōзгāридин.

(*тўтўшкāk* — ҳозирги тилда туташган. Илк девон, 1968, 115а).

Яна:

Қулмадиң тā козлāримни кавкаб афшāн қылмадиң,
Тōкмāдиң қанымни тā бағрым толу қан қылмадин.

Сўнги мисрада *толу* сўзи ҳозирги тилимизда *тола* (тўла) шаклида қўлланади. Кенг унли билан қўллаш қипчоқ ва ўғуз тиллари учун хос бўлмаган формадир, Навоийдан келтирилган мисолда бошда худди шу шаклда бирор уруғдош тилдан олинган, кейинчалик эса *толық* (тўлиқ) сўзига синоним сифатида қўлланган ва аста-секин охиридаги *у* товуши кенг *а* унлиси билан алмашган. Ҳозирги тилимизда бу икки лексема мустақил сўзлар сифатида луғатлардан ўрин олган. (Қиёсланг: вазифани *тўлиқ* — *тўла* бажардим — дейиш мумкин, лекин ариқ *тўлиқ* сув ибораси одатда ишлатилмайди).

«Қисаси Рабғузий» асарида *қонуқ* «меҳмон» шакли билан бирга *қонақ* варианты ҳам учрайди: халайиқни бир кўн қонуқла йур сақынчым бар (Салтиков-Шчедрин номидаги Давлат Кутубхонаси. Қўлёзмалар фонди, ТНС, 71, 111а); Ибрāҳим розасын қонуқсыз ачмас арди (ўша ерда, 76); Ибрāҳимга айдилār, сāн қонақсызлық бирлā... (ўша ерда).

Қуйида турли манбалардан олинган (Маҳмуд Кошғарий луғати, «Аттуҳфа...» асари, Навоий луғатлари, 1969 йилда нашр қилинган. Қадимги туркий тиллар луғати ва бошқалар) айрим мисолларни келтирамиз.

Ҳозирги замон нуқтан назаридан морфологик қисмларга бўлинмайдиган ўзакларда: *балла*—*балта*, *орду*—*орда*, *сўнўк*—*сўнāk*—*сўйāk*, *сōгй*—*сōгāл*, *йўнўл*—*ййқил*—*йеңил*—*соғун*—*соған* (*ниёз*), *тамыр тamar*, *қойун*—*қойан*, *чойун*—*чойан*, *қамуғ*—*қамағ* (барча), *бутуғ*—*бутағ*, *гāзик*—*гāзāk*, *чолуқ*—*чолақ*, *чолтуқ*—*чолтақ*, *очуқ*—*очақ*, *йогун*—*йоган*, *ōркўч*—*ōркāч*, *қотуз*—*қотас*, *кими*—*кāймā*—*кемā*, *боғуз*—*боғаз*, *жоғду*—*жоғда*, *йарлықа*—*йарлақа*, *тōбў*—*тōбā*—*тепā*, ҳатто форс—тожик тилига алоқадор бўлган айрим ўзакларда ҳам шундай ўзгариш содир бўлган: *хорус*—*хурус*—*хораз*, *қағит*—*қағиз*—*қағаз* ва бошқалар.

² Қизиги шундаки Наманган нусхаеида *қопурғыл*, Вена нусхасида эса *қопарғыл*. С. Е. Малов, Памятники древнетюркской письменности, М.—Л., 1951, стр. 240.

Бундан ташқари, жуда кўп турдаги ясовчи ва турловчи аффикслар составидаги унлиларнинг ўзгаришида ҳам шу ҳодиса мавжуд.

Составида **-уғ, -ағ** аффикслари бўлган сўзларда: *соруғ — сорағ, туруғ — турағ, йатуғ — йатағ, қонуқ — қонақ, отруқ — отрақ, қапуғ — қапағ, қачық — қачақ, өлуғ — өләғ, тутуқ — тутақ* (тутақмақ феъли), *буқуқ — буқақ, йалдырық — йалдырақ йалтирақ* ва ш. к.

Составида **-чуқ, -чақ** аффикси бўлган сўзларда: *бунчуқ — мунчуқ — мунчақ, очуқ — очақ (от + чуқ), сачуқ — сачақ, ойынчық — ойынчақ, қоғырчық — қоғырчақ, өрүмчүк — өрүмчәк, өлишүк — өлчәк*.

Составида **-лық, -лақ** аффикси бўлган сўзларда: *ташлық — ташлақ, сувлық — сувлақ, сазлық — сазлақ, отлық — отлақ, тузлық — тузлақ тазлақ, қумлық — қумлақ, қышлық — қышлақ — қышлав, йазлық — йазлақ, йайлағ — йайлав* ва ш. к.

Составида **-у, -а** аффикси бўлган феълларда: *бошу — боша, кўсү — кўсә, кўрү — кўрә —, йолу — йола, тозу — тоза, бойу — бойа*; (аслида феъл формасига алоқадор бўлган *кору* — *корә* типидagi сўзлар қўшимчиси **-у, -а** равишдош кўрсаткичидир); *өртү — өртә, ору — ора, оту — ота* ва ш. к.

Составида **-дур, -дар** қўшимчиси бўлган сўзларда: *дөндүр — дөндәр/төнтәр* (қизиқ, бу сўздан ҳозирги тилда семантикаси бир-биридан анча узоқ бўлган икки сўз юзага келган: *дўндирмоқ* — бирор ишни — ҳаракатни мақсадга мувофиқ равишда бажармоқ, бопламоқ; *тўнтармоқ* — бирор нарсани ағдармоқ, тўнкармоқ); *ағдыр — ағдар, гөндүр/көндүр — гөндәр* ва бошқалар.

Шуниси характерлики, тўпланган материалга кўра, **у/а** мослиги жуда кўп ҳолларда иккинчи бўғинда, сийрақ бўлса ҳам учинчи бўғинда учрайди, биринчи бўғиннинг нисбати анча кам: *йўқ — йақ, қырға — қарға* (қарғамоқ), *йикән — йәкән, йыгла — йәгла, ыгла — агла, чийан — чайан, қызнақ — қазнақ, киби — кәби*.

Бундан ташқари, жуда кўп ҳолларда **у/а** мослиги асосан қаттиқ ўзакли сўзларда қайд қилинди, юмшоқ ўзакли сўзларда бундай ўзгариш анча кам учрайди: *йикән — йәкән, сўңүк — сўңәк, сөңәк — сўйәк, гәзүк — гәзәк, сөгүл — сөгәл, тобу — төбә/тепә, өрүмчүк — өрүмчәк* ва ш. к.

Келтирилган мисоллардан очиқ кўриниб турибдики, мазкур икки вариантнинг энг қадимгиси, қайси бўғинда келишидан қатъий назар, тор унли билан шакланган тури бўлган. Бу тезис шубҳа туғдирмаслиги учун бир-икки мисолни қараб чиқайлик.

Туркий тиллар тарихида (ёзма манбаларда) кўрсатиш олмоши *ошул* сўзи бўлганлиги маълум. Ўзбек тили манбаларида *ошул* формаси билан бир қаторда, айниқса XIX—XX аср ёзма ёдгорликларида, *ошал* шакли ҳам қайд қилинган. Демак, биринчи ўзгариш **у>а** тарзида юз берган (*ош* → *ул* — мана бу, мана шу маъносида бўлган); янги даврда эса аслида қўшма бўлган бу сўз охиридаги *л* тушган, натижада ҳозирги тилимизда қўлланадиган *ўша* сўзи шакланган; ҳозирги қирғиз тилида қадимги *ошул* формасининг сақланиб қолиши лаб гармонияси таъсири натижасида бўлса керак; шу муносабат билан қозоқ тилидаги *сол* ва *осы* сўзларида юз берган маъно фарқи диққатга сазовордир: ўзбек тилида кўрсатилувчи предмет аниқ ва яқин бўлса, **шу** олмоши ишлатилади, предмет узоқда бўлиб, лекин аниқлик маъноси мавжуд бўлса **ўша** олмошини ишлатамиз; қозоқ тилида эса, аксинча, *сол* — узоқ ва аниқ, *осы* — яқин ва аниқ предметга ишора қилганда ишлатилади. Кўринадики, ҳозирги ўзбек тилидаги **шу** ва **ўша** олмошлари аслида бир сўзга (қўшма сўзга) алоқадор бўлган, **шу** олмошида икки компонентнинг ҳам элементлари сақланган: биринчидан **-ш (>ош-)**, ик-

кинчидан эса -у: ш÷у; ўша олмошида эса, биринчи компонент тўла сақланган (ош), иккинчисидан эса фақат а элементигина қолган (у>а).

Бошқа бир мисол келтирамиз.

Қадимги туркий тил луғатини тузганлар қизиқ бир фактга эътибор берган бўлишлари керак: ўт ёқадиган ўчоқ сўзи луғатда уч хил вариантда берилган: *отчуқ* — *очуқ* ва *очақ*. Агар юқорида у/а мослиги ҳақидаги айтган фикримиз ҳақиқатга яқин бўлса, бу сўзнинг этимологиясини аниқлаш унча қийинчилик туғдирмайди. Маълум бўлишича, *очақ* (ҳозирги *ўчоқ*) аслида *от* ва *чуқ* элементларидан, яъни *ўт* сўзига *-чуқ* кичрайтиш аффикси қўшилиши натижасида ҳосил бўлган «ўтча», «оловча» деган маънони ифодалаган: *от+чуқ>очуқ>очақ*. Аслида «қозон осмоқ» бирикмасида ҳам қозон ҳозиргидек ўчоқ устига қурилмаганлиги, балки ўт устига маълум мослама воситасида осилганлигига ишора бор. Кейинчалик функционал кўчиш қонунига мувофиқ қозон ўрнатиладиган маҳсус мослама маъносидagi сўз юзага келганки, бунга шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Биз юқорида айтилганларга асосланиб туриб, айрим сўз ясовчи ва турловчи формаларининг генезисига алоқадор бўлган қуйидаги мулоҳазаларни баён этсак бўлади.

1. Қадимги ёдномаларда ва традиция бўйича то XV аср охирларига қадар амалда қўлланиб келган *-у*, *-йу* аффиксларининг (равишдош формасини ясовчи қўшимча), мазкур у/а мослиги асосида ривожланиб, ҳозирги тилимизда биринчиси у>а тарзида ўзгарган, иккинчи вариантда эса аффикс охиридаги у нотургун бўлганлиги учун тушиб қолган ва ҳозирги й вариантли raviшдош формасини ясовчи элементни юзага келтирган (ундош билан битган негизга *-а* қўшилади, унли билан тугаган феъл негизига *-й* қўшилади).

2. Бошқа бир raviшдош формасини ясовчи *-гунчā*, *-гунча* аффикси составида ҳам юқоридагидек ўзгариш рўй берган ва аста-секин маъно жиҳатдан фарқли бўлган икки хил форма юзага келган: *гунча* қўшимчаси пайт raviшдошини ясайди, *-ганча* эса қиёслаш мақсадида ишга солинадиган форма ясайди: (қиёслаш: у *кетгунча*, сен кутиб тур ва у *кетганча* — кетди). Характерлики, ўгуз группа шеваларида икки ҳолатда ҳам аффиксининг тор унлиси бўлган варианты ишлатилади: барынча, гāлинчā, шунгйин йатгыича, ишлāсāн вомъймъ>? Қипчоқ группа шеваларида эса фақат кенг унлиси бор вариант ишлатилади: кўрганча, барганча; Фаргона — Андижон типидagi шеваларда биргина *-гинчā*:

3. Фикримизча, ҳозирги-келаси замон феъли деб аталган *бараман*, *келаман* типидagi форманин юзага келишида ҳам худди юқоридаги фонетик ўзгариш муҳим роль ўйнагандек кўринади. Агар у/а мослиги ҳақидаги фикр тўғри бўлса, *келаман*, *бараман* формасида ҳам у/а ўзгариш юз берган деб эътироф қилиш керак бўлади: *ё кал — у — ман > келаман* тарзида ўзгарган, ёки дастлаб *кāлўрмāн* варианты составидаги *р* ундоши тушган, сўнгра у/а тарзидаги ўзгариш юз берган. Ҳозирги *кāлāмāн/келāмāн* формасининг тарихи нисбатан унча узоқ эмаслиги ҳам шунга далolat қилади (XV асрдан илгари бу форма учрамайди)³.

4. Ҳозирги адабий тилимизда орттирма феъл формасининг вариантлари (яъни тор ва кенг унлиси бўлган вариантлар) ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин: *гиз—гāз*, *гыз—ғаз*, *киз—кāз*, *қыз—қаз*: *ўтқиз—ўтқаз*, *кетқиз—кетқаз*, *қутқиз—қутқаз*, *кўргиз—кўргаз*, *турғиз—турғаз* ва д. к. Ўз-ўзидан аёнки, бу вариантларнинг мавжудлигида биз қайд қилган қонуниятнинг изи бор, тенденция ҳамон давом этаётганлиги кўриниб

³ Шамсиддин Шукуров ўз китобида («История развития глагольных форм узбекского языка») ҳозирги-келаси замон феъли III шахс формаси — *қылады*, *ақмайды* қабл — XVIII аср охири ва XIX асрларда учраганлигини қайд қилади, 40 бет.

турибди. Бунинг устига Тошкент диалекти вариантнинг мавжудлигини келтириб қўшсак (асосан қаттиқ вариант — *киргиз*, мажлис *ўтқаздим*, *кетқазиб* юборди ва ш. к.), ҳозирги адабий тил имлоси ва тўғри талаффузи қоидаларини қатъийлаштиришда мазкур мосликни албатта ҳисобга олиш, прогрессив формани танлаш керак бўлади. Яъни, кўрсатилган аффикс составидаги унлининг кенг варианты нисбатан янгидир, шунингдек худди шу қўшимча составидаги **з** варианты **р** вариантга қараганда анча кейин келиб чиққандир; вариантларни танлашда шулардан бирини олиб, адабий тилнинг нормаси сифатида тавсия қилиш, қолганларини ишлатмаслик маъқул: *қутқаз* формаси норма сифатида олинади, қолган *қутқар* — *қутқиз* каби вариантларни ишлатиш тавсия қилинмайди, *ўтказ* шакли олинади, қолган вариантлари — *ўткар*, *ўтқиз*, *ўтқаз* — (Тошкент варианты) қоидага хилоф деб қаралиши керак.

5. Қадимги ёдномаларда ишга солинган ва то ҳозиргача баъзан учраб турадиган **-дин** (чиқиш келишиги аффикси) қўшимчаси ҳақида ҳам шунини айтмоқ керак. Ҳозирги уйғур тилида, шимолий ўзбек шеваларида **-дин** формаси сақланиб қолган: бунда ҳам у//а, ы — и//а — ä мослигининг изи бор.

6. **-ур**, **-ар** сифатдош формасининг ҳам ўша тарихий у/а мослигига алоқаси борлигига ҳеч қандай шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Адабий тилимизда сифатдош ва ҳозирги-келаси замон формасини ясовчи бу формантнинг асосан **-ар** шаклини танлаб олган, **-ур** формаси эса баъзан стилистик талаблар билангина ишга солинади ва уни энди норма даражасига кўтариб ўтиришнинг ҳожати йўқ⁴.

Энди туркий тиллари тарихида содир бўлган ва ҳозир ҳам давом этаётган у/а тарзидаги ўзгаришнинг сабабиятини аниқлашга уришиб кўрайлик. Шундоқ қараганда, мазкур ўзгаришнинг айрим турлари маълум фонетик шароитда содир бўладиган ўзгаришга — товушларнинг комбинатор-позицион ўзгаришига жуда ўхшаб кетади. Йўғлади — йағлади, ығлади — ағлади типидagi ўзгаришларда ҳақиқатан ҳам ассимилятив ўзгариш юз берган — сўнги кенг унлининг таъсири билан биринчи бўғиндаги тор унли кенгайган; *қырга* — *қарга*, *қызнақ* — *қазнақ*, *йикән* — *йакан*, *гәзик* — *гәйзак*, *балту* — *балта* ва ш. к.; айрим мисолларда сўз составидаги товушларнинг ўзаро таъсири натижасида юзага келган ўзгаришлар ҳам бор ва ҳозирги тилда бу ўзгариш сўзнинг икки хил вариантини юзага келтирган: қадимги *чазан* кейинчалик *чайан* бўлган, сўнроқ эса **й** ундощининг таъсири билан кенг унли торайган: *чазан* > *чайан* > *чийан* > тожик тилидан олинган *чароғ/чироғ* сўзида ҳам шундай.

Шундай мисоллар ҳам учрайдики, улардаги бўғин унлиларининг тартиби **о** — **у** тарзида бўлади, кейинчалик тор унли кенг унли билан алмаштирилган: *сөгүл* — *сөгәл*, *чолуқ* — *чолақ*, *очуқ* — *очақ*, *йогун* — *йоган*, *чойун* — *чойан* ва бошқалар; *қумлық* — *қумлақ*, тузлук — тузлақ каби мисолларда ҳам шундай. Ўзбек тилида лаб оҳанги қонуни ўз кучини йўқотганлиги сабабли, табиий, иккинчи бўғин унлиси биринчи бўғиндаги **о** унлисининг таъсиридан озод, демак бу ерда қандайдир бошқача изоҳ талаб қилинади. Иккинчи ҳолатда қандайдир ўзгача қонуният, кейинги бўғин унлисини мустаҳкамлашга интилиш тенденцияси бордек сезилади. Фараз қилайлик, Навоий асарлари тилида қайд қилинган со-

⁴ Шоир Уйғун ёзган бир шеърнинг ўзида («Салют») бу форманинг икки варианты ҳам ишлатилган:

Жанглар ўтиб кетар, замон шовқини —
 Йиллар давомида оқибат сўнар...
 ва:
 Балки аста-секин биз кўрган тоғлар —
 Мияг йиллар сўнгида бўлураар адо...

пуғ сўзининг иккинчи бўғинидаги **ғ** ундоши, агар кучли бир восита бўлмаса, тушиб қолиши мумкин эди, уни қўриқлайдиган бўғин унлиси **у** тобуши ҳам жуда заиф, нотурғун, шунга кўра, яъни охириги бўғинни, демак бўғин составидаги товушларни сақлаб қолишга интилиш тор унлини кенгайтиришга олиб келган. Бу фикрнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш учун ўғуз ва қипчоқ шеваларида айрим сўзлар охиридаги **ғ — қ — к — г** ундошларининг тор унлилардан сўнг тушиб қолиши мисолини келтирсак кифоядир: *сары(ғ), қатты(ғ), кичи(г), аччи(ғ)* ва бошқалар; **-лиг -лығ** ясовчиси составидаги ундошларда ҳам худди шундай ҳодиса юз берган. Айтилган фикр ёпиқ бўғинли барча аффикслар составидаги ўзгаришга алоқадордир. Энди охири тор унли билан тугаган (очиқ бўғин) айрим аффикслар составида содир бўлган ўзгаришларни кўриб чиқайлик.

Бу типдаги аффиксларнинг фонетик жиҳатдан ўзгаришида ҳам юқорида айтилган қоида амал қилади. Ҳозирги **-а, -й** кўрсаткичи воситасида ясаладиган равишдош формаси тарихан **-у, -йу** тарзида бўлганлиги маълум. Кўринадики, сўнги форма ҳозиргисига сира ҳам ўхшамайди, 5—6 юз йил ичида биринчиси мутлақо йўқ бўлиб кетиб, янги бир форма юзга келган, деб фараз қилиш мантиққа тўғри келмайди. Демак, юқорида қайд қилинган **у/а** мослиги воситаси билангина товушлар трансформациясини тушунтириш мумкин: **-у, -йу** формаси редукцияланиб, йўқ бўлиб кетиши мумкин эмасди, асрлар оша иш кўриб келган система вайрон бўлиши билан тилнинг коммуникатив функциясига жиддий путур етган бўларди. Шунга кўра, биринчи ҳолатда равишдош кўрсаткичи **у > а** тарзида ўзгарган, иккинчи турида эса **-йу** составидан нотурғун тор унли **у** тушган, **-й** кўрсаткичи сақланиб, равишдош формасини ясовчи аффикснинг варианты (унли билан тугаган негизга қўшиладиган варианты) сифатида иш кўриб келмоқда.

Мақолада темага алоқадор бўлган бошқа бир қатор масалаларни ёритиш имкони бўлмади, жумладан, мазкур ўзгариш натижасида қўп вақт икки вариант ҳам сақланади, улар ўртасидаги стилистик ва семантик фарқлар нимадан иборат, «кенгайтирилган» термини билан юритиладиган **сор — сора, бур — бура** типдаги формаларнинг тилдаги вазифаси каби масалалар ҳозирча ёритилмади. Бу ва бунинг каби сўроқларга дастлабки жавобни олиш учун Эрванд Владимирович Севортяннинг қайд этилган асарига мурожаат қилиш тавсия этилади. Бу асарда мазкур масалага доир библиография ҳам келтирилган.

Г. Ф. БЛАГОВА

**«ҚУТАДҒУ БИЛИГ» БИЛАН «БОБИРНОМА»НИ
ТАРИХИЙ-ЛИНГВИСТИК ҚИЕСЛАШ МЕТОДИКАСИ**

1. Ўрта асрларда туркий адабий тилларнинг тараққиёти жараёнида қадимги уйғур ёзма тилининг жуда муҳим аҳамият касб этганлиги ҳаммага аён. Бу фикрни ҳали миллатлар ташкил топмаган даврга оид энг муҳим адабий тиллардан бири бўлмиш чигатой ёки, бошқача қилиб айтганда, Ўрта Осиё туркий тилига нисбатан қўллар эканмиз, уни исботлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Зотан, XV аср обидаларидан Бобирнинг отаси султон Умар Шайхга нисбат берилувчи, қадимги уйғур ёзувида битилган бир ҳужжатни эслаш kifоя; қадимги уйғур тилининг таъсири мазкур ҳужжат тилида яққол сезилади¹.

Туркий тилининг ривожланишида қадимги уйғур тилининг буюк аҳамиятини тан олиш баъзи ўринларда бу тил мавқени мутлақлаштиришга олиб келади. Масалан, «туркий тили, аслини олганда, қадимги уйғур ёзма тилидир» ва у XX аср бошларига қадар шундай бўлиб келган, деган фикр олға сурилади². Бу қабилдаги эътирофлар туркий адабий тилларнинг ягона бир манбадан яхлит оқим каби тараққий этганлиги ҳақидаги кенг тарқалган тезиснинг «ағдармаси» десак, муболаға қилмаймиз.

Бизнингча, туркий адабий тилларнинг тарихий тараққиётини акс эттирувчи умумий схема яратиш учун, ўрганилаётган давр ичида қадимги уйғур оқими билан маҳаллий халқ стихияси ўзаро қандай муносабатда бўлганлигини ҳар бир тилга нисбатан алоҳида конкрет ҳолда текшириш зарур. Бир қатор тарихий-қиёсий тадқиқотлар амалга оширилгандагина, туркий тили маҳаллий вариантларининг асл хусусиятларини ёритиш ва уларнинг қадимги уйғур тилига бўлган ҳақиқий муносабатини аниқлаш имконияти юзага келади. Бундай тадқиқотларсиз «қадимги уйғур тил асоси» ҳақидаги даъволар ҳозирча интуитив субъектив характерда деб қаралиши муқаррар; уларни тасдиқлаш учун, туркий тилида учраб турадиган ва аксарият ҳолда архаиклашган айрим қадимги уйғур сўзлари ва грамматик формаларгагина таянилади.

Қадимги уйғур ва чигатой тиллари асл моҳияти билан иккита ҳар хил тил эканлиги шак-шубҳадан холи фактдир. Экстраллингвистик фактор-

¹ Қарағ: П. Мелноранский, Документ уйгурского письма султана Омар-Шайха, ЗВО РАО, т. XVI, вып. I, СПб., 1905, стр. 01—012.

² К. З. Ахмедов, К вопросу о характере и лексическом составе ранних письменных памятников Башкирии, Сб. «Башкирская лексика», Уфа, 1966, стр. 10. Туркий тили ҳақидаги қуйидаги фикр ҳақиқатга яқинроқ: «...восходит к нормам и традициям старых литературных языков Средней Азии, караханидского (X—XII вв., Кашгар) и золотоордынского...» (А. Н. Кононов, Ценный труд по грамматике староузбекского языка, «Общественные науки в Узбекистане», 1953, 8, стр. 64). Яна қиёслағ: В. В. Радлов, Ярлыкы Токтамышы и Темир-Кутлуга, стр. 1. (отд. отт. из: ЗВО РАО, т. III, 1889).

лар³ ҳам, хусусан, Буғра хонлар саройида XI асрда ва темурийлар хонадонида XV—XVI асрлар давомида ҳукм сурган тил муҳитлари ўртасидаги фарқлар ҳам шунга тақозо этади. Юсуф Хос Ҳоҷибнинг тўғридан-тўғри хабар беришига кўра, у «Қутадғу билиг»ни Қашқар элида «*buğra xan tilinde türk luqatince*⁴, яъни туркий тилнинг Буғра хонлар саройида қўлланилган шеvasида ёзган. Шу билан биргалликда Бобирнинг ўзи яшаган даврда Андижон шеvasи ёзма туркий тилига яқин бўлганлиги ҳақидаги фикри ҳам маълум: [анди_джан] элининг лафзи қалам бирла расттурани ўчўн ким мир'али шир навайинин муснафати бувуд_дуд ким ҳирида нашв-у нама тапиб тур бу тил биладур⁵.

Бундай асосли фактларни тан олиш тадқиқотчи зиммасига чиғатой тилидаги «қадимги уйғур тил асоси» масаласига реалистик нуқтаи назардан ёндошиш заруратини юклайди. Бунда дастлаб бажарилиши лозим бўлган вазифа — қадимги уйғур тилига хос формалар чиғатой тилида қай йўсинда тараққий этгани ва ўзгарганлигини кузатиш. Қадимги уйғур формаларининг туркий тилидаги адабиётнинг турли жанрларига кўчиши (миграция)ни текшириш бу формаларнинг туркий тилидаги эволюцияси борасида индивидуал ясаишларини кузатиш, яъни қадимги уйғур оқими қай равишда чиғатой тили билан қўшилиб натижада қадимги уйғур элементлари ўзининг софлигини йўқотганлигини аниқлаш⁶ учун жуда самарали бўлур эди. Акс ҳолда адабий тилнинг бир турли грамматик формалардан иккинчи турларига ўтиш процессида ифодаланадиган тараққиёт ҳаракатини тушуниш мушкулдир⁷.

Бу масалаларни қадимги уйғур ва чиғатой адабиётлари обидаларини қиёсий-лингвистик ва лингво-стилистик анализ қилиш орқалигина ҳал этиш мумкин.

Жанр, мазмун ва услуб жиҳатидан бир-биридан тамомила фарқли (яратилиш даврига кўра эса 400 йилдан ошиқроқ муддат ажратиб турган) икки обидани, яъни шеърый дидактик асар «Қутадғу билиг» билан насрий тарихий ёдгорлик «Бобирнома»ни лингвистик қиёслаш мумкинми? Албатта, насрий асар билан шеърый асарни синтактик, стилистик ёки лексик нуқтаи назардан ўзаро қиёслашнинг маъниси йўқ.

Лекин тилнинг негизини ташкил қилувчи морфология жиҳатидан ёндошганимизда, бундай қиёслаш биринчи галда «Қадимги уйғур тили туркий тилнинг ўзгармас бир асоси сифатида сақланганми?» деган саволга тўла ва объектив равишда жавоб бериш учун зарурдир.

Шу сабабли баъзи сўз туркумларининг ҳар иккала обидада бир хил каби кўринган айрим грамматик хусусиятларига тўхталамиз. Ҳақиқатан, феълнинг *-ган, -миш, -ур, -ғу, -ғулуқ, -ғусиз, -ғу, -тек, -мақ* кабилар билан ясалган формалари, шунингдек, *нэ, нэй* сўроқ олмошлар-

³ Маълум бир тил тарихини шу тилда сўзлашувчи халқ тарихи билан боғлаб ўрганиш совет тилшунослигига хос хусусиятдир; ҳозирги кунда тил ва жамият ўртасидаги алоқа масаласи, тил тараққиётидаги лингвистик ва экстралингвистик факторнинг ўзаро муносабати масаласи энг муҳим проблемалар жумласига киритилади. (Қараңг: «Язык и общество», Тезысы докладов ЮЛЯ АН СССР, Институт языкознания АН СССР], М., 1966, стр. 7, 9 и сл.).

⁴ Rahmeti Arat R. Kutadgu Bilig, I-Metin, Istanbul, 1947 (бундан кейин ҚВБ белгиси билан берилади), 2-бет АЗ В2₁₄ 24, қиёслаңг: 6-бет С4₂₃, А6₃₃.

⁵ «Бабер-наме или Записки Султана Бабера», Асл нусха тексти (Н. И. Ильминский) томонидан нашр этилган (бундан кейин БН шаклида белгиланади), стр. 3.

⁶ Бундай вазифалар биринчи марта рус адабий тили тарихини унинг черков-славян тилига муносабати билан боғлиқ ҳолда ўрганиш учун академик В. В. Виноградов томонидан қўйилган эди. Масалан: В. В. Виноградов, К истории лексики русского литературного языка, «Русская речь», Новая серия, 1, Л., 1927, стр. 91, 112; яна шу автор «Основные проблемы изучения образования и развития древнерусского литературного языка, «Исследования по славянскому языкознанию», М., 1961, стр. 13, 40 и сл.

⁷ Қиёслаңг: «Проблема образования и развития литературных языков» М., 1957, стр. 12.

ри ёки бўлмаса барча бутун, тукъл, тамам каби белгилаш олмошлари ҳар иккала асарда учрайди.

Туркий тиллар тарихи тадқиқотчилари кўпинча турли хилдаги грамматик, лексик параллелларга, яъни текширилаётган ёзма ёдгорлик ва бошқа туркий обидаларнинг тилидаги ёки бошқа туркий тиллардаги ўхшашликларга эътибор берадилар. Лекин бундай ишларда қадимги уйғур оқими билан маҳаллий халқ тили стихиясининг ўзаро муносабати каби катта ва мураккаб проблеманинг бир томонигина ёритилиши мумкин, холос.

Бу проблеманинг иккинчи томонини текширишга қўл уриш учун, бундай ўхшашликларда баъзи фарқли томонлар бор ёки йўқлигини кузатиш лозим.

Кузатилган мақсадга кўра, ўзига хос системали методикадан⁸ фойдаланамиз. Ҳар иккала ёдгорликдаги маълум бир грамматик категориянинг айрим формаларини эмас, балки барча формалар мажмуасини уларнинг хилма-хил функциялари асосида қиёслаймиз. Бунда формаларнинг қўлланишини миқдорий жиҳатдан тахминан бўлса-да, характерлаш жуда муҳимдир. Бундан ташқари, иккала асар тилида кузатилаётган форма асосида ҳосил қилинган форма ва конструкциялар тўпламини ҳам ҳисобга оламиз. Масалага бундай ёндошиш муайян бир форманинг ҳар бир ёдгорлик тилида тугган ўрнини ва уларнинг ўзаро муносабатини аниқлаш имконини очади ва шу тариқа текширилаётган формаларнинг ёдгорликлар тилида ўзаро мослигини ва фарқини белгилашга ёрдам беради.

II. Ҳар иккала ёдгорликдаги сифатдошларни қиёслашга ўтамиз. «Қутадғу билиг» тилида ўтган замон сифатдошлари *-ган*, *-миш*, *-дў* формалари Бобир тилида ҳам учрайди. Уларнинг қўлланиш частотаси турлича. Сифатдошнинг *-миш* формаси асарда энг кўп учрайдиган ва полифункционал форма бўлиб, у атрибутив, предикатив, субстантив функцияларда келади, эгалик, келишиқ қўшимчаларини қабул қилади ва кўмакчилар билан бирикади. *-дўк* формали сифатдошнинг қўлланиш частотаси ҳам деярли шунга тенг, лекин бу форманинг атрибутив функция бажаришига мисоллар унча кўп эмас. *-дўк* формасига эгалик, келишиқ қўшимчаларини қўшиш ва кўмакчиларни (масалан, *teg*, *йўқин*) бириктириш мумкин. Сифатдошнинг бу икки формаси бир байтда ёнма-ён учраши мумкин:

eşitmiş, sözüğ eşitmedük it közün körmişin sen körünmedük it (KBI 410 B293₁₀₆₂).

Сифатдошнинг *-ган* формаси нисбатан камроқ қўлланилган бўлиб, текстда бир меъёрада учрамайди. Бу сифатдошнинг энг кўп қўлланиши атрибутив функцияга тўғри келади, субстантив функцияда деярли кам ишлатилади; баъзи ўринлардагина посессив ёки келишиқ кўрсаткичлари билан қўлланган. *-Ган* формали сифатдош предикатив функцияда асосан *-ган болур* ва *-ган керек* перифрастик конструкциялари таркибиде келади. *-Ган* қўшимчасининг лозимлиқ маъносини билдирувчи *керек* модал сўзи билан бирикишининг ўзи бу сифатдош формасининг «Қутадғу билиг»да ўтган замонга оид эмаслиги ҳақидаги фикрга олиб келади: *tirig yalnuq gyo'vili tusulyan kerек tusulmaz kisi toysa olgen kerек* (KBI 330 B239 3247). Бундан ташқари, худонинг доний сифатлари ўрнида асосан *-ган* формали сифатдош ишлатилади: *törütken, igidgen, kecürgen* (KBI 152 B 108₁₃₄₃, 325 B 235₃₁₈₆, 374 C 218₃₇₁₅).

⁸ Бу методика ҳақида қаранг: Г. Ф. Б л а г о в а, Соотносительные глагольные формы и их развитие в узбекском литературном языке, ВЯ, 1958, 4.

Баъзан бу функцияда *-ган* сифатдош формаси билан бирга ҳозирги-келаси замон *-(у) гли* формаси ҳам қўлланилади, масалан: *biligli bayat uquqli uqan* (КВІ 170 В 120₁₅₃₁) *-ган* формали сифатдошнинг зикр қилинган тарзда қўлланиши бу сифатдош «Қутадғу билиг»да ўтган замонга эмас, балки ҳозирги-келаси замон аспектига (ёки «умумзамон» аспектига) тааллуқлироқ эканлигини кўрсатади.

Ҳозирги, ҳозирги-келаси ва келаси замон аспектига эса мазкур обидада *-(у) р, -(у) гли, -дачи* сифатдош формалари тўғри келади. Булардан энг доимий қўлланидиган ва кўп функциялиси поссессив ва келишк аффиксларини қабул қилувчи ва кўмакчилар билан эркин боғланувчи *-(у) р* формасидир.

Сифатдошнинг *-(у) гли* формаси текстда нотекис қўлланганлиги билан ажралиб туради. Бу сифатдош *-(у) р* формали сифатдошга синоним бўла олади — қуйидаги сўз-формалар билан бир хил маънога эга: *terrenigli* (КВІ 444 В 318₄₄₁₇), *terrenür* (КВІ 442 В 317₄₄₀₂). *-(у) гли* формали сифатдошнинг энг кўп учрайдиган функцияси атрибутив функция бўлиб, бу функцияда у ўзининг тобеъ сўзларни бошқариш қобилиятини сақлаган: *biligli kişi* (КВІ 429 С 252₄₂₆₆); *kişig qul giliqli bu iki qilinç* (КВІ 425 С 249₄₂₂). Субстантив функцияда *-(у) гли* формаси поссессив ва келишк аффиксларини қабул қила олган; шунингдек предикатив группа составида ҳам ишлатилган.

Сифатдошнинг *-дачи* формаси бошқа формаларга нисбатан камроқ қўлланиб, субстантив ва предикатив функцияда келган.

«Қутадғу билиг»даги сифатдош формаларини кузатиш шуни кўрсатадики, асарда ҳаммаси бўлиб иккита, яъни *-миш* ва *-ар* сифатдош формаларигина мавжуд⁹ деб топган У. Асаналиев ва К. Аширалиевнинг фикрларига қўшилиб бўлмайди. «Қутадғу билиг»даги сифатдошларнинг бир-бирига анча яқин ва маълум даражада бир-бирини қоплай оладиган формалардан иборат эканлиги Баласағуни Юсуфнинг ўз тили билан айтганда, «buqra xan tilinçe türk luqatinçe» (КВІ 2 А³ В₂₁₄) ёзилган бу ёдномада, шунингдек, бошқа яқин лаҳжаларнинг морфологик формаларидан ҳам фойдаланилган деб тахмин қилишга асос беради. Маълумки, кейинчалик чиғатой поэзиясида худди ана шундай ҳолат содир бўлган эди, яъни қофия, вазн талаби ва такрорлардан қочишга интилиш кўплаб ўғуз грамматик элементларининг ўзлаштирилишига олиб келган эди.

«Бобирнома» тилида сифатдошнинг *-дўк* формаси мутлақо учрамайди. *-миш* формали сифатдош эса мустақил ҳолатда учрамайди, лекин баъзан қўлланидиган ўтган замон *-миш* ва узоқ ўтган замон *-миш эрди* формалари таркибида, шунингдек *-миш болғай* типидagi перифрастик формаларнинг компоненти сифатида сақланган.

Сифатдошнинг ўтган замон маъносидagi *-ган* формасининг асарда жуда кенг тарқалганлиги эҳтимол шу икки формадаги сифатдошнинг учрамаслиги билан боғлиқдир. «Бобирнома» тилида *-ган* формаси энг кўп ишлатилган ва кўп маънога эга бўлган, систематик равишда қўлланидиган сифатдошдир; бу сифатдош финитив формалар доирасига чуқур кириб борган ва грамматик замон категорияси системасининг ажралмас компонентларидан бирига айлангандир.

«Бобирнома»да ҳозирги ва ҳозирги-келаси замон маъноларида сифатдошнинг янги формаси бўлмиш *-атурган/-адурган* ҳам қўлланилади. Бу форма ҳам сермахсул *-ган* формаси асосида юзага келган. *-Атурган* формали сифатдош маълум даражада *-(у) гли* ва *-дачи* формаларининг

⁹ У. Асаналиев, К. Аширалиев, «Қутадғу билиг» эстелигининг тилдик өзгөчөлүктөрү, Фрунзе, 1956, 89-бет.

ўрнини босади. *-(y) p* формаси ўзининг барча функцияларини ва сўз ўзгартувчилик қобилиятини сақлаган ҳолда кенг кўламда қўлланилган.

Шундай қилиб, аслини олганда, «Қутадғу билиг» тилидаги сифатдош формаларининг система доирасидаги ички муносабати «Бобирнома»даги шу турли муносабатдан сезиларли даражада фарқ қилади.

«Қутадғу билиг» ва «Бобирнома»да учрайдиган сифатдошларга келганимизда, уларнинг бу ёдномаларда қўлланиш частотаси турличадир. Иккала асардаги *-ган* формали сифатдошнинг замонга муносабати ҳам фарқли эканлиги маълум бўлди.

«Бобирнома»да ўтган замон сифатдошларидан *-ган* формаси кўп учраса, «Қутадғу билиг» тилида эса *-миш* формаси ҳокимлик қилади.

III. Энди бу икки обидада ҳаракат номининг қўлланишида ўзаро қандай муносабат борлигини кўриб чиқамиз.

Ёдномаларнинг ҳар бирида учрайдиган ҳаракат номларини оддий санаб ўтишдан маълум бўладики, бунда сифатдошлардагидек ҳар хилликлар мавжуд эмас¹⁰. Ҳар иккала асарда ҳаракат номининг *-ғу*, *-мақ*, *-(u)ш* формалари учрайди. Булардан фақат *-(u)ш* формасининггина иккала ёдномда қўлланишида маълум бир мувозанат сақланади. Олдинги икки форма эса ёдномаларнинг ҳар бирида турли миқдорда қўлланади.

«Қутадғу билиг» тилида ҳаракат номининг энг кўп ишлатилган ва кўп маънога эга бўлган формаси *-ғу* бўлиб, бу форма субстантив, атрибутив ва предикатив функцияларда ишлатилади. *-ғу* формаси фақат предикатив функциядагина эмас, балки субстантив функцияда ҳам бўлишсизлик формасида кела олади: уау! қилмауsin ауғ! *-ғу* формали ҳаракат номи эгалик ва келишик аффиксларини қабул қилади, жўналиш келишигида мақсад маъносини ифодалайди (mın erdem kerek bu sıhan tutquqа КВІ 43 А 20₂₈₄) *-ча* формаси равишдош маъносини беради (ölmegüce yiglı ау qadas КВІ 477 А 135₄₇₇₀). «Қутадғу билиг»да *-ғу* формасидан ясалган ва бизга «Бобирнома» дан маълум бўлган *-ғулук*, *-ғу-сиз*, *-ғучи*, *-ғутек* формалари ҳам учрайди. «Қутадғу билиг»да *-ғу* формаси ўзининг предикатив функциясида якка ҳолда, кўпинча ҳаттоки шах-сон кўрсаткичларисиз, шунингдек, турли конструкциялар составида ҳам қўлланади: *-ғу эрди*, *-ғу эрса*, *-ғу эрмаз*, *-ғу йоқ*, *-ғу болди*, *-ғу болса*, *-ғу болур*. Энг кенг тарқалган предикатив конструкция *-ғу керек* (qau kim toғar ers ölgü kerek КВІ 126 В 190₁₀₈₆; senindin esitgü kerek barca sör КВІ 305 С 168₂₉₄₉).

Ҳаракат номининг *-мақ* формаси «Қутадғу билиг»да посессив ҳам келишик қўшимчаларини олган ҳолда кўпгина учраб турса ҳам, бўлишсизлик формасида қўлланмайди, фақат субстантив функциядагина келади. Предикатив конструкцияларда мазкур форма қатнашмайди. Ушбу обидада *-мақлиқ* мавжуд бўлиб, *-мақчи* эса учрамайди.

«Бобирнома» тилида вазият тамомила бошқача. *-ғу* формали ҳаракат номи айрим ҳоллардагина мустақил ва ёлғиз субстантив функцияда қўлланади; бундан ясалган *-ғулук*, *-ғусиз*, *-ғучи*, *-ғудек* формалари нисбатан кўпроқ учрайди. На *-ғу* формаси ва на унинг мазкур ясалмалари бўлишсизлик формасида қўлланмаган. *-ғу* формали ҳаракат номи асосида ясалган келаси замон аниқ феълӣ формаси тузилишига кўра мураккаб бўлиб (*-ғу*+шахс-сон аффиксининг қисқарган шакли + *тур/дур* боғламаси), бўлишсизлик қўшимчисини қабул қила олади. Мазкур форма феълӣ замонлари системасидан мустаҳкам ўрин олган.

¹⁰ Бу ўринда «Қутадғу билиг» тилида баъзан учрайдиган *-(y)F* (oldruy turuj КВІ 403 С 235₃₉₉₈, 460 С—₄₅₅₅ ва-(и)м (alim birim КВІ 292 С 158₂₈₀₄, 456 С 270₄₅₃₉ yim icim КВІ 442 В 317₄₄₀₂, 477 А 135₄₇₆₉) аффиксли формаларни мисол қилиб келтиришга улардаги феълӣлик хусусиятининг жуда кучсиз эканлиги йўл қўймайди.

Гарчи *-ғу* формали ҳаракат номи «Бобирнома»да анча кенг қўлланилган бўлса-да, энг кўп ишлатилган *-мақ* формасининг мавқеи ундан устунроқдир. Бу ҳаракат номи турли даража формаларида, шунингдек бўлишсизлик формасида (аниқ бу кэлмамакини БН234₁) ҳам келиши мумкин. Бир қатор предиктив конструкцияларда *-мақ* формоли ҳаракат номи *-ғу* формани сиқиб чиқарган. Масалан, *-ғу* керак ўрнида «Бобирнома»да доимий равишда *-мақ керак* ишлатилган (лашкарға атланмақ керакмиз БН 263₇).

-ғу бол типдаги перифрастик конструкциялар ўрнини *мақ бол*, *-мақ қа бол*, ёки *-мақчи бол* (шунингдек «Бобирнома»да учрайдиган *-мақчи дур*, *-мақчи эди* конструкцияларини қиёсланг) каби конструкциялар эгаллаган. Мисоллар: дарёа кэчмэк болурлар БН 438₄; Кабулни тапшурмаққа болади БН 156₃₋₄. Бобирномада «унча кўп қўлланилмаган ўтган замон давом феъли (*-мақта эди*) *-мақ* формали ҳаракат номининг жўналиш келишигидаги шаклига асосланган.

«Бобирнома» тилида *-ғу йоқ*, *-ғу эрмаз*, *-ғу эрди* (сўнгиси баъзан ўша давр шеърлятида қўлланади) конструкциялари учрамади. *-ғу* формали ҳаракат номининг «сиқиб чиқарилиш» тенденцияси *-ғуча* формасининг тутган ўрнида ҳам акс этган: асар тилида шу форма билан биргалликда бирмунча кўпроқ қўлланивчи *-ганча*, *-ғунча* формаларидан ҳам фойдаланилган. Маълум бўладики, *-ган* формали сифатдош ўзининг экспансив тараққиёти давомида феъллардан исм яшаш доирасига ҳам кириб борган.

Шундай қилиб, «Қутадғу билиг»да *-ғу* формали ҳаракат номи энг кўп қўлланилган бўлса, «Бобирнома»да эса *-ғу* формасининг асарда учрамайдиган функцияларини гўёки ўзига қабул қилиб олган *-мақ* формаси асосий роль ўйнайди.

IV. Энди обидаларда сўроқ ва белгилаш олмошларининг қўлланишини қиёслашга ўтамыз.

Нэ ва ундан ясалган нэча сўроқ олмошлари «Қутадғу билиг»да ҳам, «Бобирнома»да ҳам мавжуд. Нэ олмошининг ҳар иккала ёдномада қўлланиши, юзаки қарганда, ўзаро мувофиқдек кўринса-да, ҳар бир асарда бу олмошдан ясалган формалар йиғиндиси турличадир. Айниқса, «Қутадғу билиг»да бундай ясама формалар кўп: *nelük, necede, nerec, neteg, neteglikke*. Шунингдек, *negü* ва унинг келишик формалари, айниқса тушум ва жўналиш келишигида, кўп учрайди: *negüni, negün, negüg, negüke*, қиёсланг: *negütteg* «Бобирнома»да бундай олмошлар йиғиндиси ҳажми ва составига кўра бошқача: *нэга, нэчук, нэчағлик*.

Қайу сўроқ олмоши «Қутадғу билиг» тилида ҳар учала локатив келишиклар формасини ҳосил қила олади: жўн. к. *қайуқа*, чиқиш к. *қайудин* ва ўрин-п. к. *қайда* (қисқарган *қай* негизи мустақил ҳолда учрамайди). «Бобирнома»да *қай* олмоши мустақил (*қай йол* билан БН 140₂₁) ҳамда ўрин-пайт ва чиқиш келишигида қўлланилган: *қайда* (БН 140₁₅, 119₂₁; *қанда* БН 218₄ ва *қайдин* БН 145₃ вариантлари билан); бирон томонга йўналиш маъносида *қайан* (БН 140₁₅) ва унинг жўналиш келишиги формаси *қайанға* (БН 89₂₁) қўлланилган. Бу олмошнинг «Қутадғу билиг»даги поссессив формаси — *қайуси*, «Бобирнома»да — *қайси*, баъзан — *қайсиси*.

Белгилаш олмошларидан *барча*, *түкәл*, *бүтүн*, *тамали* ҳар иккала ёдномада қўлланилган. Лекин уларнинг ҳар бирида бу олмошлар турли йиғиндилар таркибига кирадики, уларнинг ҳамма компонентлари ҳам бир-бирига мос кела бермайди. Мос келган компонентлари қўлланиш частотаси билан ўзаро фарқ қилади.

«Қутадғу билиг» тилида «Бобирнома»да мутлақо учрамайдиган қамуғ олмоши айниқса кўп ишлатилган. Барча, тукъл, бүтүн олмошлари «Қутадғу билиг» тилида деярли бир хил даражада кўп қўлланилган; баъзи ўринлардагина тэмам олмоши учрайди. «Бобирнома»даги белгилаш олмошлари йиғиндиси бундан фарқли бўлиб, олмошларнинг қўлланиш миқдорлари ҳам бошқачадир: барча олмоши жуда кўп қўлланади; тэмам олмошининг ишлатилиши — одатий; қолган ўринларда тукъл, баъзан бүтүн ва ахёнда эрон һәмма олмоши учрайди.

V. Шундай қилиб, «Қутадғу билиг» ва «Бобирнома» тилидаги мувофиқ формаларни қиёслаш яхши самаралар берди. Маълум бўлдики, ўзаро қиёслаштирилган формаларнинг ҳар биттаси ёдгорликларнинг ҳар бирида шу категорияга мансуб бошқа формалар билан ўзига хос индивидуал муносабатда бўлиб қўлланади. Юзаки назар ташлаганда, ҳар икки ёдномада мос келаётган формалар, аксарият қўлланиш частотаси функциялари, ўзи мансуб бўлган системадаги ўрнига кўра фарқ қилади. Демак, «Қутадғу билиг» ҳамда «Бобирнома»даги текшириб чиқилган формаларнинг мувофиқлиги тўлиқ ва чуқур эмас.

Ана шундай очиқ-ойдин бўлиб туюлган мувофиқликларга таяниб, уларни ҳар томонлама ўрганиб чиқмай иш кўриш туркий тили «қадимги уйғур тил асоси»нинг қарийб саккиз юз йил давомида ўзгармаганлиги ҳақидаги ногўрри хулосаларга олиб келиши мумкин.

Конкрет тарихий-лингвистик қиёслаш методикаси қадимги уйғур тили элементларининг чиғатой тили замирида қай йўсинда тараққий этганлиги ва ўзгарганлигини кўрсатувчи объектив маълумотлар тўплаш имконини беради. Бунда тилнинг ички ривожланиш тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда ёзма тил тараққиётининг маълум даражада ажралганлигини ҳам назардан четда қолдирмаслик керак: бир грамматик формаларнинг бошқалари билан алмашилиши туркий тил муҳитининг ўзгариши таъсирида рўй берган бўлиши мумкин¹¹.

Биз қўллаган методикадан фойдаланишда тил тарихи тадқиқотчинининг асосий эътибори ўрганилаётган асарнинг тил хусусиятлари, унинг айрим формаларига эмас, балки маълум грамматик категория формаларининг ўзаро ички муносабати, функционал ва миқдорий характеристикаси билан биргалликда олинган яхлит системасига қаратилиши лозим.

¹¹ Бу ҳақда рус тили тарихи билан боғлиқ равишда қаранг: А. А. Шахматов, Курс истории русского языка, Литогр. изд. 2, СПб., 1910—1911, ч. 1, стр. 28; Қиёслаш: В. В. Виноградов, История русского литературного языка в изображении акад. А. А. Шахматова, отд. отт. из: «Филологски преглед», 1964, 3—4, стр. 71.

Қ. КАРИМОВ

«ҚУТАДҒУ БИЛИГ»НИ ТРАНСКРИПЦИЯ ВА ТАВСИФ ҚИЛИШ ПРИНЦИПЛАРИ

Туркий тиллар тарихини пухта ўрганиш совет туркшунослиги олдида турган муҳим проблема бўлиб қолмоқда. Бу проблеманинг илмий ҳал қилиниши ёдномаларни тўғри ўқиш, тўғри таржима ва тавсиф қилишга эришиш билан боғлиқдир. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг текстини тўғри транскрипция қилишга эришишни тақозо қилади.

Ҳозирги вақтда бундай ишлар билан шуғулланувчи илмий марказларнинг сони ортиб бормоқда ва турли даврларга оид ёдномалар кўп-лаб нашр қилинмоқда. Буларнинг айримлари транслитерация йўли билан оммавий равишда, айримлари эса илмий-танқидий ўрганиш мақсадида транскрипция қилиш йўли билан нашр этилмоқда.

Лекин мана шундай муҳим ишда ҳозирга қадар туркологик марказлар ишида бирлик кўринмайди: ёдномалар турли марказларда турли транскрипцион белгилар билан нашр қилинмоқда.

Бу масала олимлар диққатини кўпдан буён жалб қилиб келган. Рус, совет ва хорижий туркшунослар лотин ва рус алфавитлари асосида ёдгорликларни транскрипция қилишга уриниб, анча муваффақиятларга эришганлар. Урхун-Енисей ёдгорликлари, турфон обидалари, уйғур ёзуви ёдномалари, «Девону луғатит турк», «Қутадғу билиг», «Ҳибатул ҳақойиқ», «Мухаббатнома», «Ўғузнома», «Тафсир», «Қисасул анбиё» каби йирик обидаларни ўрганиш соҳасида ватандош олимларимизнинг хизматлари айниқса каттадир. Улар ўзлари ўрганган ёдгорликларни ёки уларнинг қисмларини муваффақиятли равишда транскрипция қилганлар.

Бу жиҳатдан П. М. Мелиоранский, В. В. Радлов, С. Е. Малов, Н. А. Баскаков, И. А. Батманов, В. М. Насилов, А. К. Боровков, А. М. Шчербак, Э. Н. Нажиб, С. М. Муталлибов каби олимларнинг ишлари айниқса диққатга сазовордир.

Сўнгги вақтларда айрим олимлар ишида туркий ёдгорликларни транскрипция қилиш соҳасида мумкин қадар бирликка интилиш ва барча туркий халқлар томонидан қабул қилинган рус графикасига асосланish сезилмоқда¹. Бу ҳол, шубҳасиз, шу соҳада илгари силжиш бўлиб, туркшунослик марказларида транскрипция белгиларини бирлаштиришга, кенг ўқувчилар оmmasининг ўқишини осонлаштиришга ва, ниҳоят, нашр ишларидаги қатор техник қийинчиликларни бартараф қилишга имкон беради.

¹ Н. А. Баскаков, Тюркские языки, М., 1960; В. М. Насилов, Язык орхоненисейских памятников, М., 1960; И. А. Батманов, З. Б. Арагачи, Г. Ф. Бабушкин, Современная и древняя енисейка, Фрунзе, 1962; Э. Н. Наджип, Мухаббатнаме, М., 1961; А. М. Шчербак, Грамматический очерк языка памятников X—XIII вв. из Восточного Туркестана, М.—Л., 1961.

Шуларни эътиборга олиб, биз XI асрнинг адабий ёдгорлиги «Қутадғу билиг»ни транскрипция қилиш учун белгилар танлашда Н. А. Баскаков тамонидан тақдим қилинган фонетик транскрипция белгилари ҳақидаги лойиҳага таяндик².

«Қутадғу билиг»нинг Г. Вамбери, В. В. Радлов ва С. Е. Малов томонидан ўрганилиши бу олимларни ҳам шу асар текстини бериш учун белги танлаш устида кўп ишлар қилишларига сабаб бўлди³. Бу ўринда академик Радловнинг хизматларини алоҳида қайд қилмоқ лозим. У ўзининг рус графикасига асосланган академик транскрипцияси билан «Қутадғу билиг»нинг тўлиқ текстини немис тилига таржима қилиб, нашр этди. Бу билан ёдномаларни транскрипция қилиш масаласи бир даража ҳал бўлди.

Тил нормалари нотаниш бўлган ёдгорликлар текстини транскрипция қилиш мураккаб ва масъулиятлидир. Бундай ишларда айрим англашилмовчилик ва камчиликларга йўл қўйиш жиддий хатоларга олиб келиши мумкин.

Жумладан, В. Радловнинг «Қутадғу билиг»га берган дунёга машхур академик транскрипциясида ҳам қатор камчиликларга йўл қўйилган. В. Радлов асар тилини сунъий равишда олтойлаштирган ва бу ҳол транскрипцияда ўз аксини топган. Радлов йўл қўйган бу камчилик В. Томсен томонидан ўз вақтида танқид қилинган ва Радлов ўз хатосига иқрор бўлган⁴. Олтойлаштиришнинг хато оқибати туфайли транскрипцияда бош ва охири позицияларда ундошлар жарангсизлаштирилган, аксинча, интервокал ҳолатда жаранглилаштирилган: пајат, пағырсақ, қыс, пāk, полуп, күлмис, оды, ады, кіжі, іжі, йоғару, ағы, чāжāк, сағынч, кубāнч ва ҳоказо.

«Қутадғу билиг» текстининг туркча нашрида транскрипция учун Истамбул университетининг адабиёт факультети томонидан ишлаб чиқилган белгилар асос қилиб олинган. Бу ҳол асар тилини сунъийлаштириб, ҳозирги турк тили билан яқинлаштириш каби нитилиш билан боғлиқ бўлган. О. А. Валитова асарнинг туркча нашридан мисоллар келтириб, уни С. Е. Маловнинг халқаро илмий транскрипцияси билан чоғиштириш асосида туркларнинг транскрипцияси мақбул эмаслигини ва XI аср қорахонийлар даври адабий тилини акс эттира олмаслигини таъкидлайди⁵.

Машхур текстолог Е. Э. Бертельснинг филологик жиҳатдан фойдали бўлган ҳар қандай нашр оригинал шрифти билан берилиши лозим, чунки ҳеч қандай транскрипция оригинал ўрнини боса олмайди⁶ деган фикри, бир томондан, тўғридир.

Мана шу каби қийинчиликларни ҳисобга олиб бўлса керак, О. А. Валитова «Қутадғу билиг»нинг критик текстини тайёрлашда

² Н. А. Баскаков, О проекте единой фонетической транскрипции для тюркских языков, М., 1959.

³ Г. Вамбери, Uigurische Sprachmonumente und das Kutadgu Bilik, Jnsbruck, Wagner, 1870; В. Радлов, Das Kutadku Bilik des Jusuf Chass — hadschib aus Bäläsagan, Sheil II, Text und Übersetzung, St.—Petersburg, 1900—1910.

⁴ С. Е. Малов, Памятники древнетюркской письменности, М., 1951, Л., стр. 97; А. А. Валитова, К изданию критического текста и перевода «Кутадгу билиг», Краткие сообщения Института народов Азии, XLIV, М., 1961, стр. 78.

⁵ О. А. Валитова, Ўша мақола, 79-бет.

⁶ Е. Э. Бертельс, Вопросы методики подготовки критических изданий классических памятников литературы народов Ближнего и Среднего Востока, «Первая всесоюзная конференция востоковедов, Тезисы докладов и сообщений», Ташкент, 1957, стр. 241.

транскрипция бермоқчи эмаслигини, текст, таржима ва комментарий билан чегараланишини таъкидлайди⁷.

Қўришиб турибдики, ёдномаларни транскрипция қилиш ниҳоятда маъсулиятли бўлиб, жуда эҳтиёт билан иш кўришни талаб этади.

Биз «Қутадғу билиг»нинг Наманган нусхаси транскрипциясини тайёрлашда бевосита шу асарни ўрганиш билан шуғулланган В. В. Радов, С. Е. Малов, Г. Вамбери, В. Томсен каби олимларнинг бой тажрибаларига суяниб иш олиб бордик.

Асар тилини транскрипция қилишда Совет Иттифоқида яшовчи туркий халқлар томонидан қабул қилинган рус графикаси асосидаги белгиларга суяндик. Биз берган транскрипция ҳам ХІ аср адабий тилининг хусусиятларини тўлиқ акс эттирувчи тугал фонетик транскрипция бўла олмайди, балки шу соҳа сари қўйилган дастлабки қадам бўлиб қолади.

Бирор сўзнинг транскрипциясини беришда унинг луғавий маъноси, классик филологик луғатлардаги бош шакли, бошқа ёдгорликлардаги кўриниши биринчи планда туради. Уларнинг ҳозирги туркий тиллардаги талаффуз нормаларига имтиёз берилмайди. Бу ҳол асар тилидаги ҳар бир сўзни ҳозирги туркий тилларнинг бирортасига мослаш орқали келиб чиқадиغان хато тенденциянинг олдини олади. Асарнинг араб ёзуви асосида кўчирилган икки нусхасининг мавжудлиги ҳам сўзларнинг шакли ва талаффуз нормасини тиклаш ишини бир оз енгиллаштиради.

Асар текстини транскрипция қилишда мўътабар олимларимизнинг шу соҳадаги тажрибаларига суяниб, қуйидаги белгиларни қабул қилдик.

Унлилар бўйича:

тил олди	{	лаблашмаган и, э, ә
		лаблашган ү, ө
тил орқа	{	лаблашмаган ы, а
		лаблашган у, о

Ундошлар бўйича:

б, п, с, т, ж, ж, ч, х, ҳ, д, д, р, з, ш, ь, ғ, ф, қ, к, г, л, м, н, в, в, й, ц, нг.

Изоҳлар

1. **э** белгиси асар тили учун хос бўлган ва **и** билан **ә** оралиғида талаффуз қилинган унли учун ишлатилди. Бу товуш ўз талаффузига кўра ҳозирги э товушидан фарқ қилган ва бэг, тэтиг, бҳлгулуг, кэдим, йэмэ каби сўзларнинг биринчи бўғинидагина мавжуд бўлган.

2. **ж** белгиси **ج** учун: ажун, эреж, тэжик.

3. **в** белгиси **ق** учун: күвенч, авынч, тавар, эв, сэвинч.

4. **д** белгиси **د** учун: адақ, қадаш, өд, көдаз.

5. **нг** белгиси сўнги ундоши **н** дан иборат сўзларга **г** билан бошланувчи қўшимчалар қўшилиши натижасида ҳосил бўладиган позиция

⁷ Асарнинг критик тексти, таржима ва комментарийи устидаги иш Е. Э. Бертельс раҳбарлигида СССР ФА Осие халқлари институтида бошланганлиги ва биринчи томи тайёрланиб нашрга берилганлиги маълум. Қаранг: О. А. Валитова, Уша мақола, 77—88-бетлар.

қоришиқ (н+г) товушини ифодалаш учун ишлатилади: башынга, ишингә этингү, көнгәлир каби.

6. Итбоқ ҳарфлардан ح, ط, ص, ظ, бўғиз ҳарфларидан ع, ج, ث лар, шунингдек, товуши асар тилида араб сўзларидагина учрайди. Маҳмуд Кошғарийнинг таъкидлашича, бу товушлардан бирортаси ҳам туркий тилларда йўқ⁸. Улардан бирортасини ёзишга зарурат туғилганда, турклар шу товушлар мос келадиган туркий ҳарфларга қўшимча белгилар орттирганлар. Лекин туркий талаффузда бу товушларнинг ўрни бўлмаган. Шунга қўра ح, ط, ص, ظ лар учун транскрипцияда махсус белги олмадик.

7. Маҳмуд Кошғарий о товуши хўтанликлар ва канжақлар тилида ишлатилишини айтади⁹. Демак, бу товуш туркий талаффузда мавжуд бўлган. Шу сабабли бу товуш учун ҳ белгиси олинди.

8. ع товуши учун, гарчи у араб сўзлари таркибида учраса ҳам, ь белгиси олинди. Чунки шу товуш билан келган сўзларнинг «Қутадғу билиг» вазнига мос ҳолда талаффузида унинг ўрни яққол сезилиб туради.

9. ط каби туркий сўзларда эса ط товуши учун махсус белги олинмади. Чунки асар автори бу товуш ت нинг қаттиқроқ бир варианты эканлигини кўрсатиш мақсадидагина ط ни ишлатган, аслида эса улар талаффузида қатъий фарқ бўлмаган бўлиши мумкин.

10. ل ундошининг қаттиқ ва юмшоқ вариантлари учун ҳам алоҳида белги олинмади, ҳар икки ҳолда ҳам л ишлатилди.

Асар текстини транскрипция қилишда қуйидагиларга риоя қилинди:

1. Барча мисраларнинг бош сўзи бош ҳарф билан берилди.

2. Атоқли отлар ва жой номлари ҳам бош ҳарф билан берилди.

3. Мисра ва байтлар орасида ҳеч қандай белги ишлатилмади.

4. Мисралардаги сўзлар, уюшган бўлақлар ва гаплар тиниш белгилари ёрдамида ажратилмади.

5. -тэг қўшимчаси, -оқ (-оқ, му/-мү юкламалари, -а/ә) ундов сўзлардан дефис билан ажратилиб ёзилди.

6. мэн, сэн, ул олмошлари боғлама (предикативлик) вазифасида келган ҳолларда сўзлардан дефис билан ажратилиб ёзилди. Бунда уларни қаттиқ ва юмшоқ вариантларга ажратиш зарурати қолмаслиги ҳисобга олинди.

7. Бир сўз икки хил ёзилишига қарамасдан, бир турли транскрипция қилинди: قالىق — قلىق қалық, بوتون — بتون бутун, تورور — ترور турур, قوت — قوت қут каби.

8. Охири танвинли алиф билан тугаган, лекин танвини имлода ифодаланмаган сўзларда шу танвинли алиф -а тарзида (н) сиз берилди:

اندانارو анданару, يوزدابير йүздә бир каби. Бунда худди айна ҳолат «Девону луғотит турк»да мавжудлиги, қадимги ёдгорликлар тилида ўрин-пайт келишиги чиқиш келишиги функциясини ҳам ўташи ҳисобга олинди.

9. Транскрипцияда дуч келган қийинчиликлардан бири охири коф (ك) билан тугаган сўзларда унинг талаффузини аниқлаш билан боғлиқ бўлди. Ҳозирга қадар бу масалада қатъийлик йўқ эди. Шунинг учун

⁸ М. Кошғарий, Девону луғатит турк, I, Тошкент, 1960, 48-бет. Таржимон ва ношир С. М. Муталлибов.

⁹ Уша асар, 49-бет.

турли ишларда бу **ك** турлича транскрипцион (г, к) белгилар билан (билиг — билик, бэдуг — бэдүк, тэтиг — тэтик, түрлүг — түрлүк каби) берилади.

Бу масалага муайян аниқлик киритиш учун имкон берадиган айрим омиларда борки, улар эътиборга олинса, бу масала бир қадар ижобий ҳал қилиниши мумкин.

Жумладан, М. Қошғарийнинг шу ҳақда айтган фикрлари жуда қимматлидир¹⁰.

Бундан ташқари, «Қутадғу билиг» ва «Девону луғотит турк» асарларида сўз охиридаги ундошларнинг жаранглилашишга мойиллиги очик кўринади.

Учинчидан, кузатишлар шуни кўрсатадики, «Қутадғу билиг» тилида қаттиқ ўзакли сўзларнинг охирида асосан **ғ** жарангли ундоши учрайди, **к** эса **ғ** га нисбатан кам ишлатилади. Бу ҳодисани қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Белги сифат, ҳаракат эгаллик, хослик маъносидаги қаттиқ ўзакли сўзларда, асосан сўз охирида **ғ** учрайди: охшағ, йулуғ, қулсығ, қутлуғ, бышығ, йайиғ, барығ, улуғ, йуруғ каби (бу ҳол яна **ғ** ва **г** ларнинг **в** га мойиллиги билан ҳам характерлидир).

Шундай экан, худди шу маънодаги юмшоқ ўзакли сўзларда сўз охиридаги **ك** ундошини ҳам **ғ** га аналогия тарзида **г** жаранглиси билан бериш тўғри бўлади: мэнзэг, сэзиг, билиг, кэчиг, этиг, битиг, бэдуг, эрсиг, тириг, көрклүг, эринчиг, түрлүг, кэлиг каби.

Аксинча, атов, мавҳум от маъносидаги қаттиқ ўзакли сўзлар охирида, асосан, **қ** ишлатилади: улуғлуқ, ағырлық, қылық, йазуқ, қуллуқ каби. Демак, шу маънодаги юмшоқ ўзакли сўзлар охиридаги **ك** ундошини ҳам **қ** га аналогия тарзида жарангсиз **к** билан бериш тўғри бўлади: бэдүглүк, эрклиглик, бирлик, тилэк, эмгэк, көрк, эшүк бэглик каби.

10. **كلى** — аффикс *-гли* тарзида берилди. Чунки қаттиқ ўзакли сўзларда бу аффикс сурункасига *-ғлы* тарзида учрайди, унинг *-қлы* варианты мавжуд эмас.

11. **كېل** — аффикс *-кил* эмас, *-гил* тарзида берилди. Чунки қаттиқ ўзақларда унинг фақат *-ғыл* шаклида ишлатилишини кўрамиз, *-қыл* варианты деярли учрамайди.

12. **كما** — аффикс *-и ва -н* дан сўнггина *-гә* тарзида, қолган ҳамма ўринларда *-кә* тарзида берилди. Чунки қаттиқ ўзакли сўзларда, асосан, унинг *-қа* шакли истемолда бўлиб, *-ға* варианты санокли ўринлардагина ишлатилади.

13. **كان** — аффикс *-кән* эмас, *-гән* билан берилди, чунки қаттиқ ўзакли сўзларда унинг *-қан* варианты деярли учрамайди, асосан *-ган* шакли ишлатилади.

14. **اوک** — юкласи *-өғ* эмас, *-өк* билан берилди, чунки қаттиқ ўзакли сўзларда унинг фақат *-өқ* вариантыгина мавжуд.

15. **تک** — қўшимчаси *-тэк* эмас *-тэг* тарзида транскрипция қилинди. Бунда, унинг *-дағ* варианты мавжудлиги ҳисобга олинди.

16. **دوک** — аффикс *-дүг* эмас, *-дүк* тарзида транскрипция қилинди. Чунки қаттиқ ўзакли сўзлар билан бу аффикснинг *-дүқ* шаклигина учрайди, унинг *-дуғ* варианты мавжуд эмас.

¹⁰ «Девону луғотит турк», т. I, 167, 459—460, 467—468-бетлар.

17. Тушум келишигининг ك — аффикси *-к* эмас, *-г* тарзида берилди. Бунда қаттиқ ўзакларда унинг фақатгина *-ғ* варианты ишлатилиши, *-қ* шакли йўқлиги эътиборга олинди.

18. Нисбий сифат ясовчи كى — аффикси *-ги* эмас, *-ки* тарзида берилди, чунки қаттиқ ўзакларда унинг фақат *-қы* шаклигина учрайди, *-ғы* мавжуд эмас.

19. ماك — аффикси ҳамма позицияларда ҳам *-мак* тарзида транскрипция қилинди. Бунда унинг *-мақ* варианты учраши, *-мағ* эса мавжуд эмаслиги назарга олинди: *көдәзмәки*, *урмақы* каби.

«Қутадғу билиг» байтларини тавсиф қилишда қуйидаги тартибга риоя қилинди:

1. Ҳар бир байтнинг тавсифи иккинчи бетда ёнма-ён берилди.

2. Ҳар бир мисра ва байт доирасидаги сўзлар, агар уларнинг маънолари ҳозирги адабий тилда ҳам ўзгармаган бўлса, иккинчи бир сўз воқеасида берилмади, балки ўзинча қолдирилди:

Айур көрмәдий мү бу хақан йүзин.
(Айтади: кўрмадингми бу хоқон юзини).
Удыр эрдин эрсә тур ач әмди көз.
(Ухлаётган бўлсанг, тур, оч энди кўз).

3. Зарур ўринлардагина сўз тартиби, унда ҳам тавсифнинг оригинал хусусиятини сақлаган ҳолда, бир оз ўзгартирилди:

Ажунда жавы барды хақан күси,
Көрүмәгли көзләрдә кәтти усы.

(Хоқон овозасининг довруғи оламга ёйила борди. Кўролмайдиган кўзлардан уйқу кетди).

4. Ҳар бир сўз учун ҳозирги тилда шу сўзнинг айнан маъносини акс эттирувчи эквивалент ишлатилди:

Ажун инчкә тәгди түзүлди төрү
(Дунё тинчликка эришди, адолат ўрнатилди).

Талу нәц таңуқ тутты мың-мың әлиг
(Талай нарсалар ҳада қилди минг-минг қўл).

5. Тавсифда имкон борича оригиналдан четга чиқмасликка ҳаракат қилинди:

Сәвинчин авынчин күвәнчин эли
Ашусу йашасуни Луқман йили
(Севинч, овинч, қувонч билан эли,
Ошасин, яшасин луқмон йили).

Байат аты бирлә сөзлүг башладым
Төрүтгән икидгән кәчүргән идим
(Худо оти билан сўзни бошладим,
Яратган, парваришлаган, кечирган эгам).

6. Изоҳ талаб ўринларда тавсифдан сўнг қавс ичида тушунтириш берилди:

Қамүг нәңни көрдүм өз өгрин йурыр
(Талай нарсани кўрдим, ўз тўдаси билан юради, яъни
тенг-тенги билан юради)

Бу йаңлуқ аты бөлди йаңлуқ үчүн
Бу йаңлуқ урулды бу йаңлуқ үчүн
Бу янглүк (янглиш) номи янглүк (инсон) учун берилди,
Бу янглүк (инсон) янлуқ (янглиш, хатолар) учун
жазоланди.

7. Ҳозирги ўзбек тилида эквиваленти бўлмаган ёки тўла мос келадиган эквивалентга эга бўлмаган айрим сўз ва терминлар ўзича қолдирилиб, сноскада изоҳ берилди:

Элик күлмиз ойнар чэчэклэр үзэ
 Сыгун мыйғақ ойнар йурыр таб кэзэ
 (Илик, кулмиз гуллар устида бот ўйнайди),
 Сигун, мийғоқ бот ўйнаб кезиб юради¹¹.
 Сыгун мыйғақ эрсэ соқақ йа ывық
 (Сигун, мийғоқ ёки сўқоқ ё ивиқ бўлса¹²).

8. Транскрипцияда ҳам, тавсифда ҳам ҳар бир байт рақамлар сираси тартибда бир хил номерланди.

9. Транскрипция ва тавсиф берилган саҳифаларнинг ҳошияларида эса қўлёзма (оригинал)нинг варақлари араб рақамлари билан кўрсатилди ва ҳар бир варақнинг икки саҳифасига *a* ва *b* тарзда белги қўйилди.

Транскрипция ва тавсифни нашрга тайёрлаш қатор қийинчиликлар билан боғлиқ эди. Бунда ўзимизгача шу асар бўйича қилинган ишлар ва нашрлардаги нуқсонларни имконият бўлгани қадар бартараф қилиш, камчиликларни тугатиш, текстнинг мумкин қадар тўғри ўқилишига эришиш, ноаниқ ўринларини аниқлаш, ўчган, тушган ўринларини тўлдириш, мавжуд луғатларнинг ҳеч бирида йўқ айрим сўз ва ибораларга мос маъно топиш ва бошқа шу каби масалалар жиддий эътибор ва масъулият билан ишлашни талаб қилди.

¹¹ *Илик*, *кулмиз* ва *сыгун*, *мийғоқ* — булар бир турли эркак ва ургочи буғилардир.
¹² *Сўқоқ* — оқ, қизилдан оқ ранги кўп кийик; *Ивиқ* — тошлоқ ва қирларда яшайдиган кийик.

лиги Эргашни ота ёнбошида хўжалик ишларида қатнашишга мажбур этди. Шунда ҳам Жуманбулбул бу тўнғич ўғлининг билимдонлар орасида бўлишини истар эди. Шу ният билан Эргашни мактаб устоди — Жўш жомеининг хатиби Қўқон мадрасасида яхшигина таҳсил кўриб келган мулла Утабнинг қизига уйлантирди. Аммо орадан кўп ўтмай ўзи бевақт вафот этди. Ун саккиз яшар Эргаш саккиз нафар оиланинг бошлиғи бўлиб қолди.

Ҳаромхўр ва текинхўрлар, қурғоқчилик ва вабо, бунинг устига йилмайил чигиртка ҳужуми меҳнаткашларнинг бошига кўп балоларни солди. Эргаш шоирнинг боши ҳам мусибатдан чиқмади. Шоир меҳр билан ўстириб, энди жамоатчиликка таништира бошлаган укалари, айтишларда беллаша ола бошлаган сингиллари, хотини ва бир неча фарзандларидан жудо бўлди. Бу мусибат устига мусибат нозик табиатли шоирни тентак қилиб қўйиши мумкин эди. Лекин у енгилмади. Ҳув деганча хонадондан чиқиб кетди, шеърят билан ўзини овутиди. Бу ҳақда шоирнинг бир хотирасини эслашга тўғри келади: «Қайси питага ўт тушса, шул пита куйиб, ўртаниб адо бўлади. Бир одамга мусибат тушса, ўзи билади... Менинг бошимга тушган савдонинг адади, поёни йўқ. Мен бир катта ҳовлидав бир ўзим қолган: икки инн, икки сингил, тўрт-бешта қиздан, ўғилдан, хотиндан айрилиб, бир ҳовлида бир ўзим қолиб, айрилиқ ўтига чидай олмай, ҳув деб элдан чиқиб, дашт-биебонларда, чўлларда сарсон-саргардон бўлиб, алам, ситам, қайғу, мотамлар билан кунларни, ойлари-йилларни ўтқариб, элма-э.л. юртма-юрт, шаҳарма-шаҳар, қўрғонма-қўрғон, овулма-овул довдираб юрган. Ҳар кишининг қанча ситам, алами бўлса тилидан чиқади, шундай вақтда оҳ тортиб, бир байт айтиб, ўз ҳолини билдирса, бир яхши кўрган одами билан мунглашгандай бўлади».

Тилла кампирлар хонадонининг зўр қобилиятли, катта умидли кенжатоғи Эргаш шоирнинг Октябрь социалистик революциясига қадар бўлган ҳаёти ана шундай фожиалар, ҳодисалар бўрониди қоврилиб ўтган.

Буюк Октябрь инқилобининг довуғи Бухоро амирлигида ғурбатда яшаган ўзбек, тожик, қozoқ, қорақалпоқ ва туркман меҳнаткашларига ҳам бориб етди. У 1918 йилда амирлик территориясидан — қишлоғидан чиқиб кетиб, Қаршигача борди. Лекин у ерда ҳам амирликнинг мусибатларини кўриб, тезда Самарқандга қайтди. Бу улуг шаҳарнинг шарқий қисмида, бир вақтлар отаси қўшиқ айтиб юрган қишлоқларни кезиб юрди, гоҳ дostonчилик, гоҳ табиблик ҳам қилди. Бу ерларда у тўрт йил юрди. Бу ерлар ҳам Қўрғондан қолишмайдиган ўзига хос услубга эга дostonчилар макони эдики, биз уни фанда шартли равишда Булунғур дostonчилик мактаби деб атаганмиз. Унинг кенжа, лекин жуда забардаст вакили Фозил Йўлдош ўғли эди.

Эргаш шоир Совет ҳокимиятининг, Коммунистик партиянинг тилак ва мақсадларидан Самарқандда ва унинг теварақларида воқиф бўла бошлади. Босмачиларнинг хатти-ҳаракатларини ўз кўзи билан кузатиб, улардан нафратланди, Ленин ғояларининг табарруклиги, Совет ҳокимиятининг улуглиги, Коммунистик партия раҳнамолигининг порлоқ келажига ишонч ҳосил қилди. Бу ишонч, астойдил эътиқод Эргаш шоирга маданий меросни сақлаб қолиш учун ғайрат, совет воқелигини мардонавор куйлаш учун жасорат ва илҳом бахш этди.

Эргаш ота ҳар қанча тақдир этилса арзигудек халқ шоиридир. У ўзбек халқ дostonларини йўқолишдан сақлаб қолиш соҳасида жуда кўп ишлар қилганидек, совет даври ўзбек халқ шеърятини бойитишга ҳам салмоқли ҳисса қўшди.

Булунғур дostonчилик мактабини Фозил Йўлдош ўғли куйлаган асарларсиз тасаввур этиш мумкин бўлмаганидек, Қўрғон дostonчилик мактабига Эргаш шоирсиз баҳо бериб бўлмайди. Тилдан-тилга, қўлдан-

қўлга ўтиб, мақтовга сазовор бўлиб юрган «Кунтуғмиш», «Далли», «Равшан», «Кундуз билан Юлдуз» каби бадий гўзал дostonларни Эргаш ота куйлаганлиги ҳаммага маълум. У куйлаган жуда кўп дostonлардан бири ҳақида қисқача бўлса ҳам сўз юритишни истардим. Бу «Холдорхон» деб аталади. Уни мен ёзиб ола бошлаган эдим, фурсатим бўлмай, тўхтатиб қўйдим. Энг катта қисмини шоирнинг ўзи ёзиб топширди. Бу дostonда Қрим подшоси Холдорхоннинг ўз ўғлига ғаразғўйлик ниятлари, Гўрўғлининг унга қарши сафари ҳажм жиҳатдан кўп ўринни эгалласа ҳам, марказий ўринда адолатли, фаровон эпик юрт — Чамбил мудофааси туради. Юртни душман хавфидан қўриқлаш учун Гўрўғли томонидан ўн минг аскар билан юборилган Аҳмад Сардор Чамбилни мухосара қилиб, уни ўққа тута бошлайди. Ана шу ҳаракатида у ўз сирларини очади. Гўрўғлининг асранди ўғиллари Аваз ва Ҳасанни бошқа юртдан келтирилганлиги учун қул деб ҳисоблайди. Ёшлигидан Гўрўғли қўлида тарбияланган Бердиёр ва Мирзааскар номли «қулбаччалар» Чамбил мудофаасига саркарда қилиб қолдирилган эдики, бу ҳам Аҳмад Сардорнинг фасод қўзғашига омил бўлади. Бу иккала йигит ўз соқчилари билан Аҳмад Сардор ҳужумига қарши курашадилар, шу жонбозликда вафот этадилар. Гўрўғлининг рафиқаси Юнус пари бу икки азаматнинг, ёнидаги соқчиларининг Чамбил учун курашда қурбон бўлганликларига ниҳоят даражада қайғургани ҳолда душманга таслим бўлишни истамайди. Эр йигитларнинг аёлларини олиб, қирғиз отахонининг олдига боради. Ички душманга қарши курашни ташкил этади. Душман енгилади. Мана шу қисқача мазмун баён этилган асарда Тилла кампирнинг ватан мудофааси ҳақидаги «Ойсулув» дostonидаги ғоя ва қаҳрамонлар кўзга ташланади.


Кўрғон қишлоқ мактабининг яна бир кенжа вакилларида — Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан шоирдан ёзиб олинган «Темирхон подшо» номли бир дostonда Чамбилга ҳужум этган подшоҳ Райхонарабга қарши мардонавор кураш уюштирган Юнус пари ҳаракатларини ҳам эслаганда, Кўрғон қишлоқ дostonчилик мактабининг онахони — Тилла кампир менинг хаёлимни қоплай беради. Ҳа, Эргаш ота шу оиланинг фарзанди, шу мактабнинг шоғирди! Унинг эпик қаҳрамонлари гўзалликда ҳам, олижанобликда ҳам, мардликда ҳам енгилмас. Илалабад мақтовларга сазовор бўлиб, юз йиллик тўйини нишонлаётганимиз — отахонимизнинг ҳам қадр-қиммати тобора оша боришига аминимиз.

В. И. Ленинга садоқат, Коммунистик партиямизга садоқат, улуғ Совет ҳокимиятига виждонан иззат, ҳурмат, Ленин таълимотининг ташвиқотчиси бўлиш улугдан улуг фазилат эканлиги шубҳасиздир. Эргаш ота шу йўлдан борди. У Улуғ Октябрни қутлади, Советлар тузумини ардоқлаб, мадҳиялар яратди; ўзбек адабиётида биринчилардан бўлиб Владимир Ильич Ленин ҳақида дostonча ҳам ижод этди; Йўлдош Охунбоев фаолиятларини қутлаб, қўшиқлар тўқиди; жуда талантли халқ актрисаси Турсуноининг фожиали ўлдирилиши муносабати билан куйиб-куйиб марсия ёзди; жамиятимиз тараққиётида зарари теккан ва тегаётган унсурларни фош қилди, зарарли қилиқларини қоралади.

Эргаш ота Владимир Ильич Ленинни тасаввур этганда, илмдан илм ҳосил этган буюк олим, меҳнаткаш халқни абадий бахтли ҳаётга етаклаган беқиёс раҳнамо, қуллик ва разолат томирларини қирқиб ташлаган, меҳнаткашларни абадий қувноқ ҳаётга олиб чиққан энг жасур, энг доно мураббий ва қаҳрамон сифатида таърифлади. Шунинг учун ҳам «Ўртоқ Ленин» дostonининг охирида:

Ўртоқ Лениннинг ҳар сўзин
Бир дoston қилмоқ керак,
Айтган сўзин раҳбар қилиб
Йўлга равон бўлмоқ керак,—

“КҮРҒОН” ДОСТОНЧИЛАРИНИНГ ШАЖАРАСИ



Ҳузурчи Ҳодӣ Зарриб

деб таъкидлаши ҳар вақт ўз ғоявий қимматини сақлади ва бундан кейин ҳам сақлайди.

Шоир вафотидан ярим йил муқаддам Тошкентга келгандаги ёзган шеърларидан бирида:

Партиямиз бош раҳбари, улуғи,
Жазм этади унинг ҳар бир қилиғи,
Шундадир ҳақиқат, сўзнинг илиғи,
Тўғри йўлни кўпроқ билгани келдим,

деган эди.

Ана шу ҳақиқатгўй, Ленин йўлига содиқ, Коммунистик партиямиз таълимотини ўрганиб, унинг йўли билан боришга интилган буюк халқ шоиримиз Эргаш Жуманбулбул ўғлининг хотирасини арзигулик абадийлаштириш биз авлодларнинг муқаддас вазифаларимиздан биридир.

Ш. ШОАБДУРАҲМОНОВ

ЭРГАШ ЖУМАНБУЛБУЛ ДОСТОНЛАРИДА
ИФОДА ВА ТАСВИРИЙЛИК

Эргаш Жуманбулбул ўғлининг ижоди ўзбек халқининг тарихий тақдири ва маданияти билан чамбарчас боғлиқ. Шоирнинг ижодий баҳолати ҳам шу халқнинг орзу-умидлари, интилишларини куйлаш жараёнида камол топди. Шунинг учун ҳам у куйлаган достонлар халқчил ва юксак бадийдир.

Эргаш Жуманбулбул достонлари маданий ва оғзаки бадий мерос намуналари сифатида алоҳида ўрин тутади. Уларда халқнинг ўтмишдаги орзу-умидлари, курашлари, феодалларга қарши нафрати ифодаланган. Бундан ташқари, Эргаш шоир достонлари асосида мардлик, жасурлик, мустақкам ирода эгаси бўлиш, қийинчиликлардан қўрқмаслик, чин дўстлик, меҳр-муҳаббат ва вафо ётади.

Эргаш Жуманбулбул ўғли билган ва халқ ичида куйлаб юрган достонларидан фақат бир қисмигина ёзиб олинган (уларнинг баъзи бирларини унинг ўзи ёзиб қолдирган). Бу достонлар «Равшан», «Қундуз билан Юлдуз», «Далли», «Кунтуғмиш», «Хушкелди», «Алибек билан Балибек», «Қизжибак» ва бошқалар бўлиб, булардан айниқса «Равшан» фақат Эргаш шоирнинг бадиҳагўйлик санъати тўғрисидагина эмас, балки бу достонни ўз ҳофизасида даврдан-даврга олиб ўтган Қўрғон достончиларининг бадий услуби ҳақида ҳам маълумот беради.

Эргаш Жуманбулбул ўғли репертуаридаги достонлар унинг ижроида анчагина ижодий ўзгаришларга учраган бўлса ҳам, у ўз достонларида ўзбек халқ эпосига хос бўлган қадимий ва мустақкам коллектив ижод анъаналарини асосан сақлаб қолган. Бу ҳол айниқса унинг достонларида эпик қаҳрамонларнинг хусусиятини кўрсатувчи поэтик образлар, традицион ўхшатиш ва сифатлашлар, савол-жавоб типигади диалоглар, боғирнинг отлиқ сафари ва жанг эпизодлари, эпик от таърифи ва от асбоблари тасвири каби традицион қолипларда кўринади¹.

Эргаш шоир куйлаган достонлар ҳам бошқа ўзбек достонлари сингари традицион андоза — назм ва насрдан иборат. Улардан наср ва назм тасвирининг характериға кўра алмашиниб келади. Шунинг ҳам айтиш керакки, достонларининг шеърий қисми насрий қисмиға кўра нисбатан кўпроқ бўлиб, ўзининг ифодалилиги ва тасвирийлиги билан ажралиб туради.

Ифодалилик ва тасвирийликни орттириш учун образли ибора ва мисралар ишлатишда Эргаш шоир ўзига хос ўрин тутади. Унинг достонларида шундай ёрқин ва қуйма мисралар борки, уларға хос бўлган ба-

¹ Бу проблемаларни В. М. Жирмунский ва Ҳ. Т. Зарифовлар барча ўзбек достонлари миқёсида қиссан ўрганишган. Қаранг: В. М. Жирмунский, Ҳ. Т. Зарифов, Узбекский народный героический эпос, М., 1947, 302—457-бетлар.

динийлик, ҳаётийлик ва соддалик халқ ижоди анъаналари асосида вужудга келади. Мана улардан бири:

Неча тоғнинг тумшугин
Қийиб ўтиб боради.
Этак-бошин мард Ҳасан
Йиғиб кетиб боради.
(«Равшан».)

Бу келтирилган мисолда улкан санъаткоргина шу қадар мукаммал тасвирлай олиши мумкин бўлган манзарани кўрамиз: Ҳасанхон отни шундай тез чоптириб кетаётibdики, ҳатто тоғларнинг қирра тумшукларини (ўтиш қийин бўлган, бошқа томонга бурилиш керак бўлган ерларни) фурсатни қўлдан бермаслик учун қийиб (тик кесиб) ўтиб кетмоқда: от тоғ тумшукларидан бирдан бурилиб ўтар экан, сувори ўша буриладиган томонга қараб қия бўлмоқда; шу пайт унинг оғилган томондаги оёғи отнинг қорнига жипслашиб, иккинчи оёғи кўтарилиброқ кетмоқда; шу оёқ кўтарилганда эса ҳаво тўлқини тақим орасидан ботир чопонининг этагини кўтариб юбормоқда; Ҳасанхон шу ондаёқ этагини йиғиб, яна тақими остига босиб бормоқда.

Хуллас шу тўрт мисрада шоир моҳир рассомдек оригинал бир манзара яратади.

Бундай лавҳалар Эргаш шоирнинг бошқа дostonларида ҳам кўп-кўп учрайди:

Дўнан семиз така ташлаб,
Оширганлар тақим ташлаб,
Бир хиллар қолди ёнбошлаб,
Қамчисин оғзига тишлаб,
Тепсингanning бари шунда.

(«Қундуз билан Юлдуз».)

Бу мисраларда шоир улоқ вақтидаги кўринишни, яъни ташланган «ов», ошириб (тақимга қисиб олиб) кетган чавандозлар, уларнинг тўдада савалашиб-тортишишлари, бу чоғда баъзи чавандозларнинг ёнбошлаб (отдан оғиб) қолишлари, қўлни банд қилмаслик учун қамчисини тишлаб олган улоқчилар, урса кўкка сапчийдиган отларни кишининг кўз олдига келтиради.

Эргаш эпик қаҳрамондаги ҳаяжонни бериш учун, шу билан биргачингловчи ҳиссида кучли эмоция туғдириш учун, «Равшан» дostonида учраганидек, «Кунтуғмиш» дostonида ҳам традицион нақорат риторик сўроқдан фойдаланади:

Боқчадан гул терган борми?!
Элда даврон сурган борми?!
Ер дарагин берган борми?!
Холбекадан кўрган борми?!

Шу парчанинг Бекмурод жиров ижросида берилишини қиёс қилинг:

Бозорга келган ёронлар,
Ҳаммангиз буён қаранглар,
Мендан бир савол сўранглар,
Холбекадан кўрган борми?!

Кўринадики, Эргаш яратган мисралар ўзининг мантиқий кучи ва поэтик етуқлиги билан анча юксак. У традицион сўроқларни ҳам қайта-ишлайди: мурожаат мазмунини кенгайтиради. Бекмурод контекстидаги мавҳум ва умумий гаплар унда конкретлашади, индивидуаллашади.

Эргаш шоир ҳаётдаги икир-чикирларни жуда яхши билади; кўз илғамас майда, аммо зарурий деталлар воситасида унутилмас манзаралар яратади. Айни вақтда у «тавсифлар билан эмас, балки картиналар ва образлар орқали» (В. Г. Белинский) сўзлайди. Эргаш тасвиридаги услубий соддалик, аниқлик, образлилик, шунингдек, унинг аниқ

картина ва жонли фигура яратиш маҳорати берилмоқчи бўлган образ ва картиналарни ўқувчи ёки тингловчи ҳис этишигагина эмас, балки рўй-рост кўра олишига ҳам ёрдам беради.

Эргаш асарларининг тили, услуби унинг мундарижасидан ажраб қолган эмас. У мундарижа билан узвий боғлиқ бўлиб, асарнинг халқчил мазмуний йўналишини ҳам белгилайди.

Эргаш шоирнинг асар тилини нечоғлик пухта ишлаши отлиқ Ҳасанхон сафари тасвирланган манзаранинг нечоғлик нозик ипак билан тикилганида айниқса равшан кўринади. Ботирнинг кетаётган ери шундай ерларки, у ерлардан ҳатто ёввойи ҳайвонлар ҳам ўзларининг географик ўринлашишлари ва табиий мосланишларига қарамай, ботирчалик юра олмайдилар. Шоир ботирнинг юришини вақти ва ўрнига қараб ўша ўринга мослашган ҳайвонлар билан контраст ҳолатда беради. Бу билан ботирнинг маҳоратини очади, таъсирни кучайтиради.

Масалан, кечаси энг яхши юрадиган ҳайвонлардан бири тулки. Шоир чавандознинг маҳоратини шу тулкининг бир хусусияти билан чоғиштиради. Мана шу қиёснинг ўзидаёқ қаҳрамоннинг ҳам шу фурсатдаги конкрет ҳолати, ҳам умуман образи ойдинлашади:

Тулки юрмас сойлардан,
Тунда кетиб боради.
Ундай-ундай жойлардан
Кунда кетиб боради.

Йўл қийинчиликларини бўрттириб кўрсатадиган ва суворий маҳоратини очадиган образли мисраларда ботир ҳаракати қиёсланган *қулон* (ёввойи эшак), *булон* (ёввойи от), *олқор* (ёввойи қўй), бўри, қуён, кийик, қашқир, шер, йўлбарс, қарсоқ каби ҳайвонларнинг бирор хусусияти ва характери орқали аниқлашади:

Қулон юрмас ерлардан,
Қуулаб кетиб боради.
Мард Ҳасаннинг бадани
Фуулаб кетиб боради...

Неча сўзни мард Ҳасан
Ўйлаб кетиб боради.
Қуйганидан чўлларда
Сўйлаб кетиб боради.

Булон юрмас ерлардан
Бўйлаб кетиб боради.

Фирқўк жонвор кокилин
Тайлаб кетиб боради.

Бу мисраларни ўқиганда ёки эшитганда, ўқувчи ёки тингловчининг хаёлида «бўйлаб» (атрофда, кўпинча олдинда нималар борлигини билиш учун ёнбошдан қараб) кетаётган Ҳасанхон ва кокил-ёлларини «тайлаб» (ҳилпиллатиб) кетаётган Фирқўкнинг қабартма образлари кўринади. Бунинг устига шоир шу мисраларнинг ўзида ёш ботир (Равшан)нинг қилган «гуноҳи» учун «куйиб кетган» отанинг поёнсиз чўлларда ёлғиз кетиб боришига қарамай, сўзлаб (қилмишлари учун ўғлини койиб) кетаётганини, яъни руҳий ҳолатини ҳам бера билган.

Ботирнинг отлиқ сафарида — юқорида кўрганмиз каби — от чоптириш маҳоратини, довураклигини, элчиллигини кўрсатадиган кўлаб образли мисралар аини пайтда ҳаракат образи ҳам яратади. Бу мисралар ўзининг ҳам тасвирийлиги, ҳам эмоционаллиги билан тингловчини ҳаяжонга солади:

Қорсоқ юрмас ерлардан
Қалқиб ўтиб боради.
Бўри юрмас ерлардан
Бўйлаб кетиб боради...

...Қуён юрмас ерлардан
Қуюб кетиб боради
Сувсиз чўлда қовоғин
Ўюб кетиб боради...

...Олқор юрмас ерлардан
Оқиб ўтиб боради.
Бек Равшаннинг алами
Чақиб, ўтиб боради.

Кийик юрмас ерлардан
Қуюб ўтиб боради
Қашқир юрмас ерлардан
Қамраб ўтиб боради.

Қоронгида қиличин
Сермаб ўтиб боради.
Йўлбарс юрмас ерлардан
Йўртиб ўтиб боради.
Бек Равшаннинг аламин

Тортиб, ўтиб боради.
Шерлар юрмас ерлардан
Шириллаб ўтиб боради.
Остидаги Ғиркўк от,
Пириллаб ўтиб боради.

Достонда бундай тасвирий, чиройли ўринлар анчагина бор. Улар берилмоқчи бўлган манзарани кишининг ҳиссида-тасаввурида яққол гавдалантиради. Эргаш шоир бермоқчи бўлган фикрининг оммага тушунарли бўлиши учун сатрларда, сўзларда, тасвирларда ижодий меҳнатни аямайди, мазмуннинг жозибали мужассамлинишига ҳаракат қилади. Отасидан рухсатсиз сафарга отланган ёш Равшанга тасодифан йўлиқиб қолган Ҳасанхоннинг мурожаати шундай берилади:

Умримга баҳорим, сенга йўл бўлсин,
Таллинган шунқорим, сенга йўл бўлсин
Бир кўзи-қўчқорим, сенга йўл бўлсин,
Новда ўсган чинорим, сенга йўл бўлсин.
Соғинсам хуморим, сенга йўл бўлсин.

Бу парчада чуқур руҳий ҳолат — отанинг болага бўлган меҳру муҳаббати, ўғлидан ажралишни истамаган отанинг руҳий кайфияти ва ундан умидлари берилган. Бу ҳолатларни беришда Эргаш шоир сўздан жуда ўринли фойдаланади: отанинг ўғлидан умидларини «умримнинг баҳори» сўзлари воситасида беради ва уни Ҳасанхоннинг ёшлигига ўхшатади. Равшаннинг мардлигини, келажagini «чинор» сўзи кўрсатса, ҳозирги ёшлигини — «новда» сўзи орқали беради ва бу сўзлар Равшаннинг келажакда ўсиб-улғайиб улкан чинор (Ҳасанхондек мард) бўлишининг образли ифодасига айланади.

Эргаш ёш ботирнинг келажаги ва ҳозирги ҳолатини ифодаловчи ҳаётини сўзлар топа билган. Бу парчада айрим сўзларнинг такрорланиши ҳам маълум маъно ташиydi. «Сенга» сўзининг такрори таъкид маъносини билдирса, «йўл бўлсин» сўзларининг такрорланиши эса фикрнинг қувватлайди.

Аё нозим, бир гапим бор, англаб ол,
Мен гапирай, зеҳнингни қўй, қулоқ сол.
Жаллодларга эланмагин, бўйингдан,
Гавҳарни не билсин, ушалган сопол.

Бу мисраларда подшоҳ қизи Зулхуморга Равшаннинг таъкиди берилди. Равшан — халқ ботири. У феодал аристократиясининг зеб-зийнатига берилмайди. Жаллодларни ҳам шу сарой вакили деб англаydi, уларга нафрат билан қарайди. Шунинг учун ўз ёрини шундай (ўзидай) бўлишга чақиради. Ёш ботир ўз эрки ва одамгарчилигини «гавҳар», салтанат эгаларининг қадрсизлигини «синган сопол»га тенглаydi.

Услубнинг лаёқатли бўлишида тасвирийлик катта роль ўйнаydi. Шу тасвирийлик ва эмоционалликнинг Эргаш достонларидаги асосий воситаси образли сўзлардир.

Халқ достонларида доимий эпитетлар кўпроқ кишилар, қуроллар, от ва от асбобларининг тасвирий аниқловчилари бўлиб келади.

Эпик қаҳрамоннинг доимий эпитети *мард*, *ботир*, *полвон*, *шер ҳайбатли*, *қоплон юракли*, *арслон билакли* ва бошқа шунинг каби сўз ва бирикмалардир. Бу эпитетлар орқали достоннинг услубида тасвирийлик ортади, ўқувчи ё тингловчи тасаввурида қаҳрамоннинг бирор белгиси гавдаланади. Масалан:

«Авазхон билан Ҳасанхон ҳам шер ҳайбатли, йўлбарс келбатли, қоплон юракли, арслон билакли йиғитлар бўлди».

«Ҳасанхон полвон мард эмасми, боласига оқ фотиҳа бериб юбора берди».

Бу сўнгги мисолда шоир келтирган эпитет қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини очиш учун ҳам хизмат қилади. Унда ота қалбидаги ички изтироб берилади. Севикли ўғли (Равшан)нинг узоқ сафарга кетишига Ҳасанхон, бир томондан, рози бўлмаса, иккинчи томондан, унинг раъйини қайтариш учун ўғлига нисбатан меҳрсиз ҳам эмас. Бу ҳолатни беришда шоир традицион дostonларда учрайдиган ботирга хос эпитетларни танлайди. Шу восита орқали, яъни унинг мардлигини ўртага солиб, ёш ботирга жавоб бердиради, ота юрагидаги ички руҳий ҳолатни ўринли равишда «бартараф» қилади.

Дostonларда эпик қаҳрамонларнинг асосий уруш қуроллари қилич, найза, ёй, қалқон, ханжар бўлиб, баъзан милтиқ ҳам учрайди.

Қилич, ханжарнинг эпитетлари ўткир, кескир, пўлат, олмос, испиҳон (шаҳар номи, ўрта асрларда ўзининг кескир тиглари билан машҳур бўлган) сўзлари бўлса, ёйнинг эпитети бағри тортиқ, сариқ, найзаники эса пўнакли ва оқ (пўлат маъносида; энг яхши найзалар шу пўлатдан қilingан). Аммо ханжарга эпитет бўлиб илон тилли (заҳарли маъносида), яшин турли (ялтирайдиган маъносида) бирикмалари ҳам учрайди. (Оқ найзага илдирди; Белига қилич бойлаган, эгнига пўнакли найза тайлаган...).

Баъзан дostonларда пўлат, олмос, испиҳон эпитетлари кўчган маънода ҳам қўлланади. Бундай ўринларда бу эпитетлар, эпитетликдан чиқиб, қилич, ханжар маъносини беради ва айни замонда ўша предметнинг сифатини ҳам эслатади. (Қўлинда бор испиҳон; Мард бўлиб белига олмос бойлабди; Барининг белида кескир пўлати).

Бундай сўзлар ўз ўрнида қилич ва ханжар сўзлари олган эпитетларни ҳам оладилар. (Белда кескир испиҳон, Узангида чирқиллаб; Кескир испиҳонди бойлаб белинга).

Дostonда ботирнинг мудофаа қуроли қалқондир. Қалқоннинг эпитетлари эса карк тери (каркидон, ёввойи туя териси) ва карк қуббадир:

Чор ҳақим эмасман, Чамбилгадир хон,
Азаматга бердим карк тери қалқон.

Ботирнинг жанг ва сафар йўлдоши отдир (Жайронқуш ва Гиркўк). Эргаш шоир отларга ҳам ўзига хос индивидуал эпитетлар берадики, бу эпитетлар ўқувчи ё тингловчи тасавурида ўша отларнинг индивидуал образини яратади. Шоир бу эпитетлар орқали отларнинг зоти, тавсифий сифати (ранги), ҳолати, бирор жойга бўлган муносабати, гавда тузилишидаги айрим аъзосининг белгисини беради. Масалан, эпитетлар орқали отнинг тавсифий сифати билдирилади: Минди бачча жайрон қушдай отини.

Насл билдирилади: Асил тулпор зўр отни; Жоби дема шу от тулпор эканди.

Жийрон эпитети баъзи ўринларда ўзининг сифатлигини йўқотади — отлашади, ўзига эпитетлар ҳам олади: Бўйни узун жийрон.

От асбобларининг дostonлардаги эпитетлари ўн икки узмал карки, пўлат, бахмал, ипак, зар чачвоқли, қирқ қуббали, тилла қошли, корсонни кумуши, қундуз (майин маъносида) бўлиб, улар ўзлари сифатлаган предмет (от асбоби)нинг маълум белгиларини аниқлайди, ўша асбоб ясалган материални билдиради:

От думига солаберди бек Равшан,
Ўн икки узмал карки қуюшқон.
Бекнинг оти пўлат сувлиқ чайнади.

От устига қўйберди бек Равшан
Ўймалаб ташлаган бахмал чиргини.

Барча фольклор асарларида учраганидек доимий эпитетлар Эргаш дostonларида ҳам учрайди. Бундай эпитетлар кўпинча ботирнинг қуролларида, кийимига, от асбобларига ёпиштирилади. Дostonларда кўп учрайдиган «безак» эпитет *олтин* (*зар, тилла*) ва *кумушдир*.

«Безак» эпитетлар дostonларда учровчи шахс ва предметларнинг бадний характеристикасини беришда бирдан-бир аъъанавий восита бўлиб, ўзбек ва қардош халқларнинг хоҳ қаҳрамонлик, хоҳ ишқий дostonларида кўзга ташланарли ўрин олган. Бундай эпитетлар Эргаш дostonларида, масалан, «Равшан»да ботирнинг кийимида (*зарли қалпоқ*), от асбобларида (*тилла қошли корсон кумуш эгар*), бирор от асбоби эпитетнинг сифатловчисида (*зар чочоқли давр*) ва бошқа ерларда учрайди:

Ўзангиси ўйма *олтин*,
Куюшқони қуйма *олтин*,
Юганининг боши *олтин*,
Эгарининг қоши *олтин*,
Қамчисининг сопи *олтин*.

Дostonдаги бу «безак» эпитетлар ботирнинг шоҳ ёки шоҳ хонадондан эканини кўрсатмайди. Балки шу образли восита орқали халқдаги юқори идеал ифодаланади. Ўтмиш даврларда зеб-зийнат кўрмаган халқ шу зеб-зийнатларни ўз қаҳрамонларида кўргиси келади ва асрлар бўйи ўзи яратиб келган дostonларига киритади. Халқ ўз қаҳрамонини ўз ижодида юқори идеал нормага кўтаришни истайди.

Эргаш дostonларида учрайдиган эпитетларнинг материали ва маънолари қуйидагича:

1. Сифатлар эпитет бўлиб келади: *Силтаб ўтқир қилични; Оқ найзага илдирди*.

Бу эпитетлар ўзи сифатлаб келган предметларнинг ҳолатини (*ўтқир қилич*), рангини (*оқ найза*) билдиради.

2. Отлар эпитет бўлиб келадилар: *Бекнинг оти нўлат сувлиқ чайнади; От устига сола берди бек Равшан ўймалаб ташлаган бахмал чиргини*.

Бу мисолларда эпитет предметнинг нимадан ясалганини (*нўлат сувлиқ, бахмал чирги*) билдиради.

3. От ва сифатдошлар эпитет бўлиб келади: *Эшак ҳайдаган боволар, калава сотган момолар*.

Бундай эпитетлар дostonда шахснинг ҳаракатга ёки ҳолатга кўра бўлган белгисини аниқлайди. Сифатдош билан ифодаланган эпитетлар шахснинг актив белгисини (ҳаракат) билдириб келади.

Тасвирий воситалардан яна бири ўхшатишдир. Эргаш шоир фикрнинг ўқувчи ёки тингловчига равшан етиб бориши учун ўхшатишлардан фойдаланади. Бу ўхшатишларда Эргаш эпик қаҳрамонларни, ботир отини ва бошқа нарсаларни инсон тасавурида кучда бақувват, чопишда илдам, ҳуснда гўзал ҳисобланган нарса ва мавжудотларга чоғиштиради. Бу орқали у таъсирчан ва романтик образлар яратади.

«Равшан»да шоир Зулхуморнинг гўзал портретини шундай ўхшатиш орқали берадики, бу ўхшатишда Зулхуморга берилган ҳусн ўз ўрнида ўринли равишда умуман аёллар идеали билан бирикади: *Равшанбек қараса, Зулхуморнинг ё йн уч, ё йн тўртда камоли, ойдаёй жамоли, йн тўрт, йн уч еринда оқ юзинда холи, янги тўлган ойдаёй икки қоши ҳилоли. Равшанбек зехнини қўйиб қараса, Ясанган ҳурдай, тишлари дурдай, қўзлари юлдуздай, қошлари қундуздай, лаблари қирмиздай*,

оғизлари ўймоқдай, лаблари қаймоқдай, икки юзи ойдай, тарлон қарчиғай—учадиган қушдай... оқиом палов, эртан чой, муҳурланган қогоздай ялт .. юлт этиб ўтирибди.

Дostonларда эпик қаҳрамоннинг ҳолатини билдирадиган ўхшатишлар кўп бўлиб, улар кўпинча ўқувчиларнинг ёки тингловчининг ҳиссида ботирнинг руҳий ҳолатини гавдалантирадилар: Қизлар ўйнашиб, чой-жўшдай бўп қайнашиб юрибди.

Бу мажозий ўхшатиш Зулхумор ва канизларининг ички ҳаяжонларини бериш учундир.

Мажозий маънода келган отлар ўхшатиш вазифасида келганда (*Қаторда юрган норимдан; Ёвмитнинг сиртлони келсин*) эпик қаҳрамонни бирор чоғиштирилган нарсага қай томондан бўлмасин тенг ё ўхшашлиги, қариндошлик муносабати мажозий билдирилади. Айни замонда эркалаш маъноси англашилади.

Дostonларда учрайдиган *Томоша қинг Равшанхондай полвонни* типигаги ўхшатишларда ботир идеал эпик қаҳрамон символидай олиниб, ўзини-ўзига ўхшатиш кўринади. Бундай чоғда нормал ҳолат англашилади. Ўхшатишнинг бундай формаси жонли тилимизда ҳам бордир. (Қиёс қилинг: *Сендай ўғлим бўлатуриб...*)

Аmmo дostonдаги *Менинг олган эрим Равшандай шунқор; Зулхумордай чаман бўстон сеники* каби мисраларда учрайдиган ўхшатишларни маъно жиҳатидан юқоридаги (*Равшандай полвон*) типигагидек деб қарамаслик керак. Булар формал жиҳатдан ўхшасалар ҳам маънан «шунқор» ва «чаман — бўстон»лар Равшан ва Зулхуморга ўхшатилмайдди (*Равшандай шунқор, Зулхумордай чаман-бўстон*), балки аксинчадир (*Шунқордай Равшан, чамандай — бўстондай Зулхумор*).

Дostonлардаги эпик қаҳрамон ва эпик от инсон тасавурида бақувват ҳисобланган ёввойи ҳайвонлар (*шер, йўлбарс, қисман бўри*), халқ орасида чоғиштиришда бирдан-бир ғазабли ҳисобланган *аждар*, заҳарли ҳисобланган *илон*, табиий тузилишлари жиҳатидан олғир ва тез учар қушлар (*қарчиғай, лочин*), чиройда *ой* ва *гул*, югурук ҳисобланган ҳайвонлар (*қулон, булон, кийик*)га, ниҳоят, *норга, бўтага* ўхшатилади.

Бундай доимий ўхшатишлар ёки ўхшаш кўчимлар (метафоралар) Гўрўғли йигитлари учун бериладиган умумий стилистик бир қолип бўлиб, ўзбек дostonларининг барчаси учун тааллуқлидир.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, барча традицион ўхшатишлар шоир мансуб бўлган халқнинг мифологиясидан ёки шоир яшаган муҳитдан, яқин ўтмишдаги кўчманчи ва ярим кўчманчи ўзбек уруғларининг тушунчаси, турмуш, урф-одатидан олинади.

Дostonларда эпик қаҳрамоннинг оти чоғишда кийик ва қушга чоғиштирилган экан, бу ўхшатишларда ботир отининг чоғиш тезлиги ўша чоғиштирилган нарсаларнинг ҳаракат тезлигига баробарлаштирилади:

Бораётир Ғиркўк от
Қаноти бор қушдай бўп.

Сувсиз чўлда бедов от
Кийикдай бўп хезлади.

Яна:

Зулхуморнинг жамоли чилланинг қоридай тинжираб ялтираб ўтури (турур).

Бу ўхшатишда шоир гўзалнинг жамолини чилланинг қорига ўхшатади. Фольклордаги идеал нормага кўтарилган гўзал юзининг оқлигини беришда бундан кучлироқ восита йўқ. Мана бу образли сўз гўзал ҳуснининг тоза ва жозибали эканини шарҳлайди.

Фольклорист М. К. Азодовский худди шундай тасвирий восита (аёл ҳуснининг оқлигини қорга ўхшатиш) рус эртакларида ва шулар асоси-

да вужудга келган А. С. Пушкин эртакларида борлигини қайд этган. Лекин Эргаш ўхшатишида ўзига хослик бор (*чилланинг қоридай*).

Достонда учровчи ўхшатишлар орасида ботирнинг ҳаяжонланиши, руҳий тўлқинини, изтиробини ёки қариндошлик муносабатини нор (туя) га ёки бўта (туя боласи)га чоғиштириш диққатни жалб этади.

Гоҳ созини созлайди,
Гоҳ бўтадай бўзлайди.

Халқ достонларида учрайдиган бу образ:

1) эркалашни билдиради: *Қаторда юрган норимдан; Қатордаги норим сенга жўл бўлсун;*

2) руҳий ҳолат, ҳаяжон, қайғу, изтироб билдиради: *Чилладаги нор-га ўхшаб, Айноқ кал гўрғурайди.*

Достонларда эпик тасвирий воситалардан энг кўп учрайдигани муболага бўлиб, буларда ҳажм, бўй, куч, ҳаракат нормал ҳолатдан орттирилади:

Дутор бўйин араби отлар
Чу деса бир қирдан хатлар...

Икки қарич супра экан қулоғи,
Тошни янчар пўлат, асл туёғи.

Терсак кал шундай кал эди. Синчиклар эди. Йилқининг тулпорини суюгидан танир эди. Қиличнинг ўткирини қинида билар эди.

Фантастик муболағалар эса баъзи тасвирларда, айниқса кўса ва кампир образини беришда учрайди.

Эпик қаҳрамон отининг чоғиш тезлиги достонларда кўпинча қуш учушига нисбат бериб орттирилади:

Жонвор Фирқўк шигиллаб,
Қушдай учиб боради.

Умуман, халқ достонларида эпик отнинг ҳаракатини беришда, ботирнинг муддаосига етказиш учун уни қандайдир бир ўта тезликка кўтариш керакки, бу тезликни халқ ўзи кўрмаган, билмаган бирор нарса тезлигига қиёсан бера олмас эди. Шундай экан, бундай образни бериш учун у реал ҳаётга мурожаат қилади. Бу тезликни ўзи кўриб турган қушнинг учиш тезлигида кўради ва ундан достонларида нормал ҳолатдан ортиқлик билдириш учун услубий восита сифатида фойдаланади: *Чу деса қутулар қанотли қушдан; Чу, деганда Жийронқуш учар қушдан қутулиб.*

Шунингдек, муболағаларда ботир отининг чоғиш тезлиги отилган тўп ўқининг тезлигига ҳам муқояса қилинади. Бундай муболага орқали қаҳрамон отининг чоғиш тезлиги яна кучайтирилади: *Оти тўпнинг ўқидай сувсиз чўлда отилиб...* Бу муболаганинг анча кейинги даврларга таллуқли экани, замбарак ва шар ўқининг ихтиро этилганидан кейин яратилгани кўриниб турибди. Бу инсонларнинг турмуш шароити, ижтимоий муносабатлари, ижтимоий турмушлари ўзгариши билан бирга тасавурлари, фикрлари, тушунчалари, қисқаси, онглари ҳам ўзгариши натижасида рўй берган бўлиб, достоннинг даврдан-даврга, асрдан-асрга ўтганида қайтадан ишланганидан, янги образлар билан бойиб-борганидан далолат беради.

Жўшқин шоир ўзбек халқига, ўзбек адабиёти ва фольклори хазинасига кўпгина асарлар қолдирди. Бу асарлар ғоявий ва бадиий етуклиги билан ўзбек халқ ижодиётида муносиб ўринни эгаллади.

Шубҳасиз, бу асарларнинг ижодкори Эргаш Жуманбулбул ўғли ўзбек халқининг ажойиб сўз санъаткори — чинакам булбули, чечан шоири бўлиб қолади.

ТУРА МИРЗАЕВ

ЎЗБЕК ХАЛҚ ДОСТОНЧИЛИК ИЖОДИГА ЎЗМА АДАБИЁТНИНГ ТАЪСИРИ

(Эргаш шоир куйлаган достонлар мисолида)

Қадимдан оғзаки яратилган ва жонли оғзаки анъанада бизгача етиб келган ўзбек халқ эпоси ўзининг кўп асрлик тарихи давомида турли таъсирлар, ўзгаришлар, баъзан тазъийқларга учраган. Ўзбек эпосининг асрий анъанаси ҳар хил тилдаги ёзма маданият ва поэзиянинг турли характер ва йўналишдаги таъсири билан чатишиб, чирмашиб кетган. Эпосдаги бундай ўзгариш ва даврлар қатламини, таъсир ва акс таъсирларни ўрганиш муҳим илмий-назарий аҳамиятга эга. Бу эпосимизнинг ижодий тарихини белгилашга, унда ўз изини қолдирган турли даврлар қатлами меъёрини аниқлашга имкон беради. Ана шу мулоҳазалардан келиб чиқиб, Эргаш Жуманбулбул ўғлидан ёзиб олинган асарлар мисолида халқимизнинг достончилик ижодига ёзма классик адабиёт таъсирининг баъзи қирралари ҳақида айрим фикрлар билдирмоқчимиз.

Фольклор ва ёзма адабиётнинг ўзаро муносабати барча халқларнинг, шу жумладан, ўзбек халқининг маданий тараққиёти учун характерли ижодий жараёндр. Бундай ўзаро алоқа икки йўналишда: бир томондан, ёзма адабиёт вакилларининг халқ поэтик ижоди намуналаридан ва бой оғзаки анъанадан фойдаланишида, иккинчидан, фольклорнинг классик адабиёт таъсирида маълум даражада бойиб боришида зоҳир бўлади¹.

Ўзбек халқ эпоси жанрий хилма-хиллиги ва кўп темалилиги жиҳатидан ҳам, унда ўз изини қолдирган турли даврларнинг қатламлари миқдори билан ҳам кўп составли ва мураккабдир. Ўзбек халқ достончилари репертуарида патриархал-уруғчилик муносабатларининг сўнгги босқичида яратилган қадимий қаҳрамонлик эпосидан феодализм жамиятининг ижтимоий ва маданий муносабатлари билан боғлиқ бўлган ишқий-романик достонларгача, шунингдек, кейинги даврларда ижод қилинган замонавий асарларгача мавжуд. Шунинг учун ҳам бу ерда ёзма адабиёт таъсирининг кўринишлари кўп қиррала ва хилма-хилдир. Масалан, ёзма адабиётнинг «Алпомиш» достони вариантларига таъсири архаик стиль — қаҳрамонлик эпоси стилидаги ўзига хос модернизация ҳодисаси сифатида намоён бўлиб, бу ҳол унга ишқий-романик достонлар хусусиятларининг кириб қолишида, эпик воқеликнинг ишқий-романик планда ифодаланишида, текстдан ёзма адабиёт шеърий формаларининг ўрин олишида, асарнинг проза қисмида китобий жумлар ва оборотларнинг ишлатилишида кўринади².

Ўзбек достончилигида ёзма адабиёт таъсири мураккаб кўринишларга эга, дедик. Ҳа, худди шундай таъсир ва акс таъсир натижасидагина

¹ Бу ҳақда қаранг: В. М. Жирмунский, Х. Т. Зарифов, Узбекский народный героический эпос, М., ГИХЛ, 1947, стр. 279—280.

² Қаранг: Тўра Мирзаев, «Алпомиш» достони вариантларидаги бир хусусият тўғрисида, «Ўзбек халқ ижоди» (тўплам), Тошкент, ЎзССР «Фан» нашриёти, 1967, 49—50-бетлар.

Ўзбек халқ бахшилари репертуарида махсус жанр — китобий дostonлар (яратилиши жиҳатидан ёзма адабий манбага эга бўлган асарлар) пайдо бўлди. Бундай дostonлар («Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Баҳром ва Гуландом» ва бошқалар) классик поэзия намуналарининг бахшилар томонидан фольклорга хос равишда қайта ишланиши натижасидир. Шунингдек, халқ китоблари номи билан юритилиб келинаётган каттагина адабий маҳсулот борки, унинг ёзма ва оғзаки манбаларини текшириш адабиёт ва фольклор муносабатларига доир қизиқарли маълумотлар беради. Ниҳоят, ўзбек фольклоридаги ишқий-романик дostonлар жанрининг юзага келиши ва тараққиётини ёзма адабиёт таъсирисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам В. М. Жирмунский ва Ҳ. Т. Зарифовлар халқ бахшиларининг феодал саройлари ва шаҳарларга қатнови, профессионал халқ ашулачилари томонидан классик лирика намуналарининг ижро этилиши, шаҳар ва шаҳар атрофидаги қишлоқларда махсус қиссахонларнинг мавжудлиги бундай ўзаро таъсирга асосий шарт-шароитлар яратди, бусиз оғзаки фольклор жанри — романик дostonлар (халқ романлари)нинг ривожланиши ва тараққиётига имконият бўлмаган бўлар эди, деб таъкидлаган эдилар³.

Шундай романик дostonларнинг классик намуналарини берган бахшилар Қўрғон қишлоқ дostonчилик мактабининг вакилларидир. Ўзига хос чуқур лиризм, чиройли тасвирлар, шеърли безаклар, тафсилотларни кенг ва атрофлича ишлаш, нозиклик ва ёқимлилиқ бу мактаб услубининг асосий белгилари сифатида кўринган экан, бу бевосита ёзма адабиётнинг таъсиридир. Шу дostonчилик мактабининг сўнги вакили Эргаш Жуманбулбул ўғли бўлиб, ундан ёзиб олинган ёхуд ўзи ёзиб қолдирган дoston ва термалар дostonчиликка ёзма адабиёт таъсирини ёритиш учун анча қизиқарли материаллар беради. Чунки «у шоирлар қишлоғи, шоирлар оиласида туғилиб ўстанлиги учун ҳам ҳар куни қўшиқ тинглар, шу билан бирга Алишер Навоий, Фузулий, Ҳофиз, Мирзо Абдуқодир Бедил, Машраб, Махтумқули асарларининг кичик девонларини кунт билан ўқиб борар эди. Бир томондан, халқ шоирларидан ўрганиш, дostonчилик йўлларини мукаммал эгаллаш; иккинчи томондан, ўзбек, форс, озарбайжон ва туркман классиклари ижоди билан танишиш Эргаш Жуманбулбул ўғлига жуда самарали натижа берди, унинг ижодида бамисоли икки каттақон дарё қўшилиб, бир уммон ҳосил қилгандек бўлди»⁴. Чиндан ҳам Эргаш шоир дostonларига назар ташласак, бу фикрнинг гоят зукколик билан айтилганига қаноат ҳосил қиламиз. Ундан ёзма адабиёт унсурларини, асосан классик адабиётга хос бўлган шеър тузилиши ва поэтик нутқ воситаларини истаганча топса бўлади.

Маълумки, ғазал ёзма адабиётда етакчи жанрлардандир. Адабиётимиз тарихида бадий сўз усталарининг деярли барчаси ғазал ёзганлар ва у билан шуҳрат топганлар. Ғазал жанридан Эргаш шоир ҳам усталик билан фойдаланиб, дostonларда қаҳрамонларнинг диалог ва монологаарида унинг яхши намуналарини беради⁵. Шундайлардан бири «Кунтуғмиш» дostonида Кунтуғмишнинг ёри ва болаларидан айрилиб, гангиб қолганида, тасодифан учраган чўпоннинг унга мурожаатидир:

Э, ёри алам кўрган, қайдин келасан, айгил,
Кўп ранжу ситам кўрган, қайдин келасан, айгил.

³ В. М. Жирмунский, Х. Т. Зарифов, Узбекский народный героический эпос, стр. 281.

⁴ Ҳоди Зариф, Улмас даҳо, «Шарқ юлдузи», 1968, 12-сон, 175-бет.

⁵ Эпик асарга ғазал, мухаммас намуналарини киритиш анъанаси ёзма адабиётда ҳам бўлган. Фузулийнинг «Лайли ва Мажнун», Сайқалининг «Баҳром ва Гуландом» дostonлари ва бошқалар бунга мисол.

Ким эрдинг гули сўлган, шум паймонаси тўлган,
Еки боласи ўлган, қайдин келасан, айгил.

Диёридан айрилган, қанотидан қайрилган,
Е ёридан айрилган, қайдин келасан, айгил.

Сен мунча бўлиб шайдо, мунча қилиб вовайло,
Юсуфмисан Зулайхо, қайдин келасан, айгил.

Сен мунча бўлиб, пурхун, кўз ёшинг оқар Жайхун,
Е Лайлимисан Мажнун, қайдин келасан, айгил.

Пиглайсан бози-бози, кўкка чиқар овози,
Е Лайлимисан Мажнун, қайдин келасан, айгил.

Еинки қаландарсан, ё марди дилворсан,
Қилгин буни боварсан, қайдин келасан, айгил.

Айгил менга отингни, бергил баён зотингни,
Қўй эмди уётингни, қайдин келасан, айгил.

Хўш, Эргаш шоир юқоридаги ғазални кимдан илҳомланиб яратди? Маълумки, Собир Сайқалийнинг «Баҳром ва Гуландом» дostonидаги Баҳромнинг гадо қиёфасида Гуландом қасри олдига келиб турганда, унинг кимлигини билиш учун Гуландом нома ёзиб, каниз Давлат билан бериб юборади. Шу номада юқоридагидек ғазал келтирилган⁶. Бизнинг назаримизда, Эргаш шоир учун ана шу ғазал асосий манба бўлган. Бу фикрни ҳар икки ғазални оддий қиёслаш ҳам тасдиқлайди.

Ғазал Сайқалийда ўн бир байт, Эргашда эса саккиз байтдир. Биринчи байт ҳар иккаласида айнан. Фақат иккинчи мисрадаги *ранж* сўзи ўрнида Сайқалийда *жабр* ишлатилган. Кейинги байтлар (Сайқалийда—6, Эргашда—5) бир-бирига ўхшамайди. Тўртинчи байтнинг қофияларидагина маълум бир ўхшашлик бор. Сайқалийда бу ноўхшаш байтлар қуйидагича:

Шаҳзодамусан мискин, озодамусан ёқин,
Диндормусан бедин, қайдин келасан, айгил.

Девонамусан оқил, хушёрмусан ғофил,
Донишлимусан жоҳил, қайдин келасан, айгил.

Зоҳидламусан шайдо, бу ҳола бўлан расво,
Афтодамусан танҳо, қайдин келасан, айгил.

Эй, ёри фалак урғон, ич бағрини қондурғон,
Е бир шаҳи озурғон, қайдин келасан, айгил.

Ким қилди сани торож, берунинг кима, боринг бож.
Бу ерда бўлиб ихрож, қайдин келасан, айгил.

Юртунг қаю манзилдур, сан мунда биза билдур,
Бу ҳола неча йилдур, қайдин келасан, айгил.

Кейинги икки байт, айрим сўзларни соқит қилганда, яна айнандир. Сўнгги байтлар Эргаш шоирда мавжуд эмас:

Эй, марди гирибон чок, бебок ўлон ғамнок,
Сан сўзла манга тезроқ, қайдин келасан, айгил.

Мастонамусан махмур, шаҳзодамусан ё ҳур,
Эй, Сайқалий маҳжур, қайдин келасан, айгил.

⁶ Сайқалий. Баҳром ва Гуландом, Нашрга тайёрловчи Р. Алиев, Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1960, 91—92-бетлар.

1969 йилнинг ёзида Сайрамда фольклор экспедициясида бўлганимизда, Насриддин қори оғзидан шу ғазалнинг уч байтини ёзиб олган эдик. Насриддин қорининг ўзи ҳам айтган шеърини парчасининг «Баҳром ва Гуландом» дostonидан эканлигини айтади. Бу парчани Сайқалий ғазалига қиёс қилганда, қуйидаги манзарани кўрамиз: Биринчи байт айнан. Иккинчи байтнинг биринчи мисраи Сайқалийга ўхшаш. Бунда Сайқалий ғазалининг саккизинчи байти биринчи мисраининг сўнгги қисми ва иккинчи мисраининг бош қисми бир сатр қилиб олинган:

**Билдир манга зотингни, қўй энди уётингни,
Чин-Мочиннинг шаҳзоди, қайдин келасан, айғил.**

Насриддин қори вариантыдаги учинчи байт эса, Сайқалийда ҳам, Эргаш шоирда ҳам учрамайди:

**Ўлдирди Зулайхони, кўйдирди Зулайхони,
Миср шаҳрининг султони, қайдин келасан, айғил.**

Бундан чиқадиган хулоса шуки, юқоридагига ўхшаш ғазал бошқа манбаларда ҳам бўлиши керак. Уларни излаб топиш Эргаш шоир ғазалига асос бўлган манбаларни янада ойдинлаштиради. Лекин инсоф билан шунини айтиш керакки, Эргаш ота мавжуд манбалардан илҳомланиб, шулар асосида юқоридаги ғазални яратган бўлса-да, мазмун ва услуб жиҳатидан жиддий оригиналликка эришган.

Классик адабиёт намуналарини кўп мутолаа қилиш, ундан ижодий фойдаланиш Эргаш шоирнинг оригинал, ғазалнамо парчалар тўқишига сабаб бўлдики, бу бадий лавҳалар дoston тексти билан занжирдек бирикиб кетган:

**Янги туққан ойдаи ботиб бораман,
Ажал ёқасини тутиб бораман.**

**Ўзинг раҳм этмасанг ғариб ҳолима,
Борса келмас йўлга кетиб бораман.**

**Бир вақтида арз сўраган хон эдим,
Ўзимни бир нонга сотиб бораман.**

**Худоё, гўдаклар сенга амонат,
Қўш боламини етим этиб бораман.**

**Армон билан йиғлаб қолди ортимда,
Санам ёримни унутиб бораман.**

Демак, Эргаш шоир ўз дostonларидаги ғазалларида, биринчидан, классик адабиётимиздаги ўзига маъқул тушган айрим ғазалларнинг услубини (вазн, қофия, радиф ва тасвирий воситаларни) сақлаган ҳолда янги шеър яратса, иккинчидан, унинг жанр имкониятларидан фойдаланиб, ҳам мазмун, ҳам услуб жиҳатидан мустақил ғазаллар ижод қилган.

Эргаш Жуманбулбул ўғли ўз дostonларида қахрамонлар тилидан мухаммас⁷ формасидаги чиройли шеърларни ҳам беради. Масалан, «Якка Аҳмад» дostonида Милкар тоғига етган Аҳмадхон Оқбилак қиёфасидаги Бахил парини кўриб қолгач, унинг монологи шундай жаранглайди:

**Зор йиғлаб отам шўр бўзлаб қолди-ё,
Энамнинг кўз ёши дарё бўлди-ё,**

⁷ Халқ дostonларидан ёзма адабиётнинг кўпгина жанрларига оид мисолларни топса бўлади.

Ярим йўлда суяр ёрим келди-ё,
 Вафодорим, сендан кўнглим тўлди-ё,
 Шукрилилло, йўлим калта бўлди-ё.

Куйган қулман, чиқар оҳ билан зорим,
 Узоқда қолгандир манзил, шаҳарим,
 Неча вақтлар сендан йўқдир хабарим,
 Умидим шу эди, вафоли ёрим,
 Шукрилилло, йўлим калта бўлди-ё...

Шоир «Кунтуғмиш» дostonида ёридан айрилиб, бир ўғлини бўрига, иккинчисини балиққа олдирган қаҳрамон тилидан олти бандли бадийй ғўзал ажойиб бир мухаммас беради. Кунтуғмишнинг санъаткорона яратилган бу монологини тўлқинланмасдан ўқиш мумкин эмас:

Хону момим бўлди чун барбод дастингдан, фалак,
 Бўлмади ғамгин бу кўнглим шод дастингдан, фалак,
 Қилмадинг асло дилим обод дастингдан, фалак,
 То қуёмат дод этарман, дод дастингдан, фалак,
 Дод дастингдан, фалак, бедод дастингдан, фалак...

Дейди Кунтуғмиш отимни, мен Нўғойнинг хониман,
 Дилбаридан айрилиб, мен бир ажаб сарсониман,
 Олдириб икки қўзимни дийдайи гирёниман,
 Онадан бахти қора тугдим, шунинг ҳайрониман,
 Дод дастингдан, фалак, бедод дастингдан, фалак.

Бу бадийй парчани ўқир эканмиз, бенхтиёр классик шоир Бобораҳим Машрабнинг машҳур «Дастингдан» деган мухаммасини эслаймиз⁸. Шунинг учун ҳам атоқли фольклорист Ҳоди Зариф Эргаш ота ҳақида гапирганда, унинг баъзан машрабона сатрлар ҳам яратганлигини қайд қилган эди.

Юқоридагилардан аёнки, ёзма адабиётнинг ўзбек халқ дostonчилиғига таъсири турли кўринишларга эга ва у хилма-хил аспектларда зоҳир бўлган. Бизнинг бу уринишимиз масалани илм майдонига қўйишда бир ҳаракатдангина иборат. Уни барча аспектларда ҳар томонлама тадқиқ қилиш келажакнинг муҳим вазифаларидан бўлмоғи керак.

⁸ Қаранг: М а ш р а б, Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчи Абдурашид Абдуғафуров, Тошкент, Ўзадабийнашр, 1963, 193—194-бетлар.

АҲМАД ИШАЕВ

ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИ ЛЕКСИКАСИГА ОИД ҚУЗАТИШЛАР

(Эргаш шоир ижоди материаллари асосида)

1. Ўзбек халқ достонларида, жумладан Эргаш Жуманбулбул ўғли куйлаган «Равшан», «Қундуз билан Юлдуз», «Кунтуғмиш», «Далли», «Хушкелди» каби эпик асарларда ўзбек тили лексикасига (хусусан тарихий ва диалектал лексикага) оид жуда кўп қимматли фактлар мавжуд.

1. Халқ достонлари тилида тилимиз тарихи учун зарур бўлган кўпгина лингвистик фактлар бор. Лекин достонлар аниқ бир даврда, маълум автор томонидан яратилган қатъий бир ёзма текстга эга бўлмагани учун улар тил тарихига оид асар сифатида қаралмайди. Иккинчидан, халқ достонлари маълум территорияда (масалан, Самарқанд, Қашқадарё, Хоразмда) яшовчи шева вакиллари бўлган бахшилар томонидан куйлангани учун уларда ўша жойлардаги шеваларга (кўпинча қипчоқ ёки ўғуз лаҳжасига тааллуқли шева, диалектларга) хос лингвистик хусусиятлар ўз аксини топган. Бироқ халқ достонлари тили фақат шева ёки шевалар группасига оид сўзлардангина ташкил топган эмас, чунки достонлар тилида классик бадий адабиёт ва традицион достончиликка хос тил фактлари ҳам мавжуд. Шу сабабли халқ достонлари тили Ҳоди Зарифовнинг жуда тўғри қайд этганидек, «... жонли тилни ўрганиш учун асосий материал бўла олмайди. Балки у энг биринчи ёрдамчи материал бўлиб хизмат этади»¹.

Шунга кўра, академик В. В. Виноградовнинг қуйидаги фикрига қўшилиш ўринлидир: «Бадий асарлар (жумладан, бадий асарларнинг ўзига хос бир тури бўлган халқ достонлари — А. И.) тилини ўрганиш адабий тил тарихидан ва умумхалқ сўзлашув тилидан фарқ қиладиган махсус филологик фан бўлмоғи керак. Бу фаннинг ўз вазифаси, ўз объекти, ўзига хос тушунча ва категориялари мавжуд»².

2. Халқ достонларининг лексика ва морфологиясидаги каби фонетика ва синтаксисида ҳам тилимиз учун фойдалан холи бўлмаган фактлар бор. Лекин бу фактларнинг қўлланиш даражаси, ўзаро миқдорий нисбати бир хил эмас. Масалан, достонлар лексикасида (Эргаш шоир айтган достонларда) *хасм* (душман), *саража* (кажава), *керши* (жанжал), *соил* (гадой), *дайн* (қарз), *гўртик* (қор уюми), *ҳил* (алам), *умоқли* (тўла семиз), *чийир* (из), *чер* (дард, алам), *жаррор* (урушқоқ), *жарчоқ* (вайсақи), *роз* (сир), *латиба* (бўлоқи, бурун исирғаси), *тут* (занг — *русчаси* ржавчина) каби кўпгина сўзлар ҳозирги адабий тилимизда ва шеваларимизда учрамайди.

¹ Бу ҳақда қаранг: Тўра Мирзаев, Ҳоди Зариф (адабий портрет), Тошкент, 1967, 75-бет.

² В. В. Виноградов, Наука о языке художественной литературы и ее задачи, М., 1958, стр. 11—12.

а) дostonлар лексикасига нисбатан дostonлар фонетикаси бўйича текширишлар олиб бориш имконияти жуда чегараланган, чунки нашр этилган дostonларга суяниб, уларнинг барча фонетик хусусиятларини (масалан, унлилар системасини) ёритиш мумкин эмас (бунинг учун дostonлар аниқ ва тўғри транскрипцияда ёзиб олинган бўлиши шарт). Дostonлар тили фонетик жиҳатдан фақат айрим (масалан, сўзларнинг торайган шакллари, баъзи сўзлардаги ундош товушлар мослиги, мета-теза каби) фонетик ҳодисалар юзасидангина тадқиқ этилиши мумкин (бунинг учун дostonлар нашрга тайёрланганда, улардаги мазкур ҳодисалар адабий тилга мослаштириб ўзлаштирилмаган бўлиши шарт).

б) халқ дostonлари синтаксиси ҳозирги ўзбек тили ва шевадаримизнинг синтактик нормаларидан деярли фарқ қилмайди. Шу сабабли дostonлардаги содда, қўшма, мураккаб гапларни тадқиқ этиб, бирор янгилик топиш қийин бўлса керак.

в) халқ дostonлари тилида бир қанча сўз ясовчи аффикслар, қўшма, жуфт, такрорий сўзларнинг жуда кўп ва хилма-хил турлари, феълларнинг тусланиши ва бошқа морфологик фактлар мавжудки, уларнинг аксарияти адабий тилнимизда учрамайди. Шу сабабли дostonларнинг морфологик хусусиятлари (гарчи улар лексик хусусиятларга нисбатан камроқ бўлса ҳам) синчиклаб ўрганилиши зарур.

Хуллас, халқ дostonлари лингвистик жиҳатдан икки аспектда—лексик-морфологик хусусиятларига ҳамда баъдий тил воситаларига кўра текширилмоғи, тадқиқ этилмоғи керак. Бу соҳада тилшунос—диалектологларнинг фольклоршунослар билан ҳамкорликда ишлаши гоят самарали натижаларга олиб келиши мумкин. Бунга шак-шубҳа йўқ.

II. Халқ дostonлари лексикаси, хусусан Эргаш шоир дostonларининг лугат состави шу қадар бойки, Ҳоди Зарифов бундан ўттиз йил муқаддам жуда тўғри кўрсатганидек, уларда (масалан, «Равшан» дostonида) «Турли-туман ҳайвонлар, қушлар, ранг-баранг кийим-кечаклар ва безаклар, хилма-хил овқатлар, ҳар турли асбоблар, яроғларнинг терминлари жуда кўп»³.

Фактларга мурожаат қилайлик:

1. Халқ дostonларида тарихий ўтмиш даврдаги давлат мансабларига, унвон ва лавозимларга ҳамда турлича касб-ҳунарга оид хилма-хил терминлар жуда кўп. Масалан: Подшонинг олдида *умаролари*, *маҳрам*, *ясовул*, *ўқачи*, *шиговул*, *дарбон*, *баковул*, *асабадор*, *туғдор*, *қози*, *муҳрдор* ўтириб эди (К., ЎзХД, I, 448)⁴. Ҳозирги кунда *умаро* (подшо ҳузуридagi юқори мансабли амалдорлар), *ўқачи/ўғач* (маслаҳатчи), *асабадор* (шоҳ саройидаги бош кийимлар амалдори), *туғдор/туғ беги* (байроқдор, подшо байроқларини назорат этувчи мансабдор) терминлари гамомила истеъмолдан чиқиб архаиклашган; *маҳрам* (подшога яқин бўлган сарой амалдори), *баковул* (сарой ошпази), *ясовул* (юқори мартабали шахслар ҳузуридagi навкар), *қози* (шариат қонунларига асослашиб ҳукм чиқарувчи судья), *муҳрдор* (муҳр—печатъ сақловчи амалдор) каби сўзлар эса фақат ўтмиш ҳаётга нисбатан қўлланувчи тарихий сўзлар (историзмлар) бўлиб қолган. Шу сабабли бу хилдаги сўзларга аниқ

³ Ҳ. Зариф, «Равшанхон» дostonи ҳақида, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1940, 5-сон, 121-бет.

⁴ Эргаш Жуманбулбул ўғли куйлаган дostonлар номи қуйидагича қисқартирилди: Р.—«Равшан» (ёзиб олувчи ва нашрга тайёрловчи Ҳоди Зариф, Тошкент, 1963); Қ.—Ю.—«Кундуз билан Юлдуз» (нашрга тайёрловчи Ҳоди Зариф, Тошкент, 1963); Қ.—«Кунтуғмиш» (нашрга тайёрловчи Буюк Қаримов, Ҳоди Зарифов таҳрири остида, Тошкент, 1949); Д.—«Далли» (нашрга тайёрловчи Музайяна Алавия, Тошкент, 1962); Х.—«Хушкелди» (нашрга тайёрловчи М. Афзалов, Тошкент, 1962); ЎзХД.—«Ўзбек халқ дostonлари», I том (Тошкент, 1957). Қисқартирилган дoston номидан кейинги рақам ўша дostonнинг бетини кўрсатади.

изоҳ берилмаса, кенг ўқувчилар оmmasига тушунарли бўлмай қолади. Ҳақиқатан ҳам халқ дostonларида архаик ва тарихий бўлиб қолган қуйидаги терминларни изоҳсиз англаш қийин⁵.

а) *чўр оғаси* (подшоликдаги жиловдорларга раҳбарлик қилувчи амалдор); *эшик оғаси* (кўпчилик кучи билан бажариладиган ишларнинг назоратчиси); *салом оғаси* (шоҳга таъзимни ташкил қилувчи мансабдор; *ўдаға* (бошлиқ, саркор); *раис* (дин ва ахлоқ назоратчиси), *аълам* (муртилар бошлиғи), *мушши* (котиб, мирза), *чокар* (хизматкор), *ҳудайчи* (адъютант), *сайис* (отбоқар), *жойнишин* (ўринбосар), *пояки* (чилимичи, чилим тутувчи), *қиловуз* (бошлиқ, йўлбошчи), *маҳосил* (зарур одамларни чақириб келувчи, гуноҳкорни ҳайдаб келувчи шахс).

б) *шиғовул* (хон ҳузурида тантанали йиғилишларни уюштирувчи мансабдор), *дарбон* (дарвозабон), *оталиқ* (подшоҳга маслаҳатгўй, ишончли мансабдор), *иноқ* (подшоҳ буйруғини жойларга етказувчи катта амалдор), *мираҳўр* (отхона бошлиғи, подшоҳ отхонасига қаровчи амалдор), *шабгард* (кеча қоровули), *шотир* (жиловбардор, подшоҳ жиловиди юрувчи навкар) ва бошқалар.

Бу ўринда шу нарсени қайд этиш зарурки, тарихий нуқтан назардан мазкур терминлар халқ дostonлари учун архаик сўзлар эмас, чунки дostonлар яратилиб, асрлар оша куйлаб келинганда, бу терминлар жуда маҳсулдор бўлган ва бевосита дostonларнинг бадий тўқимасига сингиб кетган. Лекин ҳозирги даврда бу терминлар шеваларимизда ҳам деярли қўлланмайдиган архаик ва тарихий сўзлар бўлиб қолган.

2. Маълумки, Ўзбекистоннинг тоғ ва адрларида, дарё ва қўлларида, бог-роғларида, академик Т. З. Зоҳидовнинг маълумотига қараганда, қушларнинг 460 дан ортиқ тури (бутун Европада эса фақат 300 тача қушлар тури) мавжуд⁶. Табиийки, бу ҳолат ўзбек тили ва шеваларида ўз аксини топганлиги туфайли халқ дostonлари лексикасида, айниқса Эргаш шоир дostonларида, хилма-хил қушлар номи жуда кўп қўлланади. Фақат «Равшан» ва «Қундуз билан Юлдуз» дostonларининг ўзидагина *бахрин*, *каллажўжи*, *суқсур*, *ғажир*, *қирғий*, *қузғун*, *пистақуш*, *зинқарча*, *зарғалдоқ*, *пахтак*, *тарлон* (бўз тарлон) каби олтмишга яқин қуш номлари тилга олинади. Масалан: «Равшанбек қараса... лаълми қушлар: *сўпитўрғай*, *газалай*, *пучкакалонлар*, *олапопуш*, *олақарға*, *қорақарға*, *олашақшақлар* бари йиғилиб, *лайлакни* созанда қилиб айттириб ётибди (Р., 38). Дostonларда қушлар номи тасодифий равишда, ҳеч қандай мақсадсиз, йўл-йўлакай санаб ўтилмайди. Улар баён этилаётган воқеаларни аниқ, тўғри, батафсил тасаввур этишга, образларни ёрқин ифодалашга хизмат қилади.

Халқ дostonларида «*Итилгидай* имтилиб, *қарчиғайдай* қимтилиб; *товусдай* тараниб; *ғоз-ўрдакдай* бўйини сўзиб... (Қ.—Ю., 19, 117, 145) сингари қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатини, ҳатто «Шакли *қарчиғай* болади... Уткир *лочиндай* болади (Р., 61) каби уларнинг қадди-қоматини ҳам қушларга ўхшатиш орқали тасвириш кўплаб учрайди. Майна, турна, кабутар каби қушлар эса элчи, алоқачи (хат ташувчи сифатида дostonдаги воқеаларга бевосита аралашиб, ижобий қаҳрамонларни қийин аҳволдан қутқариш учун ёрдам бердилар:

⁵ Профессор Ҳоди Зарифов ўзбек халқ дostonларидаги англашилши қийин бўлган беш юзга яқин сўзнинг изоҳли луғатини тузган (Қаранг: ЎзХД, 1, 495—506). Мисол тариқасида келтирилган кўпчилик сўз-терминларнинг изоҳи ўша луғатдан ҳамда Ҳоди акадан шахсан сўраб олинди.

⁶ Т. З. Зоҳидов, Зоология энциклопедияси, Қушлар, Тошкент, 1957, 5-бет.

Хабарчига майна деган қушим бор (Р., 134).
Эсли майна учмоқлиққа устади,
Элчи бўлиб, Чамбилбелни истади (Р., 141).

Қайд этилган фактлар Эргаш шоирнинг ниҳоят даражада қузатувчан ҳамда муҳофаза қуввати ғоятда зўр бўлганлигидан далолат беради. 3. Маълумки, халқ дostonларини, айниқса «Гўрўғли» туркумига мансуб дostonларни, «... тўрт оёғи тенг тушган, биқини ёзиқ кенг тушган, пирларнинг дуоси теккан, қарчиғайнинг ҳавоси теккан» (Р., 14) ажойиб отларсиз тасаввур этиш қийин. Чунки дoston қаҳрамонларининг деярли барчаси ўз мурод-мақсадларига яхши, чопқир отлар ёрдамида эришадилар. Шу боисдан Гўрўғли ўз отини:

*Вафодорим, жониворим Ғиротим,
Ҳам фарзандим, ҳам муродим Ғиротим* (X., 137)

деб билади. Дарвоқе, Гўрўғлининг кўпчилик ҳолларда ўз душманларидан ғолиб келиши, унинг элу юртда машҳур бўлиши ҳам «отларнинг султони» — Ғирот туфайлидир:

*Сен зўр бўлдинг Ғирот билан,
От кўтардинг бир от билан* (X., 144).

Халқ дostonларида қуйланган отлар учун (тарихий заминга эга бўлиши жиҳатдан) қуйидаги икки факт характерлидир:

а) ипнологик асарларда (йилқичиликка оид адабиётларда) Урта Осиё (жумладан, Туркменистон ва Ўзбекистоннинг жанубий территорияси) жуда қадим замонлардаёқ йилқичиликнинг маркази бўлганлиги, яхши тайёрланган туркман отлари бир кеча-кундузда 250 километр масофани босиб ўта олиши (жаҳондаги бошқа ҳеч бир от бунга қодир эмаслиги) қайд этилади⁷.

Халқ дostonларидаги отларнинг, масалан Ғиротнинг ҳам энг зўр фазилати унинг «шамолдай», «тўпнинг ўқидай», «қушдай» учқур от эканлигидадир:

*... Шамолдай бўп Ғирқўк от,
Чўлда кетиб боради.
... Ғирқўк тўпнинг ўқидай,
Қушдай учиб боради* (Р., 169, 170),

Демак, халқ дostonларидаги чопқир отларга нисбатан қўлланган юқоридаги каби муболағали ўхшатишлар тагида тарихий ҳақиқат ётади.

б) халқ яратган эпик асарларда қаҳрамонлар отининг эгар-жабдуғлари олтидан ишланганлиги, олтин билан безатилганлиги жуда характерлидир:

*Умуддирик сўм олтин,
Умировда алқиллаб,
Кийган тўни тилладан,
Офтоб тегса яттиллаб.*

*Узангиси ййма олтин,
Қуйишқони қуйма олтин,
Югакининг боши олтин,
Эгарининг қоши олтин,
Қамчисининг сопи олтин,
Қарасанг ярқирайди,
Турмушининг бари олтин,
Тилладандир ёқаси,
Олтин отнинг тўқаси... (Р., 34—35).*

⁷ Профессор В. О. Витт, Лошади древнего Востока, Сб. Конские породы Средней Азии, М., 1937, стр. 24; Уша автор, Роль туркменской и арабской лошади в истории коневодства, Кўрсатилган тўплам, 45—46-бетлар.

Бу факт Эргаш шоир фантазиясининг маҳсули эмас, унинг заминида тарихий ҳақиқат бор. Эрамиздан аввалги V асрда яшаган грек тарихчиси Геродот қадимги Урта Осиёда (Амударё ва Сирдарё оралиғида) ҳаёт кечирган массагетларнинг кўпчилик буюмлари тилла ва мисдан эканлигини, бош кийимлари, камар ва белбоғлари ҳамда ют анжомларининг (сувлук, юган, от ёпиғи ва бошқаларнинг) олтиндан тайёрланганини, олтин билан безатилганлигини қайд этган⁸. Бу нарса халқ достонларининг (жуда бўлмаганда достонлардаги айрим деталларнинг) жуда қадимий эканлигидан далолат беради.

Бахшиларимиз, жумладан, Эргаш Жуманбулбул ўғли, ўз достонларида тулпор отларни зўр эҳтирос билан қуйлаб, уларнинг таъриф-тавсифи учун жуда кўп, ниҳоятда хилма-хил сўз-терминларни қўллаган. Лекин кичик бир мақолада буларнинг барчасини кўрсатишга имконият бўлмагани учун биз фақат «Равшан» достонидаги отни эгарлаш, абзаллаш билан боғлиқ айрим терминларни қайд этиш билан kifояланамиз.

*Олис юртдан ошган тортар хўрликни,
Бедов минган йигит қилар эрликни,
От белига қўя берди бек Равшан,
Тоза ипак, майин, қалин терликни* (Р., 15).

Терлик туркий тилларга оид сўз бўлиб, у Маҳмуд Қошғарий луғатида тэрлік (жазлик, эгар остидан қўйиладиган наMAT)⁹ қозоқ·терш·ік|терлік; қирғиз·тердик; қорақалпоқ·терлік; туркман., тува·дерлік шаклидадир. Айрим туркий тилларда бу сўзнинг синоними сифатида қўлланадиган тўқим (қирғиз·токум) сўзи мўғулчадир: мўғул, бурят-мўғул·тохоm.

*От устига қўя берди бек Равшан,
Ҳймалаб ташлаган бахмал чирғини.
... Чирғининг устидан қўйди белликди.
... Томоша қинг бек Равшандай тўрага,
Сўяб қўйди қундуз жаҳаздирикди* (Р., 15—16).

Чирги (тожик. чиргй), беллик жаҳаздирик//жаҳалдирик (жазлик), шунингдек, юқорида қайд этилган терлик сўзлари эгар тагига қўйиладиган кигиз ва матоларнинг деталлаштирилган номларидир¹⁰.

*Боз устидан қўя берди бек Равшан,
Тилла қошли, карсани қумуш эгарни* (Р., 16).

Эгар сўзи фонетик ўзгаришлар билан деярли барча туркий тилларда мавжуд: қозоқ., қорақалпоқ.. ер; қирғиз. ээр; бошқирд эйэр; туркман. эер; тува. эзер; Девонда. эзәр (МК, II. 327); чуваш. йенер; мўғул. эмээл.

*Икки узанги, иккови ҳам тилладан,
Ярқиратиб икки ёққа туширди ...* (Р., 16).

Ўзбек. узанги, қозоқ. үзеңгі, қорақалпоқ. зэнги//узенги; қирғиз. үзөңгү, бошқирд. өзеңге; тув. эзенги; чуваш. ёсенкё.

*Обрў талаб Равшандайн ёш бола,
Маҳкам торди майин ипак айилди* (Р., 16).

⁸ Қаранг: Древние авторы о Средней Азии (VI в. до н. э. — III в. н. э.), Хрестоматия, Ташкент, 1940, стр. 21.

⁹ Маҳмуд Қошғарий, Девону луғатит турк, I-том, Тошкент, 1960, 441-бет. (Бундан кейин мазкур асар МК тарзида қисқартиб берилади). Қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, туркман каби туркий ҳамда тожик, форс тилларига оид қиёсий мисоллар ўша тилларга оид икки тилли луғатлардан олинди.

¹⁰ Терлик ва чирғининг русча изоҳи «нижний и верхний потник», беллик ва жаҳалдирик эса «нижний и верхний подседельник»дир. Қаранг: В. М. Жирмунский, Х. Т. Зарифов, Узбекский народный героический эпос, М., 1947, стр. 367.

Ўзбек. айил; қозоқ., қорақалпоқ., бошқирд. айыл.

От белига ёзиб, кериб ташлади,
Қимматбаҳо зар чочоқли **давирди** (Р., 16).

Халқ дostonларида от ёпиғи маъносида *давир*/*давур* сўзидан ташқари *зул* (...Шипириб устидан олди *зулини*, Р., 15). *ёлпуш* (...Қулоғидан олди зарли *ёлпушиди*, Р., 15), *дирдикка* (Отга солди *дирдикка*, Р., 166) сўзлари ҳам қўлланган бўлиб, улардан *зул* сўзи ўзбек, туркман, тожик тилларида *жул* тарзида мавжуд. *Давир*, *дирдикка* (дикдикка, диккак) сўзлари эса фақат халқ дostonлари тилидагина учрайди. От ёпиғи маъносида қўлланувчи мазкур сўзлар маъно оттенкалари жиҳатидан (от эгарланаётганда ёки отхонада турганда ёпилишига кўра ёинки от бўйнига, отнинг эгардан думигача бўлган жойига, умуман от устига солинишига кўра) бир-биридан фарқланадиган терминлардир.

От думига сола берди бек Равшан,
Ўн икки узмали карки **қуюшқон** (Р., 17).

Қуюшқон сўзи қозоқ, қирғиз каби туркий тилларда ҳам (фонетик фарқларни ҳисобга олмаганда) ўзбек тилидагидек бўлиб, у девонда *қудузғун* (МК, I, 473) шаклида қайд этилган.

Тилла **ўмилдириқ** тақиб тўшига,
Қўтос тақиб бўйни узун Жийронга,
Қирқ қуббали **юган** урди бошига (Р., 17).

Ўмилдириқ от тўшига, *қўтос* эса от бўйнига тақиладиган абзал, безак. *Юган* сўзи Девонда *Јүгүн* (МК., III, 377); қозоқ. жүген; қирғиз. жүгөн; қорақалпоқ. жүўен; бошқирд. югэн; туркман. уян; чуваш. йевен; *тува*. чүгөн каби формаларга эга.

Бекнинг оти пйлат **сувлук** чайнайди,
Қизил кийиб, гүлдай бўлиб жайнайди (Р., 17).

От оғзига солинадиган, юганга беркитилган ҳалқасимон темир — *ўзбек*. сувлук; қозоқ. сулық; қорақалпоқ. суўлық; *тува*. суглук шаклида бўлиб, бошқа туркий тилларда бошқача кўринишга эга.

Демак: а) отни эгарлаш, абзаллаш халқ дostonларининг ўзига хос типик хусусиятларидан бири бўлиб, унда халқимиз тилининг бойлиги ўз аксини топган (*дирдикка*, *давир*, *қўтос* ва бошқалар).

б) халқ дostonлари, жумладан, Эргаш шоир айтган дostonлар, ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжасида яратилгани учун унда қозоқ, қорақалпоқ, бошқирд каби туркий тиллар билан бир хил бўлган от анжомларининг муштарак номлари кўп учрайди (*айил*, *қуюшқон*, *сувлук*, *узанги* ва бошқалар).

в) халқ дostonларидаги от эгар-жабдуқларига оид терминларнинг асоси туркий тилларга хос (*терлик*, *беллик*, *сувлук*, *эгар* ва бошқа) сўзлардан ташкил топган бўлиб, унда мўғул ва тожик-форс тилларига доир сўзлар жуда кам.

III. Профессор А. К. Боровков кўрсатганидек, Ўрта Осиё ва Қозғистондаги туркий халқларда (келиб чиқишига кўра) қипчоқ, ўғуз-туркмақ ва қирғиз эпослари мавжуд¹¹. Бу жиҳатдан ўзбек халқ дostonларининг аксарияти қипчоқ, озроқ қисми эса ўғуз-туркман эпосига тааллуқлидир.

¹¹ А. К. Боровков, Вопросы изучения тюркоязычного эпоса народов Средней Азии и Казахстана, Сб. «Вопросы изучения эпоса народов СССР», Изд-во АН СССР, М., 1958, стр. 68.

Бироқ бу ўринда ўғуз эпосига қипчоқ ва аксинча, қипчоқ эпосига ўғуз элементлари аралашганлигини алоҳида қайд этиш зарур.

Маълумки, Эргаш Жуманбулбул ўғли куйлаган дostonлар тил хусусиятлари жиҳатдан ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжасига мансуб. Бундай бўлиши табиий, чунки шоир ўзи мансуб бўлган шевада сўзлаган ва ижод этган¹². Дарҳақиқат, Эргаш шоир қандай айтган бўлса шундайлигича Ҳоди Зариф томонидан ёзиб олинган дostonлар бунга яққол далилдир:

*Жийин бўлди, ҳадсиз жийин,
Жийилганнинг қайсин дейин,
Отли олдин жайв кейин,
Кейинлиги тим бир мўйин,
Журмакликнинг бари шунда¹³.*

Шу фактнинг ўзидек Эргаш шоир қипчоқ лаҳжасининг ж-лашган (аниқроғи Самарқанд областидаги ж-лашган қипчоқ) шевалари вакили бўлганлигини аниқ кўрсатиб турибди.

Бироқ Эргаш Жуманбулбул ўғли куйлаган дostonларда қипчоқ лаҳжасига (қипчоқ тип шеваларга) хос бўлмаган, ўзбек тилининг ўғуз лаҳжасига (масалан, Хоразмдаги ўғуз шеваларига), умуман ўғуз группасидаги туркман, озарбайжон, турк сингари туркий тилларга оид бўлган айрим лингвистик (шунингдек этнографик) фактлар мавжуд.

Маълумки, ўғуз қабиалари IX—X асрлардаёқ Урта Осиё ва Шарқий Европадаги тарихий воқеаларга жуда катта таъсир кўрсатган, XI аср ўрталарида Салжуқийлар давлатининг вужудга келиши муносабати билан эса улар деярли бутун мусулмон шарқида муҳим роль ўйнаган эдилар. Уғузлар туркман, шунингдек озарбайжон, турк халқларининг шаклланишида иштирок қилган, ўғузларга мансуб кўпгина этник группалар эса қозоқ, ўзбек, қорақалпоқ, бошқирд, татарлар составига қўшилиб кетган эдилар¹⁴. Бу тарихий — этник ҳолат ҳамда ўғуз ва қипчоқ авлодларининг маълум территорияда ҳозиргача ёнма-ён ёки аралаш ҳолда яшаши уларнинг тилида ҳам, оғзаки ижодида ҳам, шубҳасиз, из қолдирган. Шу сабабли ўзбек тилининг айрим шеваларида қипчоқ ва ўғузларга хос тил хусусиятлари аралашган ҳолда учрайдики, худди шундай ҳолат халқ дostonлари тилида ҳам мавжуд. Масалан, «Равшан» дostonидаги куйидаги фактлар бунга яққол далилдир: *чувурма* — эгарлаб, юганлаб, *чувурма* чалварни устига солиб... (P., 45) — Хоразм-ўғуз. ч ө г Ү р м ə / ч ө : р м ə // туркман. ч ө в Ү р м е (қўй терисидан қилинган бош кийим); *саваш* — бир тушмадим *савашларга* (P., 124) — туркман. *сөвеш* (жанг, уруш); Маҳмуд Қошғарий ўз луғатида *саваш* (савашмоқ) сўзининг ўғузча эканлигини қайд этган (МК., II, 112). *гидирмоқ* — ... асло ҳаяллама, тушма, *гидирма*... (P., 160) — Хоразм-ўғуз. қ ы д ы р м а қ (сайр қилмоқ); *доримоқ* — Қорахоннинг элига оч бўридай *дориди* (P., 207) — Хоразм-ўғуз. д а р ы м а қ // туркман. д а р а м а к (ҳужум қилмоқ, ташланмоқ); *илғамоқ* — *илғаб* етар чин туркманнинг шерлари (P., 135) — туркман. *ылгамак* (чопмоқ, югурмоқ); *соғу сўл* — Ҳайбат қилиб, бачча, *соғу сўлига* (P., 17) — туркман. с а г - с о л — с а г ы - с о л ы н а — (ўнгу чап); *тегра-дош* — душман олган *тегра-дошим* (P., 138) — туркман. д е г р е - д а ш (теварак-атроф); *чўқ* — Оқар кўздан қонли ёшим,

¹² Ҳоди Зариф, Эргаш шоирнинг тажнисли тўртликлари, «Ўзбек тили ва адабиёти», 1969, 1-сон, 26-бет.

¹³ Ҳ. Зарифов, Эргаш Жуманбулбул ўғли атоқли ўзбек халқ шоири, «ЎзССР ФА ахбороти», 1947, 4-сон, 40-бет.

¹⁴ С. Г. Агаджанов, Очерки истории огузов и туркмен Средней Азии IX—XIII вв., Изд-во «ылым», Ашхабад, 1969, стр. 5—6.

қўқ савдога қолган бошим (Р., 138) — озарбайжон. ч о х (жуда, жуда ҳам).

Бу каби фактлар фақат «Равшан» дostonидагина эмас, балки «Қундуз билан Юлдуз», «Кунтуғмиш», «Далли» дostonларида ҳам мавжуд: *иби* — *Иби* деб қоча тушиб... (Қ. — Ю., 9) — Хоразм, Бухоро-ўғуз. *иби*: (ие, ажаб); *ғўжжсоқ* — Така-ёвмид *ғўжжсоқлари*, от, қўй саллона-саллона (Д., 201) — туркман. г о ч а к//озарбайжон. г о ч а г (мард, азамат); *қоли* — Бедовларга *қоли*, зуллар ёпинглар (К., 102) — Хоразм. ғ э л и//туркман., озарбайжон. х а л ы (гилам). Шунингдек *мардаш қурмоқ* (чордона қурмоқ): *мардаш қуриб* ўтириб айтди (Қ. — Ю., 253); *катилмоқ* (кемтилмоқ, кертилмоқ): қиличлар *катилиб*, найзалар синиб... (Д., 119); *чекилмоқ* (санчилмоқ, урулмоқ): Кўп сўзлама, олмос ханжар *чекилар* (Қ. — Ю., 42) ва бошқалар.

2. Эргаш шоир куйлаган дostonларда баён этилаётган воқеаларнинг айрим ўринларда (хусусан «Гўрўғли» туркумидаги дostonларда) ўғуз-туркманлар яшаган жой номлари билан боғланиши (масалан, «Равшан» дostonининг «Бурунги ўтган замонда, ... Бухородан тўманда, Така-ёвмит деганда, ёвмит элида... (Р., 3) — деб бошланиши ҳамда ўғузларга (аниқроғи туркманларга) мансуб *така*, *сари*, *чандир*, *ёвмит* (Д., 154) сингари уруғ-қабилла номларининг учраши ҳам дostonларда ўғуз элементларининг мавжудлигидан далolat беради.

Хўш, Эргаш шоир мансуб бўлган Жўш шевасида ўғуз элементлари борми? Жўш шевасини махсус ўрганиб, тадқиқ қилган А. Аҳмедов бу масалани четлаб ўтган ва фақат ҳозирги Жўш (Нурота райони) аҳолиси бобоқалонларининг қадимда *амирали*, *чандир*, *така туркман*, *жатири туркман*, *жаман туркман* каби туркман уруғ-қабилаларига таалуқли бўлганлигини қайд қилиш билан чегараланган, холос¹⁵. 1959 йилда, Ҳоди Зариф раҳбарлигида, Эргаш шоир юртига уюштирилган фольклор ва диалектологик экспедиция даврида жўш шевасида оз миқдорда бўлса ҳам ўғуз элементлари борлиги, лекин уларнинг шоир куйлаган дostonлардагига нисбатан ҳам кам эканлиги аниқланди.

Шевашуносларимиз ўғузларга аралашган қипчоқ шеваларини ўғуз-қипчоқ ва аксинча қипчоқларга аралашган ўғуз шеваларини қипчоқ-ўғуз тип шевалари деб номлайдилар¹⁶. Ўзбек халқ эпосини ҳам қипчоқ ва ўғуз тил хусусиятларининг аралашши даражасига кўра ўғуз-қипчоқ ва қипчоқ-ўғуз эпоси деб номлаш мумкин. Бироқ ҳозирча бизга маълум бўлган халқ дostonларини бу тарзда тасниф этишга етарли лингвистик асос йўқ. Бошқача қилиб айтганда, Эргаш шоир дostonларида учрайдиган ўғуз элементлари уларни қипчоқ-ўғуз эпосига киритиш имконини бермайди. Эргаш Жуманбулбул ўғли куйлаган дostonлар асос эътибори билан қипчоқ эпосига (тил хусусиятлари жиҳатдан ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжасига) таалуқли.

¹⁵ А. Аҳмедов, Джушский говор узбекского языка (по материалам нуратинских «туркмен»), Автореферат канд. дисс., Ашхабад, 1962, стр. 4—5, 20—21.

¹⁶ Масалан, проф. Ф. Абдуллаев Хоразмдаги ўғуз ва қипчоқ шеваларини аралашув характерига қараб икки типга — қипчоқ-ўғуз ва ўғуз-қипчоқ шеваларига ажратган. Қаранг: Ф. Абдуллаев ва Ҳ. Ўзбек тилининг Хоразм шевалари, УзССР ФА нашриёти, Тошкент, 1961, 273-бет.

ТОШКЕНТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ

Бундан ярим аср муқаддам — 1920 йилнинг 7 сентябрида РСФСР Халқ Комиссарлари Совети Тошкент шаҳрида Давлат университети таъсис этиш тўғрисида декрет қабул қилди. В. И. Ленин имзо чеккан бу декрет асосида Шарқда биринчи йирик илмий марказ — Туркистон Давлат университети ташкил этилди.

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети ўзининг 50 йиллик тарихи давомида фан, маданият ва халқ хўжалигининг турли соҳалари учун минглаб юксак малакали кадрларни етказиб берди, республика ва умуман Ўрта Осиёда совет фани, маданияти ва халқ хўжалигининг тараққий этишида катта роль ўйнади.

Тошкент Давлат университетининг Ўзбекистонда адабиётшунослик ва тилшунослик фанларининг вужудга келиши ва камол топишида ҳам улкан ҳиссаси бор. Университет филология факультетининг декани, филология фанлари кандидати А. Шомақсудов, филология фанлари кандидатлари И. Қўчқортоев ва А. Ҳожиаҳмедовларнинг қуйида эълон қилинаётган мақолаларида ана шу ҳақда баҳс боради.

А. ШОМАҚСУДОВ, И. ҚУЧҚОРТОВ

ТОШКЕНТ УНИВЕРСИТЕТИ ВА ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ

Тошкент Давлат университети Ўзбекистонда юқори малакали филолог кадрлар етиштириш соҳасидагина эмас, балки ўзбек совет филологиясини, шу жумладан ўзбек совет тилшунослиги фанини ривожлантириш соҳасида ҳам алоҳида ўринни эгаллайди. Ҳозирги пайтда ўзбек тилшунослигининг турли соҳалари бўйича илмий тадқиқот олиб бораётган тилшунос олимларнинг кўпчилиги аслида Тошкент дорилфунунининг собиқ талабаларидир. Шу ваддан Тошкент университетида филологик маълумот беришнинг ўсиши, университетнинг тилшунослик кафедраларида олий малакали тилшунос кадрларнинг тайёрланиши ва бу кафедраларда тилшуносликнинг турли проблемалари бўйича илмий тадқиқотларнинг авж олдирилиши ўзбек тилшунослик фанининг туғилиши, ривожланиши ва камол топиши йўлини ўзида мужассамлантиради, дейилса хато бўлмайди.

Дастлабки пайтларда ўзбек тили масалалари алоҳида проблемалар сифатида эмас, балки умумий туркологиянинг бир қисми сифатида қаралар эди. Бу даврда, яъни 20 ва 30-йилларда Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги ТошДУ)нинг тарих-филология факультетида ва

Шарқ институтида¹ ишлаган С. Е. Малов, Е. Д. Поливанов каби машҳур олимлар туркология масалалари билан шуғулланар эди. Туркология, шу жумладан ўзбек тили билан шуғулланувчилар сафига кейинчалик А. К. Боровков, В. В. Решетов, К. К. Юдахин, А. Ф. Ғуломов каби олимлар қўшилади. Агар 40-йилларгача университет тилшуносларининг асосий эътибори ёзувни мукаммаллаштириш, орфография қондаларини яхшилаш, олий, ўрта, бошланғич мактаблар учун дарслик ва қўлланмалар тузиш каби амалий масалаларга қаратилган бўлса, 1942 йилда университетда ўзбек тилшунослиги кафедраси очилгандан кейин тилшунослар тилнинг назарий проблемалари билан ҳам шуғуллана бошлади. 1968 йилда умумий тилшунослик кафедрасининг ташкил этилиши университетда умумлингвистик курсларни ўқитиш савиясини кўтарди, ҳозирги тилшуносликнинг умумий назарий масалаларига қизиқишни кучайтирди.

Тошкент университетиде ҳозир ўзбек тили пухта ишланган қатор назарий ва амалий курсларда студентларга ўқитилади: «ҳозирги замон ўзбек тили (фонетика, лексикология, морфология, синтаксис)», «ўзбек тили тарихи», «ўзбек тили диалектологияси», «ўзбек тили практик стилистикаси», «эски ўзбек ёзуви» ва бошқалар. Булардан ташқари, бир қанча ихтисос курслари борки, уларда фаннинг сўнгги ютуқлари, илмий тадқиқот усуллари баён қилинади.

Тил кафедраларининг ишлаб чиқариш планларида илмий тадқиқотнинг қатор йўналишлари мавжуд бўлиб, бу йўналишлар бўйича кенг кўламда илмий ишлар олиб борилади.

Тошкент университетиде ўзбек тилини студентларга ўқитиш ва уни илмий ўрганишда **фонетика ва грамматика масалалари** катта ўрнини эгаллайди. Бу соҳадаги дастлабки жиддий ишлар университетда ўзбек тилшунослиги кафедраси ташкил этилган пайтларга тўғри келади. Уша вақтда ўзбек тили, хусусан унинг фонетикаси ва грамматик структураси бўйича А. Н. Кононов, А. Ф. Ғуломов каби машҳур олимлар илмий тадқиқот олиб борар эдилар.

Кейинчалик СССР Фанлар академиясига мухбир аъзо қилиб сайланган проф. А. Н. Кононовнинг ишлари айниқса самарали бўлди. У дастлаб, «Ўзбек тили грамматикаси» (1948) дарслигини, кейинроқ «Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги кўмакчилар» (1952) монографиясини ёзди. Бу ишлар авторнинг «Ҳозирги ўзбек адабий тили грамматикаси» (1960) номли машҳур асарига асос бўлди. Фақат ўзбек тилшунослигида эмас, балки бутун туркологияда жиддий из қолдирган бу улкан тадқиқотда ҳозирги ўзбек адабий тилининг фонетик системаси, морфологик структураси ва синтактик қурилиши бой фактик материал асосида чуқур илмий таҳлил қилиб берилди.

Ўзбек тили грамматик структураси соҳасидаги ишлар қуйидаги йўналишлар бўйича олиб борилди: сўз туркумлари², грамматик категориялар³, синтаксис⁴, сўз ясалиши⁵ ва шу кабилар. Бу илмий тематика

¹ Шарқ институти мустақил ўқув юрти сифатида 1918 йилда ташкил этилган бўлиб, 1924 йилда Урта Осиё Давлат университетининг Шарқ факультетига айлантирилди.

² А. Ғуломов, Фейл, Т.; С. Фузайлов, Ўзбек тилида равишлар, Т., 1953.

³ А. Ғуломов, Ўзбек тилида келишқилар, «СССР ФА Ўзбекистон филиали асарлари», II серия, филология, 2-китоб, Т., 1941; С. Фердаус, Ўзбек тилида феъл даражаси категорияси (кандидатлик диссертацияси), Т., 1953; Фейлнинг вид категорияси, «УОДУ илмий асарлари», «Ўзбек тили масалалари», Т., 1957.

⁴ А. Ғуломов, Солда гап, Т., 1948; Т. Иброҳимов, Гапнинг бош бўлаклари (кандидатлик диссертацияси), 1946.

⁵ А. Ғуломов, Ўзбек тилида -ла аффиксининг маънолари, «ЎзССР ФА бюллетени», 1914, 5—6-сон; Ўзбек тилида сўз ясаш йўллари ҳақида, «ЎзССР ФА А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти асарлари» 1949, 3-сон; С. Фузайлов, Ҳозирги замон ўзбек тилида равиш ясалиши, «УОДУ илмий асарлари», «Ўзбек тили масалалари», Т., 1957 ва бошқалар.

университет тилшунослари томонидан кейинчалик давом эттирилиб, яхши анъанага айлантирилди. А. Фуломовнинг сўз ясалиши тўғрисида университетда студентларга ўқиган ихтисос курси ва илмий кузатувлари унинг докторлик диссертациясига асос бўлди. 1955 йилда Москвада ҳимоя қилинган «Ўзбек тилида тарихий сўз ясалиши масалалари» номли бу улкан диссертация иши ўзбек тилшунослигида янги саҳифа очди. Проф. А. Ф. Фуломов ўзининг мазкур диссертацияси материаллари асосида кейинги йилларда жиддий мақолалар эълон қилди⁶, монография тайёрлаб, нашриётга топширди.

Сўз ясалиши масалаларини ўрганиш ҳозир ҳам ўзбек тилшунослиги кафедрасининг диққат марказида турибди. Проф. А. Фуломовнинг шогирдлари А. Бердиалиев ва М. Жўрабоева сўз ясовчи қўшма аффикслар ва аффиксал омонимия тўғрисида кандидатлик диссертацияларини ёзиб тамомлади.

Ўзбек тили синтактик қурилиши бўйича сўнги йилларда қилинган ишлардан доц. Х. Исматуллаевнинг «Ифода мақсадига кўра содда гап турлари» номли 1965 йилда ҳимоя қилинган кандидатлик диссертациясини, доц. Ф. Убаеванин ҳол тўғрисида эълон қилган мақолаларини⁷ кўрсатиш мумкин. Умумий тилшунослик кафедрасининг аспиранти С. Фойишов сабаб конструкциялари ҳақида, ўқитувчи М. Шоҳназарова сифатдош ҳақида, И. Тошалев киритма конструкциялар ҳақида кандидатлик диссертацияларини ёзиб тугатишди.

Доц. К. Назаровнинг: «Ўзбек пунктуацияси асослари» монографияси нашрга топширилди.

Ҳозирда университет доцентларидан С. Фузайлов ўзбек адабий тилида модаллик категорияси бўйича, Ф. Убаева ўзбек адабий тилида ҳол категорияси бўйича докторлик диссертацияси устида ишламоқдалар.

Ҳозирги тилшуносликнинг лексикология, семасиология каби қийин, кам ишланган соҳалари лингвистик кафедраларнинг ишлаб чиқариш планларига киритилганини мамнуният билан қайд этамиз. Бу соҳадаги дастлабки қадамлар сифатида проф. С. Е. Маловнинг қадимги туркий ёзма ёдгорликлар тили, лексикаси ҳақида йнгирманчи-ўттизинчи йилларда ўқиган лекцияларини, ўзбек тили кафедрасининг мудирини бўлиб ишлаган доц. И. А. Киссеннинг лингвостатистика бўйича олиб борган текширишларини, ўзбек тилшунослиги кафедрасининг биринчи мудирини А. К. Боровковнинг Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек тили тарихи бўйича ўқиган лекция ва илмий кузатувларини кўрсатиш мумкин. Проф. А. К. Боровков олиб борган бу кузатувларнинг натижалари кейинчалик унинг ўзбек тили лексикаси тарихи юзасидан эълон қилган мақолалари таркибига киритилди. Доц. И. А. Киссен ўзбек бадий адабиёти тили лексикасининг частотали лугатини тузди.

Ўзбек тили фразеологиясига бағишланган биринчи йирик иш Ш. У. Раҳматуллаевнинг 1952 йилда Москвада ҳимоя қилган «Ҳозирги замон ўзбек тилидаги образли феъл фразеологик бирликларининг асосий грамматик хусусиятлари» деган кандидатлик диссертацияси эди. Бу ишда машҳур рус совет тилшуноси акад. В. В. Виноградовнинг фразеология тўғрисидаги назарияси ўзбек тилига татбиқ этилган. Шундан

⁶ А. Г. Гулямов, О сопутствующих явлениях при аффиксации в узбекском языке, Научные труды ТашГУ» вып. 211, Языкознание, Ташкент, 1963; Об аффиксе -лик в узбекском языке, «Научные труды ТашГУ», вып. 260, Ташкент, 1964; Сўзлар ҳаётини, «Ўзбек тили ва адабиёти», 1969, 4—9-сонлар;

⁷ Ф. Убаева, *Билан* ёрдამчиси ҳақида, «Научные труды ТашГУ», вып. 260, Ташкент, 1964; Ухшатиш ҳоли, «Ўзбеки филологияси масалалари», УзССР «Фан» нашриёти, Тошкент, 1968 ва бошқалар.

кейин Ш. У. Раҳматуллаев ўзбек тили фразеологияси ҳақида ўнлаб мақола эълон қилди. Бу ишларда ўзбек тилининг фразеологик бойлиги биринчи марта илмий равишда тасвирлаб берилди.

Ўзбек тили фразеологияси ҳақидаги кўп йиллик тадқиқотларининг якуни сифатида Ш. У. Раҳматуллаев фразеологик луғат ва монография эълон қилди⁸. Бу йирик ишлар, айниқса 1966 йилда Ш. У. Раҳматуллаев томонидан ҳимоя қилинган «Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари» деган докторлик диссертацияси фақат ўзбек тилшунослигида эмас, балки бутун туркологияда сезиларли воқеа бўлди.

Проф. Ш. У. Раҳматуллаев фразеология соҳасидаги ўз тадқиқотларини давом эттириб, яқинда «Нутқимиз кўрки» асарини ёзди.

Тошкент Давлат университетининг умумий тилшунослик кафедраси семасиология масалалари юзасидан йирик иш бошлади. Беш-олти йилга мўлжалланган бу улкан ишда ўзбек тилидаги от доирасида полисемия ва синонимия масалалари (проф. Ш. У. Раҳматуллаев), рус ва ўзбек тилидаги сифатнинг семантик қиёфаси (доц. Л. Л. Ким), ўзбек тилидаги феълнинг семантик структураси, феъл доирасидаги полисемия ва синонимия (доц. И. Қўчқортоев) ва шунга ўхшаган актуал масалалар ёритилади. Бу тадқиқотнинг дастлабки баъзи тезислари яқинда университет илмий асарларида эълон қилинди⁹.

Ўзбек тилшунослиги кафедрасининг доценти М. Миртожиевнинг полисемия масалалари юзасидан олиб бораётган иши бу тематикани тўлдирди.

Университет лингвистларининг илмий план ва маҳсулотларининг каттагина қисми **ўзбек диалектологияси** масалаларига тегишли. Тошкент университетида бу соҳага биринчи марта жиддий қўл урган олим проф. Е. Д. Поливанов эди. Е. Д. Поливановнинг конвергенция ва дивергенция ҳақидаги таълимоти, ўзбек шеваларининг биринчи тасвири ва таснифи бу фан мутахассисларига яхши маълум.

Проф. Е. Д. Поливановнинг ўзбек диалектологияси ҳақидаги кўпгина қарашлари бугунга қадар ўз илмий-маърифий қимматини йўқотмай келади.

Тошкент Давлат университетидида ўзбек диалектологиясининг кейинги равнақи А. К. Боровков, В. В. Решетов каби олимларнинг номи билан боғлиқ. Улар яратган ишлар ўзбек диалектологиясини фан сифатида оёққа турғизди, унинг кейинги тараққиёти учун мустаҳкам замин ҳозирлади.

Ўзбек диалектологияси бўйича қатор мутахассислар етишиб чиқди. 1952 йилда Е. Ф. Ғуломов «Тошкент шеvasининг морфологияси» деган темада, 1963 йилда К. Н. Назаров «Ўзбек шеваларида эгалик қўшимчалари» деган темада, 1967 йилда Х. Бобониёзов «Ўзбек тилининг Қўшқўпир шеvasи» деган темада кандидатлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар, А. И. Йўлдошев, М. Шоиноятова ўз кандидатлик диссертацияларини ёқлаш арафасида туришибди.

Доцент Е. Ф. Ғуломов «Тошкент шеvasининг грамматикаси» номли монографиясини эълон қилди, докторлик диссертациясини ёзиб тугатди. Доц. К. Н. Назаров ўз докторлик диссертацияси—Шимолий ўзбек шевалари бўйича қатор мақолалар ёзди.

Тошкент университети диалектологлари «Ўзбек халқ шеваларининг қиёсий грамматикасини тузиш тажрибаси» бўйича йирик иш бошлади.

⁸ Ш. Раҳматуллаев, Ўзбек тилининг қисқача фразеологик луғати, Т., 1964; Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари, Т., 1966.

⁹ «Научные труды ТашГУ», вып. 359, Вопросы русского и узбекского языковедения, Т., 1969.

Проф. А. Ф. Ғуломов, доцентлар Т. И. Иброҳимов, Е. Ф. Ғуломов, К. Н. Назаров, катта ўқитувчи А. Й. Йўлдошев, ўқитувчи М. Ш. Шоиноятовадан иборат бўлган авторлар коллективи бу улкан ишда ўзларининг диссертацияларида, диалектологик экспедицияларда, студентларнинг диплом ишларида ва умуман республикада диалект-шеваланни ўрганиш бўйича тўпланган бой тажрибани умумлаштирадилар.

Диалектологлар ўзбек халқ шевалари лугатларини тузиш устида ҳам иш олиб боришаётир.

Ўзбек тили тарихини илмий асосда ўрганиш ва уни студентларга ўқитиш соҳасида ҳам бирмунча ишлар қилинди. Бу борадаги жиддий қадамлар СССР Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси проф. С. Е. Маловнинг илмий-педагогик фаолияти билан бошланди. 20-йилларда Тошкент университетининг Шарқ факультетига ишлаган С. Е. Малов кадимги туркий ёзма ёдгорликлари тили бўйича лекциялар ўқиди, «Қадимги туркий ёзув намуналари» асарини ёзди (1928). Бу асар материаллари асосида автор кейинчалик ўзининг «Қадимги туркий ёзув ёдгорликлари» (1951) номли машҳур асарини яратди. С. Е. Маловнинг бу китоби туркий тиллар тарихини, шу жумладан ўзбек тили тарихини ўрганишда беқиёс манба бўлиб хизмат қилади.

Улуғ Ватан уруши йилларида университетда А. К. Боровков ўзбек тили тарихи бўйича лекциялар ўқиди, адабий тил тарихининг актуал масалалари юзасидан мақолалар ёзди¹⁰. Бу анъана бошқа ўқитувчилар томонидан ҳам давом эттирилди. Университетда тил тарихидан лекция ўқиган доц. О. У. Усмонов ўзбек тили тарихини даврлаштириш бўйича жиддий мақола эълон қилди¹¹. 1958 йилда А. Рустамов «Алишер Навоий «Маҳбул қулуб» асари тилининг баъзи грамматик хусусиятлари» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлади. Бу диссертацияда майдонга ташланган кўпгина масалалар проф. А. Рустамовнинг Навоий тили ҳақидаги докторлик диссертациясида батафсил ёритилди.

Ўзбек тили тарихи мутахассиси Р. Н. Жуманиёзов Навоий тили лексикаси бўйича илмий тадқиқот олиб бораётир. Кейинги йилларда проф. Ф. А. Абдуллаев ўзбек тили тарихидан лекция ўқишга жалб этилди.

Университет тилшунослари рус ва ўзбек тилларини қиёсий ўрганишга катта эътибор беради. Проф. Е. Д. Поливановнинг «Рус тили грамматикасини ўзбек тили билан солиштириш» номли асари бу муҳим соҳани студентларга ўқитиш ва илмий асосда ўрганишда биринчи жиддий уриниш бўлди. Сўнгги йилларда университет рус тили кафедрасининг мудири проф. О. А. Азизовнинг «Рус ва ўзбек тилларининг солиштирма грамматикаси», доц. И. А. Киссеннинг «Рус ва ўзбек тиллари солиштирма грамматикасининг қисқа курси» номли асарлари майдонга келди.

Проф. О. А. Азизов рус ва ўзбек тиллари солиштирма грамматикаси бўйича докторлик диссертацияси ҳимоя қилди.

Ўзбек тили грамматикасини рус тилига солиштириш бўйича ҳам бирмунча ишлар қилинди. Бу тема университетда алоҳида курс сифатида студентларга ўқитилади. О. Азизов, М. Мирзаев, А. Сафоев ва А. Бўрибековлардан иборат авторлар коллективи бу курс бўйича фило-

¹⁰ А. К. Боровков, Алишер Навои как основоположник узбекского литературного языка, Сб. «Алишер Навои», М. — Л., 1946; Узбекский литературный язык в период 1905—1917 гг., Т., 1941.

¹¹ О. Усмонов, Ўзбек тили тарихини даврлаштириш масаласига доир, «УОДУ илмий асарлари», 104-чиқиши, Т., 1957.

логия факультетлари студентлари учун қўлланма ёзишди¹². Доц. Ф. Ш. Шарипов рус тилида ўқийдиган студентлар учун ўзбек тилидан қўлланма тузиш устида иш бошлади.

Тошкент Давлат университетда етиштирилаётган филолог кадрларнинг нутқий маданиятини оширишда жиддий роль ўйнайдиган фанлардан бири **стилистика** фанидир. Бу фан ўзбек тилининг практик стилистикаси курсида, бадий нутқ, ёзувчи тили ихтисос курсларида студентларга ўқитилаётир. Яқинда ўзбек тилшунослиги асосида журналистика факультетида стилистика ва адабий таҳрир кафедрасининг очилиши бу муҳим, актуал соҳани ўқитиш ва ўзбек адабий тилининг стилистик ресурсларини кенг кўламда ўрганиш ишларини янада яхшилашга ёрдам беради.

Бадий адабиёт тилини ўрганиш бўйича ҳам университетда бирмунча ишлар қилинди. 1956 йилда А. Ш. Шомақсудов «Муқимий сатирасининг тили (лексика ва фразеология)» деган темада, 1965 йилда И. Қўчқортоев «Абдулла Қаҳҳорнинг фразеологик новаторлиги» деган темада кандидатлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар.

Доц. А. Ш. Шомақсудовнинг Муқимий тили тўғрисидаги монографияси нашрга топширилди.

Тилшунослик бўйича университетда олиб борилаётган илмий ишларнинг амалиёт билан чамбарчас боғлиқ эканини алоҳида қайд қилиб ўтамиз. 20 ва 30-йилларда проф. Е. Д. Поливанов ва бошқа олимлар ёзув, орфография, дарсликлар тузиш билан кўп шуғулланган эди¹³. Бу яхши анъана кейинчалик бошқа олимлар томонидан давом эттирилди. Улуғ Ватан уруши ва ундан кейинги йилларда А. К. Боровков, А. Ғ. Ғуломов ўзбек тилидан ўрта ва олий мактаблар учун дарслик ва қўлланмалар тузишди. Доц. С. Ф. Фузайлов томонидан бошланғич мактабларнинг биринчи ва иккинчи синфлари учун ўзбек тилидан тузилган дарслик ва методик қўлланмалар эллигинчи йилдан буён ҳар йили янгидан нашр этилиб амалда қўлланиб келади. Бу соҳадаги сўнгги ишлар сифатида А. Ғуломов ва М. Асқаровалар ёзган «Ҳозирги замон ўзбек тили», У. Турсунов, Ж. Мухторов ва Ш. Раҳматуллаевлар ёзган «Ҳозирги ўзбек адабий тили» дарсликларини кўрсатиш мумкин.

Булардан ташқари, Тошкент университети тилшунослари иттифоқ миқёсида тилшунослик масалалари бўйича ўтказилаётган йилги ва конференцияларда мунтазам ва фаол иштирок этиб келади.

1959 йилда Самарқандда фразеология масалалари бўйича ўтказилган конференцияда Ш. У. Раҳматуллаев, 1963 йилда Фрунзе шаҳрида ўтказилган диалектологик кенгашда Қ. Назаров ва А. Йўлдошев, 1969 йилда Бокуда туркий тиллар бўйича ўтказилган йиғилишда Х. Исмагуллаев ва Ф. Убаева, 1970 йилда Минскда лексикологиянинг актуал проблемалари бўйича ўтказилган конференцияда И. Қўчқортоев доклад ва маърузалар билан қатнашдилар.

Университетда лингвистик тадқиқотларнинг уюштирилиши, бу тадқиқотлар йўналишининг белгиланишида ўзбек тилшунослиги кафедрасининг мудир проф. А. Ғ. Ғуломов, умумий тилшунослик кафедрасининг мудир проф. Ш. У. Раҳматуллаевнинг хизмати катта эканини

¹² О. Азизов, М. Мирзаев, А. Сафоев, А. Бўрибеков, Ўзбек ва рус тилларининг қисий грамматикаси, Т., 1965.

¹³ Бу ҳақда қаранг: А. Н. Кононов, Тюркская филология в СССР (1917—1967), М., 1968; А. Ғуломов, Ўзбек совет тилшунослиги тарихидан, «Ўзбек тили ва адабиёти», 1967, 4-сон; А. А. Леонтьев, Л. И. Ройзензон, А. Д. Хаютин, Жизнь и деятельность Е. Д. Поливанова, в кн. Е. Д. Поливанов, «Статьи по общему языкознанию», М., 1968.

алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Улар раҳбарлигида қўплаб фан кандидатлари етишиб чиқаётир.

Проф. А. Ғ. Ғуломовнинг шогирдларидан А. Ҳожиев, А. Сафоев ва бошқаларнинг филология фахлари докторлари даражасига кўтарилгани мамнуният билан тилга оламиз.

Ҳозирги пайтда ўзбек тилшунослиги кафедрасидан Е. Тожиев, Б. Исабеков, Л. Каримова, И. Исоқов, умумий тилшунослик кафедрасидан Т. Иноятов, А. Цалкаламанидзе, Р. Бегалиев, И. Абдурахмонов каби ёшлар кандидатлик диссертациялари устида муваффақият билан ишламоқдалар.

А. Ҳожиаҳмедов

УНИВЕРСИТЕТНИНГ ЎЗБЕК АДАБИЁТИ КАФЕДРАСИ

Университетнинг ўзбек адабиёти кафедраси Улуғ Ватан уруши давом этиб турган бир вақтда—1942 йилда ташкил этилди. Кафедранинг шаклланиши ҳамда дастлабки йиллардаги фаолиятида мамлакатимизнинг марказий шаҳарларидан кўчириб келтирилган рус олимлари—Е. Э. Бертельс, Н. К. Пиксанов, Д. Д. Благой, В. М. Жирмунский ва бошқалар яқиндан иштирок қилдилар.

Юқори савиядаги адабиётшунос кадрлар етиштиришни ўз олдига вазифа қилиб қўйган ўзбек адабиёти кафедраси ўқув ишларини ташкил этиш, «адабиётшуносликка кириш», «ўзбек адабиёти тарихи», «ўзбек совет адабиёти» каби донмий ҳам қатор махсус курслардан лекциялар ўтказиш ва практик машғулотларни уюштириш билан бир вақтда ўз фаолиятининг дастлабки йиллариданоқ ўзбек адабиётшунослигининг муҳим проблемаларига бағишланган илмий-тадқиқот ишларини ҳам олиб борди.

Буюк ўзбек мутафаккири Алишер Навоий туғилган куннинг 500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик бораётган йилларда шоир меросини тўплаш, ўрганиш, нашрга тайёрлаш ҳамда улар устида тадқиқот ишлари олиб бориш кафедра олимларининг диққат марказида турди. Навоий адабий мероси устидаги илмий ишлар икки томонлама: шоир асарларини илмий жиҳатдан ўрганиш ва уларнинг матнларини нашр этишга тайёрлаш, шунингдек, Навоий яшаган давр, унинг ҳаёти ва ижоди илмий тадқиқ этиш йўналишларида олиб борилди.

1942—1948 йилларда бажарилган тадқиқотлар орасида, айниқса, кафедранинг биринчи мудир (1942—1945) Е. Э. Бертельснинг бир қатор йирик асарлари алоҳида ажралиб туради. Унинг шу йилларда ёза бошлаган «Алишер Навоий ижодий биография тажрибаси» китоби 1948 йилда Москвада босилиб чиқди. Унинг шу йили нашр этилган «Александр ҳақида роман» номли тадқиқоти ҳам Навоийнинг «Садди Искандарий» дostonи таҳлигига бағишланган эди.

Университетнинг адабиёт кафедрасида ишлаш давомида яратган бу асарларида Е. Э. Бертельс Алишер Навоий ҳаёти ҳамда ижодининг бир қатор муҳим томонларини очиб берди, унинг Шарқ шеърини, шу жумладан ўзбек адабиёти тараққиётидаги буюк ролини атрофлича кўрсатиб берди.

Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини илмий тадқиқ этишда иштирок этган А. Ғ. Саъдий, Ғ. Каримов каби олимлар ҳам ана шу йилларда муҳим ютуқларни қўлга киритдилар. 1945—1948 йилларда кафедрага раҳбарлик қилган проф. А. Ғ. Саъдий «Алишер Навоий ижоди ўзбек классик адабиётининг юқори босқичи сифатида» деган мавзуда докторлик диссертацияси ёзиб, уни 1947 йили Москвада муваффақиятли ҳимоя қилди.

Е. Э. Бертельс раҳбарлигида иш олиб борган Ф. К. Каримов эса Навоий «Лайли ва Мажнун»нинг танқидий матнини яратди ва уни 1948 йили нашр эттирди.

Университет адабиёт кафедраси 50-йилларда ўзбек адабиётшунослик фанининг муҳим проблемалари устида илмий тадқиқот ишларини давом эттириб, ўзбек классик ва совет адабиётининг бир қатор йирик масалаларини ҳал қилиб берди.

Ўзбек классик адабиёти устидаги тадқиқот ишлари бу йилларда асосан, адабиётимизнинг йирик намояндалари ижодини атрофлича ўрганишга қаратилди. Ф. К. Каримов кўп йиллар давомида демократик адабиётни, унинг йирик вакиллари, хусусан Муқимий ижодини чуқур тадқиқ этиб, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги ўзбек адабиёти тараққиётининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб берди. Олим ўзининг «Муқимий ва унинг даври адабиёти» номли йирик илмий асари учун 1962 йили филология фанлари доктори илмий даражасини олишга сазовор бўлди.

Огаҳий шеърятни (С. Долимов), Дурбек ҳаёти ва ижоди (С. Ҳайдаров) устидаги тадқиқот ишлари ҳам ана шу йиллар маҳсули ҳисобланади.

50-йилларда кафедра аъзолари ўзбек совет адабиётининг асосий масалалари устида йирик текширишлар олиб борар экан, ўзбек совет адабиётининг қатор назарий масалаларини, ўзбек совет ёзувчилари ижодидаги ғоя ва маҳорат проблемаларини айниқса катта эътибор билан ўргандилар. Кафедрага 1948—1952 йилларда раҳбарлик қилган доцент З. М. Мирҳожиев, филология фанлари кандидатлари Т. С. Собиров ва Л. П. Қаюмовларнинг шу даврдаги илмий ишлари адабиётнинг партиявийлиги, адабиётда типиклик ва ижобий қаҳрамон проблемаси каби муҳим мавзуларга бағишланди.

Кафедра аъзолари ўзбек совет адабиётининг асосчиси — Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ижодини ўрганиш борасида кўзга кўринарли ютуқларга эришдилар. Л. П. Қаюмов ўзининг кўп йиллик илмий текширишлари давомида Ҳамза ҳаёти ва ижодига оид жуда кўп янги ҳамда ноёб материалларни тўплаб, ниқлоб куйчисининг илмий биографиясини яратди, унинг поэтик меросини атрофлича таҳлил қилиб берди. Л. П. Қаюмов қўлга киритган илмий ютуқлар Ҳамза ҳаёти ва поэтик ижодига бағишланган ҳамда 1963 йили муваффақиятли ҳимоя қилинган докторлик диссертациясида ўз ифодасини топди.

Кафедра 60-йилларда илмий текшириш ишларини янада кенгроқ планда олиб борди. КИССнинг XX ва сўнгги съездларининг қарорлари кафедра илмий фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб берди. Кафедра олимлари «Ўзбек адабиёти тараққиётининг асосий қонуниятлари» проблемасини кўп йиллик тадқиқот мавзуси қилиб олдилар. Утган ўн йил мазкур проблеманинг кўпгина масалаларини ҳал этиш имконини берди.

Кафедранинг бу йиллардаги илмий фаолиятида адабий алоқалар ва ўзаро таъсир масалаларини тадқиқ этиш ҳам диққат марказида турди. Олимлар иттифоқ миқёсида ўрганила бошланган мазкур проблемага ўзбек адабиёти тараққиёти қонуनларини очиш нуқтан назаридан ёндашдилар. Проф. Ф. К. Каримов раҳбарлигида иш олиб борган О. Шарафиддинов, С. Д. Долимов, А. Алиев, А. Ҳожиаҳмедов, У. Норматов каби доцентлар ва катта ўқитувчи Х. Муҳаммадхўжаевнинг ўзбек адабий муносабатларини тадқиқ этишда эришган муваффақиятлари 1964 йили нашр этилган «Адабиётлар дўстлиги — халқлар дўстлиги» номли мақолалар тўпламида ўз тажассумини топди.

1967 йили нашр этилган «Рус-ўзбек адабий алоқалари тарихи очерклари» номли монография мазкур йўналиш соҳасида қўлга киритилган ютуқларнинг яна бир ифодаси эди. Китобда икки қардош халқ орасидаги дўстона ҳамкорликнинг қадим замонлардан то бизнинг давримизгача бўлган бой тарихи атрофлича текширилди.

Ана шу муҳим проблема кафедранинг бир гуруҳ олимлари томонидан янада чуқурроқ ўрганилмоқда. Доцент С. Н. Нарзуллаева «Совет шарқи халқлари адабиётларида «Лайли ва Мажнун» сюжети» мавзuida, доцент А. Ҳожиаҳмедов «XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида ўзбек адабий муносабатлари» мавзuidaги докторлик диссертацияларини тугаллаш арафасида турибдилар. Катта ўқитувчи Ҳ. Муҳаммадхўжаев эса «Фузулий ва ўзбек адабиёти» деган мавзуда кандидатлик диссертацияси ёзмоқда.

Ўзбек адабиёти тарихини тадқиқ этиш соҳасида кафедранинг асосий диққати XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги адабий ҳаётни ўрганишга қаратилди. Хусусан, кафедра олимлари ва аспирантлари Тошкент, Марғилон ва Андижондаги адабий ҳаётни, ижоди ўрганилмаган демократик ва прогрессив шоирлар меросини текшириш соҳасида иш олиб бордилар. Масалан, Б. Қосимовнинг 1967 йили муваффақиятли ҳимоя қилинган кандидатлик диссертацияси Мирмуҳсин Шермуҳаммедов ижодига бағишланган эди. Ҳозирги вақтда кафедра аспирантлари Ибрат, Умидий, Рожий, Мунтазир, Бимийлар кафедри тадқиқ этишга бағишланган диссертацияларини ёзиб тугалладилар.

Ўзбек совет адабиёти тараққиёти қонуниятлари устида илмий иш олиб бораётган кафедра олимларининг тадқиқотлари ўз мавзуларининг актуаллиги ва муҳимлиги билан ажралиб туради. Бир гуруҳ олимларнинг диққати адабий жанрлар тараққиётини ўрганишга қаратилган. Ўзбек совет адабиётида лирика жанри тараққиёти қонуниятлари ҳақида илмий текшириш олиб бораётган доцент О. О. Шарафиддиновнинг «Замон, қалб, поэзия» ҳамда «Адабий этюдлар» номли мақола тўпламлари адабиёт мухлисларининг эътиборига сазовор бўлди. Ҳозирги кунда олим мазкур мавзудаги докторлик диссертациясини тугалламоқда.

Доцент У. Норматов бир неча йиллар давомида ҳозирги замон ўзбек прозаси тараққиёти қонуниятларини тадқиқ этиш устида илмий иш олиб бораётир. Олимнинг ўзбек прозаси масалаларига бағишланган кўпсонли мақолалари, яқинда нашрдан чиққан «Шуҳрат» номли китобчаси қизиқиш билан ўқилмоқда.

К. Яшиннинг драматурглик фаолияти — доцент Б. Гуломов докторлик диссертациясининг мавзуи. Тадқиқотчи Яшин ижоди билан боғлиқ ҳолда ўзбек совет драматургияси тараққиётининг муҳим масалаларини ўрганиш устида ҳам жиддий илмий иш олиб бораётир. Унинг 1969 йили босмадан чиққан «Комил Яшин ижоди» номли монографияси мазкур соҳадаги текширишларнинг дастлабки натижаси ҳисобланади.

Кафедрада тайёрланаётган яна бир докторлик диссертацияси 60-йиллардаги ўзбек совет адабиёти тараққиётининг асосий хусусиятларини тадқиқ этишга бағишланган. Узининг сэрмаҳсул танқидчилик ижоди билан танилган доц. Н. Худойберганов ана шу мавзу устида ишламоқда.

Ўзбек совет адабиётидаги бадий маҳорат масалалари ҳам кафедра олимларининг диққат марказида турибди. Хусусан, кейинги йилларда ўзбек прозасида услуб масалалари (доц. А. Расулов), Миртемирнинг поэтик маҳорати (доц. Б. Акрамов)ни текшириш соҳасида кафедрада қизғин илмий иш давом этмоқда.

60-йилларнинг охиридан бошлаб кафедра ўзбек адабиётшунослигининг муҳим масалаларидан бири устида — ўзбек классик ва совет адабиётида ижодий метод тараққиёти устида илмий иш бошлади. Келаётган беш йилликда якуланиши лозим бўлган мазкур проблема устидаги ишни проф. Ғ. К. Қаримов бошчилигидаги катта коллектив бажаради. Бу мавзуни текшириш давомида эришилган дастлабки илмий ютуқлар кафедранинг келаси йил нашр этиладиган «Ўзбек адабиётида реализм ва социалистик реализм тараққиёти тарихидан» номли тўпламида эълон қилинади.

Адабиёт кафедрасида ўзбек халқ оғзаки ижодини ўрганиш соҳасида ҳам кўзга кўринarli тадқиқотлар олиб борилмоқда. Кафедранинг фольклоршуно олимлари халқ оғзаки ижодида бадий маҳорат масалаларига, айрим жанрлар хусусиятларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Яқинда бўлиб ўтган кафедра йиғилиши доц. М. Саидовнинг «Ўзбек халқ дostonлари ва эпик маҳорат масалалари» темасидаги докторлик ишини ҳимояга тавсия қилди. Олимнинг «Ўзбек дostonчилигида бадий маҳорат» (1969) номли монографияси фольклоршунослигимизга қўшилган муносиб ҳиссадир.

Кафедрада тайёрланган ва ҳимоя қилинган «Фозил Йўлдош ўғлининг бадий маҳорати» (А. Абдусаматов), тугалланиш арафасида турган «Хоразм халқ дostonлари» (О. Мадаев) мавзудидаги кандидатлик диссертациялари ҳам фольклоршунослигимизнинг муҳим масалаларига бағишланган.

Университет адабиёт кафедраси республикамиз олий ўқув юртлари, илмий муассасалари учун юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш соҳасида муносиб ютуқларни қўлга киритди. 60-йилларнинг ўзидаёқ кафедрада 20 га яқин аспирант кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Улардан кўпчилиги ҳозир кафедрада ўқитувчилик қилмоқда.

Кейинги йилларда кафедра баъзи социалистик давлатлар учун ҳам адабиётшуно олимлар етиштириш билан шуғулланмоқда. Жумладан, 1968 йилдан бери Болгария халқ республикасидан келган аспирант Пейчев профессор Ғ. К. Қаримов раҳбарлигида «Болгар-ўзбек адабий алоқалари тарихидан» мавзудида кандидатлик диссертациясини ёзмоқда.

Республикамиз олий юртлари ва мактабларини программа ва дарсликлар, методик қўлланмалар билан таъминлашда ҳам кафедра аъзолари фаол иштирок этиб келмоқдалар. Проф. Ғ. К. Қаримов томонидан ёзилган ва олий ўқув юртлари учун мўлжалланган «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслиги (3-китоб), доц. С. Долимовнинг бошқа муаллифлар билан биргаликда ёзилган «Адабиёт ўқитиш методикаси» дарслиги республикамиз олий ўқув юртларида кенг қўлланиб келмоқда.

Университет адабиёт кафедрасининг ўзбек адабиётшунослик фанини ривожлантиришдаги фаолияти партия ва ҳукуратимиз томонидан муносиб тақдирлаб келинмоқда. Кўпйиллик сермазmun фаолиятлари учун кафедрага 1952 йилдан бери бошчилик қилиб келаётган проф. Ғ. К. Қаримовга ва С. Д. Долимовга Ўзбекистон Олий Совети Президиуми Фармони билан «Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби» унвони берилди. Кўзга кўринган адабиётшуносл ва адабий танқидчи О. О. Шарафиддинов эса 1970 йилги Беруний мукофоти билан тақдирланди.

Кафедра янги бешйилликда янги ва муҳим вазифалар олдида турибди. Адабиётшунослигимизнинг муҳим проблемаларини тадқиқ этиш, аynи вақтда юқори малакали адабиётшуносл мутахассислар етиштириш ишини тобора яхшилаб бориш кафедра коллективининг асосий мақсади.

Элга не сўз хуш келарин билмайин,
Сандираб, не келса айтиб тилига.

Ҳар кимнинг тили бор, бир сўз айтади,
Яхши сўз одамга таъсир этади.
Яхши сўз одамнинг бўлмай хаёлин,
Юракнинг қайғуман занги кетади.

Асл сўз бўшатар, билсанг одамни,
Қанча маҳкам бўлса, сўз бўшатади.
Сўзни фарқ қилмоқлик оқилнинг иши,
Билмаган барини бир деб кетади.

Яхши сўзнинг яхши билар қадрини,
Ёмон сўзман, дўстлар, қайси иш битади?
Яхши сўзнинг қадри ҳам йўқ, тенги йўқ,
Ундай сўз, ёронлар, камдан чиқади.

Ёмонлар сўзни ҳам ёмон қилади,
Яхшиларнинг юзин тўман қилади.
Яхшиларнинг қадри яхши билади,
Ёмонлар ўзидан кам ҳам қилади.

Ул ўзи билмаса иззат-ҳурматни,
Қиммат баҳосини арзон қилади.
Ўз кўнглида сўзни мен ўхшатдим деб
Айтаётган сўзни вайрон қилади.

Бир яхши беобрў бўлса бир ерда,
Уни эшитган халқ пушмон қилади.
Бир яхшининг иши бўлса ривождор,
Эшитганининг кўнглин хурсанд қилади. . .

Ёмон сўз одамга таъсир қилмайди,
Ким эшитса таёқдай бўй қотади.
Айтиб-айтиб қола берар айтувчи,
Туришиб одамлар ташлаб кетади.
Шундай фарқи бўлса сўзнинг, ёронлар,
Яхшига ёмон қай вақтда етади?

Ҳар нарсадан сухан қиммат, ёронлар,
Яхши сўзни қилинг ҳурмат, ёронлар,
Вақтингизнинг қадри билиб ўтказинг,
Баридан шу дам ғанимат, ёронлар.

Бу дунёда ширин, дўстлар, тириклик,
Ўз тенгийиз билан суҳбат, ёронлар.
Яхшига ёнашиб одам айиринг,
Ҳар покасга бўлманг улфат, ёронлар.
Яхшиман ёмонни сўзман билади,
Тилдан чиқар дилда ният, ёронлар. . .

* *
*

Энди жиров ўзин айтар,
Шу вақтгача сўзин айтди.
«Қизжибак»ни баён айлаб,
Бўлган кўпу озин айтди.

Ўзига боп сўздан топиб,
Гапнинг жуда созин айтди,
Оро бериб, боб-боблаб,
Сирлибойнинг қизин айтди.

Мулла Эргаш дер отимни,
Чечан дер асли зотимни,
Ўтган туркманнинг¹ элида
Жўш кент дер элатимни.

Етти пуштим чечан ўтган,
Бари ҳам гапни ўхшатган,
Шў² замонда чачанларга
Устод бўлиб гап уйратган.

Қозоқ элда чечанлиги
Қўп овоза бўлиб кетган.

Ҳеч ким чиқмаган тўйларда,
Сал сўзман енгиб ўтган.
Ҳар тўйда енгган нечани,
Неча қизман бойбиччани,
Бўлиб чечаннинг чечани,
Шу Мойлибой бўлиб ўтган.



«Қизжибак» достонидан. Эргаш Жуманбулбул ўғли дастхати.

Келиб-келиб отамизга
Чечанлик навбати етган.
Булбул атаган юртида,
Овозаси узаб кетган.

Ҳар ким кўрса бир айтганин,
Бо кўрсам деб ҳавас этган,
Эътибор топган юртда,
Жамий халқ ҳурмат этган...

Ҳар кимга агар енгдирса,
Қозоқ элдан туркман келиб,
Кеп Булбулни олиб кетган.
Бу ҳам бориб, бир байтман
Шу енгганини енгиб ўтган.

Хўжа бир кеп обборган йўқ,
Етти, саккиз, ўнга етган.
Шу «Жибақ»нинг қиссасини
Мойлибойнинг ўғли айтган.

¹ Ўзбек уруғларидан бири.

² Уша.

Бо бир сўзим келиб қолди,
Кеп кўндаланг бўлиб қолди,
Шу «Жибак» қиссаси учун
Айтмоқ лозим бўлиб қолди:

Шў замонда қозоқ элда
Мойлихўжа деган ўтган.

ЗҶР БОТИР

Юрган йўли чанг бўлган,
Қатта йўллар танг бўлган,
Еган гўшти анг бўлган,
Гўрўғлибек — зўр ботир.

Сири элга фoш¹ бўлган,
Афсонаси чош бўлган,
Лашкарига бош бўлган,
Гўрўғлибек — зўр ботир.

Йигитлари шиддатли,
Бари Хайбар ғайратли,
Душманига ҳайбатли,
Гўрўғлибек — зўр ботир.

Шаханшоҳдай савлати,
Қайсарча бор давлати,
Юртни босган ҳайбати,
Гўрўғлибек — зўр ботир.

Сардорларнинг сардори,
Қабатида лашкари,
Ортида бор кўп обрў,
Гўрўғлибек — зўр ботир.

Элни кўриб ўйланган,
Олмос қилич бойланган,
Душманига шайланган,
Гўрўғлибек — зўр ботир.

Ҳар бир зарби олмосдай,
Минган оти толмасдай,
Сирин ҳеч ким билмасдай,
Гўрўғлибек — зўр ботир.

Йигитлари йўлбарсдай,
Душманга йўл бермасдай,
Ароққа тўйган мастдай,
Гўрўғлибек — зўр ботир.

Румида кишвар қайсардай,
Хайбар элда Антардай,
Бўлиб деви ҳафтсардай,
Гўрўғлибек — зўр ботир.

Буни эшитиб, шу қиссага
Мулла Эргаш талаб этган.
Ундан Эргаш талаб этган.
Ундан қолган чаласини
Жуманов ўхшатиб кетган.

Адолатли шоҳдайдир,
Юзи меҳри моҳдайдир,
Лашкари дарёдайдир,
Гўрўғлибек — зўр ботир.

Лашкарининг сони йўқ,
Ночор йигит тани² йўқ,
Қўшиннинг озгани йўқ,
Гўрўғлибек — зўр ботир.

Йўли гоҳ чўл, тоғ бўлган,
Меҳрин қўйган боғ бўлган,
Димоғлари чоғ бўлган,
Гўрўғлибек — зўр ботир.

Меҳри элга кўп зиёд,
Чамбил эли бўлган шод,
Душманлари қолган мот,
Гўрўғлибек — зўр ботир.

Ҳар йигити эрдайдир,
Эр не эмиш, шердайдир,
Лашкари бари бирдайдир,
Гўрўғлибек — зўр ботир.

Адр ерни йўл қилган,
Чўлда ариқ, кўл қилган,
Озиқ-овқат мўл қилган,
Гўрўғлибек — зўр ботир.

Минган отин от қилган,
Оломонин шод қилган,
Душманларин мот қилган,
Гўрўғлибек — зўр ботир.

Паст-баландни билмаган,
Йўлни кўзга илмаган,
Отни чопган, елмаган,
Гўрўғлибек — зўр ботир.

Сатта ботир бўз бола,
Юрса титрар туз-дала,
Ёвга яшин ҳам жала,
Гўрўғлибек — зўр ботир.

¹ Овоза

² Мутлақо.

матик обработкаси ва туркий тилларнинг информацион ўлчови)га бўлиниб, ўз ишларини давом эттирдилар.

Проф. М. М. Копиленко ва доц. М. М. Глушко раислик қилган биринчи секцияда Г. В. Ермоленко («Вазовнинг «Зулм остида» романида туркизм статистикаси болгар материаллари асосида»), А. Аралбаев, А. А. Исенгельдина, Б. Д. Тайлакбаев, С. С. Татубаев («Қозоқ тили фонетик структурасини статистик текшириш»), Э. Й. Фозилов, С. А. Ризаев («Ҳозирги ўзбек адабий тили фонологик структурасини статистик ўрганиш») қабиларнинг доклад ва ахборотлари тингланди.

Проф. Р. Г. Пиотровский ва В. В. Морозенко раислик қилган иккинчи секцияда эса А. А. Землянский, В. В. Морозенко, И. Ф. Турук, В. В. Шураков («Ёзув нутқи лексикостатистик текширишни алгоритмлаштириш»), Т. И. Ибрагимов («Татар тили сўзларининг бўғин структураси»), В. В. Гончаренко, В. С. Крисевич, В. М. Петровская, Р. Г. Пиотровский ва бошқалар («Машина лугатида кўп маънолилиқ ва идномалилик») нинг турли мавзулардаги доклад ва ахборотлари тингланди ва муҳокама қилинди.

Семинар охирида Р. Г. Пиотровский ва С. К. Кенесбаев якунловчи нутқ сўзладилар. Улар семинарнинг юксак савияда ўтганлигини ва, айниқса, тингланган доклад ва ахборотларнинг илмий-назарий савияси жиҳатидан совет лингвостатистик тарихида муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Шундан сўнг семинар қатнашчилари Қозоғистон ССР Автомобиль йўллари министрлиги ҳисоблаш марказида бир тилдан иккинчи бир тилга «Минск — 22» ЭҲМ ёрдамида таржима қилишни амалда кўрдилар: инглиз, немис тилларидан рус тилига машина ёрдамида таржима қилишни, шунингдек, французча илмий-техник мақоланинг ЭҲМ ёрдамида қисқача мазмунни французча олиниши жуда катта қизиқиш уйғотди.

Семинар туркий тиллар тарихини, аҳволини ва адабий тил нормаларини белгилашда математик методлар ва ЭҲМдан фойдаланиш қандай катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди.

С. Ризаев

С. АЙНИЙ АДАБИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШГА БАҒИШЛАНГАН ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Яқинда Тожикистон ССР Фанлар академияси Рудакий номидаги Тил ва адабиёт институтида С. Айний адабий меросини ўрганишга бағишланган навбатдаги XIII традицион илмий конференция бўлиб ўтди.

Бу илмий анжуманга Москва, Тошкент, Самарқанд, Ленинобод, Душанба ва бошқа шаҳарлардан келган олим ва ёзувчилар иштирок этдилар.

Айний комитети раисининг ўринбосари Тожикистон ССР ФА мухбир аъзоси, шоир ва адабиётшунос Носиржон Маъсумий қисқача кириш нутқи сўзлаб, конференцияни очади.

Биринчи бўлиб сўз олган филология фанлари кандидати Хуршида Отахонова С. Айнийнинг «Оби ҳаёт» дostonи ҳақида гапирди. А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими, филология фанлари кандидати Наби Раҳимов ўз докладини С. Айнийнинг ижодий методи масалаларига бағишлади. Москвалик олим, филология фанлари доктори, Тожикистон ФА мухбир аъзоси И. С. Брагинский устод С. Айнийнинг бизларга қилган васиятлари, илмий иши планлари ҳақида гапирди. Тожикистон Давлат университетининг доцентлари Султон Воҳидов, «С. Айний ва XV аср адабиётини ўрганиш», С. Амиркулов

С. Айний ва XIX асрнинг иккинчи ярмидаги тожик адабиётида сатира» деган темалари юзасидан мароқли доклад қилдилар.

А. Навоий номли Самарқанд Давлат университетининг катта ўқитувчиси Р. Эгамбердиев «Айний ва Восифий «Эсдаликлар» ва «Бадое-ул-вақо» асосида), Рудакий номли Кўлоб педагогика институтининг катта ўқитувчиси А. Қаландаров «Образлар очилиши ва характернинг ташкил топишида қаҳрамонлар номининг роли» деган темаларда гапирдилар.

Бу конференцияда ёш олимларнинг ҳам С. Айний тўғрисида янги ва қизиқарли маълумотлар билан иштирок этишлари конференция катнашчиларини жуда мамнун қилди. Хусусан ёш олим А. Мавлоновнинг (Душанба) «С. Айнийнинг ҳажвий шеърлари» ҳақида маърузаси диққатга сазовор бўлди.

Музокарада сўзга чиққан СССР ФА шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, филология фаилари доктори, проф. Османов, филология фаилари кандидати Ж. Бақозода А. Дониш номли тарих институтининг илмий ходими М. Шарипов ўртоқлар бу галги конференция ва олимлар тадқиқотлари, айнийшунослар асарлари ҳақида гапириб, уларга катта баҳо бердилар.

Н. Шаропов

ДИССЕРТАЦИЯ ТЕМАЛАРИ

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг ўзбек тили ва адабиёти кафедраларида қуйидаги проблемалар бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда:

Докторлик диссертациялари

Адабиётшунослик бўйича

1. Нарзуллаева С. Совет шарқи халқлари адабиётларида «Лайли ва Мажнун» сюжети.
2. Норматов У. Ҳозирги ўзбек прозасининг тараққиёт хусусиятлари
3. Саидов М. Ўзбек халқ дostonлари ва эпик маҳорат масалалари.
4. Худойберганов Н. 60-йиллар ўзбек совет адабиёти тараққиётининг асосий хусусиятлари.
5. Шарафиддинов О. Ҳозирги ўзбек лирикасининг тараққиёт проблемалари.
6. Фуломов Б. К. Яшнинг драматурглик фаолияти.
7. Ҳожиаҳмедов А. XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида ўзбек адабий алоқалари.

Тилшунослик бўйича

1. Жуманиёзов Р. Навоий асарларида синонимлар.
2. Назаров К. Шимолӣ ўзбек шевалари.
3. Убаева Ф. Ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳол категорияси.
4. Фузаилов С. Ҳозирги ўзбек адабий тилида модаллик категорияси.
5. Фуломов Е. Ўзбек тилининг Тошкент шеvasи.

Кандидатлик диссертациялари

Адабиётшунослик бўйича

1. Абдуллаев О. Шайхзода асарларининг эстетик принциплари.
2. Мадаев О. Хоразм халқ дostonлари.
3. Мақсудова М. Ҳозирги ўзбек драматургиясида ижобий қаҳрамон проблемаси.
4. Муҳаммадхўжаев Ҳ. Фузулий ва ўзбек адабиёти.
5. Оқбўтаев Ҳ. Ўзбек халқ китобларининг ғоявий-бадий хусусиятлари (Туркистон литографияси материаллари асосида, 1868—1917).
6. Пейчев. Болгар-ўзбек адабий алоқалари тарихидан.
7. Ражабов Р. «Зевархон» дostonининг генезиси, тарқалиши ва ғоявий-бадий хусусиятлари.
8. Содиқов С. Ўзбек мақоллари поэтикаси.

9. Умаров С. Пўлкан дostonларида бош қаҳрамон проблемаси.
10. Юсупова Д. Хусайн Шамнинг ижодий йўли.
11. Қаҳҳоров А. Қашқадарё ва Сурхондарё областадаги совет бахшилари.
12. Ғоипова М. Езувчи ижодий процессида тўқиманинг роли.
13. Ҳожибоев Т. Шоир Умидийнинг ҳаёти ва ижоди.

Тилшунослик бўйича

1. Абдураҳмонов И. Ҳозирги ўзбек тилидаги масофа сифатларини семантик-статистик текшириш.
2. Бердиалиев А. Ўзбек адабий тилида сўз ясовчи қўшимча аффикслар.
3. Жўрабоева М. Ўзбек тилида аффикслар омонияси.
4. Исабеков Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида антонимлар.
5. Иноятов Т. Ҳозирги ўзбек тилида келишик формаларининг қўлланиши.
6. Исҳоқов И. Шимолий ўзбек шеваларида сўз ясовчи аффикслар.
7. Йўлдошев А. Манкент шеваси морфологияси.
8. Қаримова Л. Топонимлар ҳақида.
9. Саидова Р. Ҳозирги замон ўзбек тилида изоҳловчи.
10. Тожиёв Е. Ўзбек тилида антоним аффикслар.
11. Тошалиев И. Ўзбек тилида киритма конструкциялар.
12. Цалкаламанидзе А. Ҳозирги ўзбек тилида «бўлмоқ» феъли.
13. Шоиноятова М. Ўзбек шеваларида келишик аффикслари.
14. Шоҳназарова М. Ҳозирги ўзбек тилида сифатдошлар синтаксиси.
15. Юнусов Р. Ҳозирги ўзбек тилида ўрин отларининг полисемия, синонимия ва антонимияси.
16. Ғоипов С. Ҳозирги ўзбек адабий тилида сабаб муносабатларининг ифодаланиш усуллари.

МУНДАРИЖА

«Қутадғу билиг» достони яратилганининг 900 йиллиги

✓ А. Н. Кононов. Баласоғунли Юсуф ва «Қутадғу билиг» достони ҳақида	3
✓ Ф. Абдуллаев. Туркий тиллар тарихида у/а мослиги	15
✓ Г. Ф. Благова. «Қутадғу билиг» билан «Бобирнома»ни тарихий-лингвистик қиёслаш методикаси	21
✓ Қ. Каримов. «Қутадғу билиг»ни транскрипция ва тавсиф қилиш принциплари	28
✓ А. Алиев. «Қутадғу билиг» ва «Девону лугатит турк»нинг Намайган шеваларига муносабати	35

Эргаш Жуманбулбул ўғли таваллудининг 100 йиллиги

Х. Зариф. Улкан шоир	38
Ш. Шобдуррахмонов. Эргаш Жуманбулбул дostonларида ифода ва тасвирийлик	43
Т. Мирзаев. Ўзбек халқ дostonчилиқ ижодига ёзма адабиётнинг таъсири	51
А. Ишаев. Халқ дostonлари лексикасига оид кузатишлар	56

Тошкент университети ташкил этилганининг 50 йиллиги

А. Шомақсудов, И. Қўчқортоев. Тошкент университети ва ўзбек тил-шунослиги	64
А. Ҳожирахмедов. Университетнинг ўзбек адабиёти кафедраси	70

Тирик сагрлар

Эргаш Жуманбулбул ўғли. Эълон қилинмаган асарлар	74
--	----

Классик адабиёт поэтикасидан маълумотлар

Е. Исҳоқов. Тазод	83
Илмий ҳаёт	84

Баҳоси 30 т.

Индекс
75396